

НОРТОЖИ ЮСУПОВА



*Л*АФОСАТ
ГУЛШАНИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги
Ўзбекистон Композиторлар ва Бастакорлар уюшмаси

НОРТОЖИ ЮСУПОВА

НАФОСАТ ГУЛШАНИ

Тошкент 2022 йил

УЎК: 7.072(575.123)(092)

КБК: 85(5Ў)

Ю-91

Нортожи Юсупова

Нафосат гулшани[Рисола]/Н. Юсупова.—Тошкент

“Adast poligraf”, 2022/196 б.

Китоб Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси Бадиий кенгашининг 08 июнь 2022 йилдаги баённомасига асосан нашрга тавсия этилган.

Маъсул муҳаррир:

С.Бегматов - Санъатшунослик фанлари номзоди, професоор;

Тақризчилар:

Р.Абдуллаев - Ўзбекистон композиторлар ва бастакорлар уюшмаси раиси, профессор;

И.Ваҳобов - Ўзбек миллий мақом санъати маркази “Устоз шогирд мактаби” раҳбари, Ўзбекистон халқ ҳофизи.

Ушбу тазкиравий рисола, Республикаимизнинг гўзал гўшаларидан бўлган Наманган вилоятида яшаб ижод этган устоз санъаткорлар ва ҳозирда самарали фаолият олиб бораётган маданиятимиз ва санъатимиз фидойиларининг ҳаёти ва ижодини ёритишга бағишланган. Юртимизда ўз ижоди билан машҳурликка эришиб, довруқ таратиб келаётган кўплаб санъаткорлар бор. Уларнинг ҳар бири алоҳида дунё ва бу дунё уларнинг колдирган меросида мужассамдир. Улар жуда ранг-баранг ва илм манбаидир. Тазкиранинг асосий мақсади уларни келажак авлодларга таништириш, ижодидан баҳраманд этишдир. Илм сабоқлари учун фойдали маълумот, илмий тадқиқотлар учун бошланғич манба бўлиши бегумон.

ISBN 978-9943-8997-0-4

© Нортожи Юсупова. 2022

© “Adast poligraf” нашрети, 2022

МУАЛЛИФДАН

Инсон меҳнати билан гўзал, меҳнати билан бахтли ва албатта самарали меҳнат ўзининг ижодий маҳсулини кўрсатса абадиятга юз тутиши муқаррар. Тўрт иқлимни тепна-тег мужассам этган юртимиз иқлими ҳар қандай мавжудодни мукаммал даражада камол топтириб, табиатнинг гўзал инъомларини мунтазам улашиб туради. Шу боис бўлса керак, ушбу юртда таваллуд топиб башарият илм фанига асос солган алломалар ижодий маҳсуллари инсоният маънавий дунёси, тараққиёти ва ривожини учун хизмат қилиб келган.

Шарқ алломаларининг яратган ҳар қандай илмий рисола-лари ўтмиш тарих давомида инсониятнинг ҳаётида раҳнамо бўлиб хизмат қилиб келган. Базнинг халқимизни маънавий буюклиги бегумондир. Одатда, ҳар бир даврнинг етук санъаткорлари, аллома-ю шоирлари, арбоблари ва бетакрор фан тараққиётига хизмат қилган намояндалари бўлган. Бизнинг даврга келиб халқларнинг маънавий ривожини буюк ва уларга хизмат қилиб келаётган намояндалар ҳам кам эмас.

Ўзбек халқининг маънавий дунёси дарҳақиқат жуда буюқдир. Бу албатта миллатимизнинг қадимдан мавжудлиги ҳамда ўзининг миллий қадриятлари, анъаналарига эгаллиги, маънавий дунёсининг бойлиги, руҳиятининг софлиги ва қудратлилиги, халқимизнинг донишмандлигидан далолатдир. Халқимиз қанчалик буюк бўлса маданияти ва санъати ҳам шунчалик буюк бўлиши муқаррар. Шунга яраша азалдан анъанага айланган маданиятимиз, мусиқий меросимиз ва уларни бизнинг давримизгача сақлаб келаётган санъатимиз намояндаларининг борлиги бизнинг бахтимиздир.

Республикамизнинг бирча воҳалари каби Наманган вилоятида ҳам халқимизнинг маънавий ҳаётининг ривожини учун самарали фаолият олиб борган ҳамда меҳнат қилиб келаётган бетакрор маданият ва санъат ижодкорлари талайгина. Улар-

нинг ҳар бирини ижодий маҳсулига назар ташлар экансиз, ижодиётнинг нақадар сирли дунёсини мислсиз эканлигига яна бир бор иқрор бўласиз.

Мен, Ўзбекистонимизнинг мана шу гўзал гулшани бўлмиш Наманган шаҳрида 40 йилдан кўпроқ даврда фаолият олиб бормоқдаман. Шунинг 30 йилини Наманган мусиқа ва санъат маскани бўлган, ҳозирда ихтисослашган санъат мактабининг раҳбари сифатида халқимизнинг хизматида бўлиб, баҳоли кудрат маданиягимиз ва санъатимиз ривожига ҳисса қўшиб келмоқдаман.

Шу йиллар давомида бу гўзал диёрнинг санъатидан баҳраманд бўлиб, адабиёт ва санъатимизнинг устоз намояндаларини ижодини ўргандиб, улардан олган билимларимни жамоа билан биргаликда халқимизга тақдим этишда ижод қилдик. Янги авлодларни тарбиялашда уларнинг ўғитидан фойдаланиб, ватанини севадиган, ота-онасига меҳрибон бўладиган, ўз касбининг устаси ва энг муҳими халқига садоқат билан хизмат қиладиган келажак авлод вакилларини тарбияладик. Бундан албатта мамнунмиз. Халқимизнинг фаровонлиги, маданиятимизни ривожига заррача бўлсада ҳиссамиз қўшилса, биз ўзимизни бахтиёр деб биламиз.

Ушбу рисола ни ёзиш учун қўлимизга қалам олишимиздан асосий мақсад ҳам шунда, ушбу диёрнинг маданияти ва санъатига ҳисса қўшган ва қўшиб келётган, санъатимизнинг ривожига ўз умрларини бахшида этган, келажакимиз бўлган ёшлар учун ибрат бўла олган намояндаларнинг касблари ҳақида тазкира битишдир. Шояд бундан халқимиз, келажак авлодимиз вакиллари ўқиб, ўрганиб, уларнинг ибратомуз амалларини ўз фаолиятларида қўлласалар. Ҳеч бўлмаганда, ватанимизнинг маънавий дунёсини бойитган инсонларнинг номларини тарих зарварақларига муҳрлашдан иборатдир.

Ҳурматли Президентимизнинг “Халқимизнинг ривожланиш даражаси аввало миллий маданиятимизга қараб баҳолана-

ди. Мамлакатимизда маданият ва санъат тараққий этмаса, жамият ривожланмайди” деб таъкидлаганлари ҳаммамизга мактабдир. Қолаверса, доимо “*Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади.*”¹ деб бежизга бизларни руҳлантирмаганлар. Тарих бизнинг олажак билимимизни асоси, халқимизнинг доншмандалари бизнинг ҳаётий етакчиларимиз, ҳар бир битилган рисола, асар, иншоот ва ҳ. к.лар бизнинг миллий маънавий бойлигимиздир.

Мен кўп йиллар давомида устоз санъаткорлар билан бирга фаолият олиб бордим, ижодий мулоқотларда бўлдим, уларнинг санъатлари нечоғлик буюклигини ўз тажрибамда синаб кўрдим. Кўпчиликлари билан хизмат юзасидан ҳамкор бўлдим, кўпчилик ёшларни тарбиялашда бош-кош бўлишга давлатимиз ишонч билдирди. Ўтмиш устозларни изидан борадиган, уларни бетакрор амалларини давом эттира оладиган истеъдодларни тарбиялашга, каниф этишга эришганлигимизнинг ўзи – бизнинг ютугимиз. Бундан биз фахрланамиз ва ишонамизки келажак авлодлар бундан албатта ўзлари учун керакли баҳра оладилар ва баҳоларини берадилар.

Қўлингиздаги тазкиравий рисола ана шу кўп йиллик олиб борган фаолиятим давомида тўпланган хотираларим, ўрганиб ёшлар билан баҳам кўрган тажрибаларим, санъатларига шайдо бўлиб ўрганган ва сизлар учун илинган санъатимизнинг пешволари, юлдузлари, ижрочилари-ю, олимлари ва уларнинг ижодлари ҳақидаги асосий маълумотлардир. Улар орасида ўзбек адабиёти ва маданиятига, санъати ривожига беадад ҳисса кўнган намояндалар бор. Жумладан: Уста

¹Ш.Мирзиёев. “Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси”, 2018 й.

Рўзиматхон Исабоев Наманган шахрида таваллуд топиб, чолгу ижрочилигида, устозликда ўзбек санъатида ёрқин из қолдирган санъатимиз пешволаридан; Манас Левиев фаолияти давомида 20 дан ортиқ мусиқали драмалар ва киноларга мусиқа яратган, бетакрор камер, симфоник ва романслар яратган сеvimли композиторимиз; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусиқашунос олим Аҳмад Ҳамидович Жабборов миллатимизнинг фаҳри, билимдони, мусиқачиларнинг раҳнамоси, 10 дан ортиқ монография ва дарсликларни мерос қилиб қолдирган устоз; Ҳасан Султонов халқимизнинг дилидан жой олган, ўз ижросида бетакрор асарлар қолдирган таниқли хонанда, меҳрибон устоз; Саидхўжа Холдорхўжаев, Фаргона водийси бастакорлик мактабининг ёрқин намояндаси, 400 дан ортиқ мусиқий намуналарни яратган атоқли хонанда ва бастакор; Жамолхон Ҳасанов Наманганнинг маданий-маънавий ҳаётида, маънавий дунёси ривожини йўлида фаолият олиб борган ватан фидоийларидан бири.

Ўзининг сеҳрли овозлари, бетакрор ижро репертуарлари ва ижодий фаолиятлари билан халқимиз дилидан жой олган Ўзбекистон халқ артистлари Мукаррама Азизова, Ҳабиба Охунова, Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Матлуба Дадабоева, Меҳрихон Бекжонова, Зулайхо Бойхонова ва Мирза Азизовлар; Машрабхон Боқиев, Тожиали Олимов, Толмас Гаффоров, Нуриддин Аминжонов, Карим Йўлдошев, Рустам Ҳамроқулов, Турдиали Саъдуллаев, Маъруфхон Орипов, Соибжон Бегмагов, Илҳом Азимов, Акбарали Асқаров, Абдуқаҳҳор Жалилов, Дилдорахон Ходжаева ва Ёқутхон Раҳматуллаева каби мамлакатимиз маданияти ривожини ибратли фаолият олиб бораётган мусиқа санъатининг намояндалари шулар жумласидандир. Булар санъатимиз фидоийларидирлар, ўзларининг ижодлари билан халқимизга ўрнак даражасида фаолият олиб бориб, халқимиз кўз олдида фаҳрга айланган,

бемисл ижодий мерос қолдиришга муяссар бўлган ва бўлаётган вилоятимиз фахрларидирлар.

Бу инсонларни ижоди биз учун ибратдир. Шу боис уларнинг ижодидан келажак авлодларимиз баҳраманд бўлишлари ва улардан ўрнак олиб янги Ўзбекистон маданиятини яратишларига умидвор бўлиб қоламиз.

Ушбу тазкиравий рисола ни ёзишда менга ҳар томонлама кўмак берган менинг дўстларимдан миннатдорман. Рисола орқа-ли оз бўлсада ватанимиз, диёримиз ривожига ҳисса қўшилса, ёшларимизнинг маънавий билимлари ошишига хизмат қилса деймиз.

УСТА РЎЗИМАТХОН ИСАБОВЕВ (1885-1964)



Санъаткор аввало самимийлик хусусиятлари билан элга ибрат бўлиши лозим. Шундагина унинг ижодий камолотга етиб, ўзи абадиятга юз тутди. Бундай намоёндалар ўзбек мусиқа санъати тарихида кўп учрайди. Шулардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, бастакор, беназир устоз, эл орасида моҳир созанда ва устоз сифатида танилган Уста Рўзиматхон Исабоевдир.

Уста Рўзиматхон Исабоев Фарғона водийсининг Наманган шаҳрида, темирчи оиласида 1885 йили таваллуд топган. Отаси Абдужалил темирчининг қўлида дамгарлик қилади.

Рўзиматхоннинг ёшлик даври ўзига хос кечганлиги даврининг санъат намояндалари томонидан эсланарди. Унга кўра, Рўзиматхоннинг оилавий шароити огир бўлганлиги ва унинг тоғаси қўлида ишлаб вояга етгани ва асосан санъатга бўлган иштиёқи айнан шу даврлардан бошланганлиги қайд этилган. Хусусан, Рўзиматхоннинг тоғаси маҳалладаги чойхонада ишлашган. Маълумки, водий чойхоналари халқимизнинг маданий дам оладиган жойлари сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Чойхоналарда ҳар оқшом созанда ва хонандалар, машшоқлар, сўз усталари ўзига хос гурунглار ташкил этганлар. Рўзиматхон ушбу чойхонада ишлаб тирикчилик қилиш билан бирга, даврининг зукко санъат намояндалари

ижро этган куй ва қўшиқларини тинглаб завқ оларди. Ёлғиз қолганда ўзича машқ қилиб, ёд оларди.

“У ерда Рамазон охун ва Собир охунларнинг машқларини тинглардим. Рамазон охун ғижжақда ва чангда ҳам жуда яхши чаладиган зўр созанда эди. Ўзи соз ҳам ясайверарди. Чойхонада ўтган икки йил мен учун ажойиб мактаб бўлди. Мен бу икки созанда чолган созларда машқ қилиб юрардим».

Кейинчалик чойхонадан кетиб, отаси ишлаётган устахонада темирчилик (Отга тақа қоқиш, кетмон, зулфин, ошикмошиқ ясаш ва хоказо) хунарларини ўрганади. Фарғона водийсида мусиқа асбоби бўлмаган хонадон кам учрарди. Темирчилик дўкони устунда ҳам ҳамиша битта дутор осиглик турарди. Темирчилик дўконига Уста Абдужалилнинг созанда ошналари келиб дуторда куйлар чалиб туришар, Рўзиматхоннинг кўли эса ишда, кулоғи созанда Жалолхоннинг танбурида бўларди. У баъзан холи пайт топганида ўзи ҳам дутор чалиб турар, Жалолхоннинг танбур машқларидан ҳам фойдаланарди. У Устадан баъзи мақом йўлларини ўрганиб олганди. Бинобарин, Рўзиматхоннинг биринчи устози ана шу мохир танбурчи Жалолхон Мирзараҳимов (1869-1911) ҳисобланади.

У «Ажам тароналари» билан «Каримкулбегини» чалганида тингловчиларни гўё сеҳрлаб қўйгандек бўларди. У хушовоз хонанда ҳам эди. Уста Рўзиматхон устози Жалолхоннинг ўлимидан сўнг унинг васиятига амал қилиб, устози ясаган кичкина чангини кўлтиқлаб 1911 йили Бухорога жўнайди. Йўлдаги шаҳарларда тўхтаб, созандалар ва шинавандалар билан танишади, куй қўшиқлар ўрганади. Бухорога бориб Ота Жалол Носиров, Леви Бобохонов ва Ота Гиёс Абдуганиевлар билан учрашади. Уларнинг маслаҳатлари билан иш тутади.

Ота Жалол Носировдан “Сегоҳ” ва “Дугоҳ” мақомларини ўрганади. У 1913 йили Бухородан қайтиб келганидан сўнг Наманганнинг ёш хаваскорларига мусиқа ўргата бошлайди. Пулатжон, Жўрабой, Дадажон каби мусиқага қизиққан

хаваскор йигитларга ғижжак, дутор, танбурда куй ва кўшиқларни ўргатади. Андижон ва Наманган шаҳарларидаги болалар уйларида ёш хаваскорлар тўгаракларини ташкил этиб, уларга мусикадан сабоқ берди. Андижонда олтмишдан ортиқрок созанда-хонанда шогирдларни етиштиради.

Намангандаги шогирдларини «Шарк» боғига тўплаб доимий машгулот ўтказиб, концертлар берган. 1947 йилда мазкур болалар уйи мусика мактабига айлантирилади, кейинчалик бу мактаб мусика билим юртига кўшиб юборилди. Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Жабборов ва ғижжакчи Мўминжон Жабборовлар Уста Рўзиматхоннинг Андижонда тарбиялаган шогирдларидандир. Наманганлик мусика санъаткорларидан Бурхонжон Юсупов, Эргаш Рўзиев, Набижон Мухамедов, Сорахон Йўлдошева, Икромжон Тожибоев каби кўпгина санъаткорлар Намангандаги биринчи сонли болалар уйида тарбияланишган ва Уста Рўзиматхондан таълим олишган. Гулом Зафарийнинг «Ҳалима» асари 1923 йили Наманган сахнасида қўйилганда Уста Рўзиматхон спектаклга ўзбек халқ куйларидан мусика боғлайди. Уста Рўзиматхон парда очилишидан олдин чанг, парда очилгандан сўнг эса ғижжак чалиб туради. Машхур кўшнаичи Аҳмаджон Умурзоқов: «Уста Рўзиматхон камонни шиғиллатиб тортарди. Чанг чалганда териб юборарди» - дерди.

Уста Рўзиматхон Наманган театри сахнасида қўйилган «Ёрилтош» (Шукур Саъдулла асари) билан «Фарход ва Ширин» (Хуршид либреттоси) каби мусикали драмаларга ҳам халқ куйларидан намуналар танлаган. 1927 йилнинг ёзида Уста Рўзиматхон Кўкон ва Самарқанд бўйлаб сафарга чиқади. Кўконда Юсуфжон чангчи ва Шодмон Ҳожи каби атоқли созандалар билан учрашади.

Юсуфжон чангчининг кўп қисми «Насрулло»сини ўрганади. Самарқандга борганида Бибиҳоним мадрасасининг ёнидаги чойхонада тўхтади. Жаранглайдиган кичкина чанги

билан куйлар чалганида Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов Уста Рўзиматхонни уйига таклиф этади. Уста Рўзиматхон бу машхур ҳофизнинг уйида бир ҳафта меҳмон бўлади. Улар шундан кейин дўст бўлиб қолишади. Ҳожи Абдулазиз «Гулузорим» ашуласини айтиб беради ва бу дилбар ашуланинг «Яланг даврон» йўли билан ҳамоҳанг эканлигини айтади.

1931 йилда Наманган мусиқали драма театри ташкил топади. Уста Рўзиматхоннинг шогирдлари Бурхонжон Юсупов, Эргаш Рўзиев, Набижон Муҳамедов, Икромжон Тожибоев, Каримжон Мансуров каби ёш созандалар театр ансамблига таклиф этилади. Ҳозирги Навоий номи билан аталадиган бу театрнинг саҳнаси драматург Розиковнинг «Интилиш» спектакли билан очилади. 1932 йили Ваҳобжон Азимовнинг «Хужумхон» асари саҳнага қўйилди. Бу асарларга Уста Рўзиматхон мусиқалар танлаган. 1935 йили Наманганда болалар театри ташкил этилди. Бу театрнинг мусиқий жамоасига Уста Рўзиматхон раҳбарлик қилади. Театр жамоаси 1936 йили Ўш шаҳрига бориб концерт беради. Концертда ижро этилган куй ва ашулалар Ўш томошобинлари томонидан яхши кутиб олинди.

Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрининг таниқли артистларидан Абдуғофир Абдурахмонов, Фарогат Раҳматова, Ҳадия Юсупова, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жамол қори Ғиёсов, Ҳожиакбар Аҳмедов, Жаъфар Умаров каби атоқли санъаткорлар ҳам Уста Рўзиматхонни шогирдлари бўлишган.

Наманган қасаба уюшмаси томонидан ташкил қилинган мусиқа асбоблари устахонасига ҳам Уста Рўзиматхон раҳбарлик қилиб келади. Бу устахонада тайёрланган созлар ўрта Осиёнинг бошқа Республикаларида ҳам машхур бўлган.

Мен устоз санъаткор Уста Рўзиматхон Исабоевни кўрмаганман аммо у кишининг санъат соҳасига жуда катта хисса қўшганликларини, ўзидан кўплаб шогирдлар қолдирганлигини, келажак авлод учун миллий мусиқамизни борлигича қолдир-

ганлигини биламан. Устознинг шогирдларидан кўпчилиги бизнинг ўқув юртимизда ҳам фаолият кўрсатишган. Устознинг ижоди билан танишганимда билдимки у инсон қаерга борса театрдами, ансамбллардами, ҳар қандай жамоага борганда ҳам ўзининг касбига садоқат билан, меҳр билан ёндошган ва албатта жамоатчиликнинг ҳурматини қозонганлигини англадим.

Албатта ўз даврининг моҳир санъаткори бўлган устозимиз ўзидан жуда катта мактаб қолдирган ва бу шогирдларнинг қалбида абадий сақланади.

Бизнинг таълим муассасамизда бу улуғ устознинг ижро мактаби анъанасини асраш анъанага айланган. Санъатимизнинг барча устозлари қаторида уларнинг ҳаёти ва ижодий мактабларини оммавий ва мавзули тадбирлар орқали ўқувчи ёшларга ўргатиб бориш одат тусига кирган .

Даврининг устоз санъаткори Уста Рўзиматхон Республиканинг кўпгина бунёдкорлик ишларида, йирик иншоотлар қурилишларида, хусусан 1939 йили Лоғон ва катта Фарғона канали қурилишида, 1940 йили эса Шимолий Фарғона канали қурилишида ўзининг шогирдлари билан биргаликда хизмат қилади. Устоз санъаткор 1964 йили вафот этди. Ўзбекистон ҳукумати Уста Рўзиматхоннинг муסיқа соҳасидаги самарали меҳнатлари учун фахрий ёрлиқлар ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби фахрий унвони берилади.

МАНАС ЛЕВИЕВ (1912-1991)



Ўзбекистон халқ артисти, композитор Манас Левиев XX аср ўзбек мусикаси тарихи ривожда сўнмас из қолдирган санъат намояндаларидан биридир. Унинг композиторлик ижодида яратган бетакрор асарлари ўзбек мусикасининг ёрқин саҳифалари сифатида тарихга муҳрланди, халқимиз қалбидан жой олди ва мусика санъатининг ривож учун

ибратли намуналар сифатида ижрочилик амалиётида ўз ўрнини топди.

Манас Левиев (асл исми Менаше) 1912 йил 25 июлда Наманган шаҳрида таваллуд топган. Тақдир тақозоси билан 1910 йили Самарқанд шаҳридан Наманганга кўчиб келган Левиевлар оиласи 1917 йилгача ушбу шаҳарда истиқомат қилганлар. 1917 йили аввалига Қўқон шаҳрига, озгина муддатдан кейин яна Самарқандга кўчиб ўтган. Левиевлар оиласи мусикани ихлосмандлари эдилар. Оилада бир қатор халқ чолғуларида ижро этишни биладиган ака ва укалари ҳамда доимо ўзларининг куй-қўшиқлар ижролари билан оилавий даврага файз киритар эдилар. Ёш истеъдодли Манас акалари Ягуда ва Эролар доира, най чалишни ва дутор чертишларни ўрганди. 1920 йилдан ўрта мактабда таълим олади. 1928-йили ўрта мактабни битиргандан сўнг Али Ардобус Ибрагимов тузган “Кўк кўйлақликлар ансамбли” да созанда сифатида ишлай бошлайди. Ансамблга таниқли бастакор Толибжон Содиков раҳбарлик қилар эди. “Кўк

кўйлакликлар ансамбли” шу даврда номи чиққан жамоалардан бири бўлиб, асосан ёшлар жалб этилган ва жуда кўп ёшларни эргаштирганлиги билан тарихда қолган.

Ушбу жамоада Манас Левиев ўзининг тенгқурлари ва ўзидан катта мохир созандалар Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов, раққос Исохор Оқилов қабила билан яқиндан танишади ва фаолият олиб боради. Ўзбек мусиқасининг ёрқин намуналари, янги яратилаётган асарларни жамоа билан ижро этиб яқиндан танишади.

1928 йили Самарқанд шаҳрида биринчи ўқув ва тадқиқот институти очилади. Институтга таниқли мусиқашунос-этнограф олим Н.Миронов раҳбар этиб тайинланган. Мусиқа ва хореография институти деб номланган ушбу даргоҳга замонасининг иқтидорли ёшлари ва халқ орасида танилган мохир устозлар жалб этилди. Институтга Мухтор Ашрафий, Мутаваккил Бурхонов, Толибжон Содиков, Шариф Рамазонов, Ш.Соҳибовларлар қаторида Манас Левиев ҳам институтнинг илк ўқувчилари сифатида ўқишга қабул қилинган. Ўқишни муваффақиятли давом эттириш билан бирга Манас Левиев 1930 – йили Самарқанд шаҳридаги Ҳарбий офицерлар уйида ашула ва рақс ансамбли тузади ва унга раҳбарлик қилади. Манас Левиевнинг бастакорликдаги илк асарлари ҳам айнан мана шу ансамблдаги фаолиятида бошланади. Аввалига ҳарбийларга хос бўлган усулларда, шу даврларда амалиётга эндигина кириб келган марш услубида бир қатор куйлар яратади. Халқ мусиқаларидан фойдаланиб янги талқиндаги куйлар ижод қилади. Ансамбл учун эса М.Рахматуллаев сўзига “Дивизия қадам ташламоқда” кўшиғини ёзади. Кўшиқ марш услубига асосланган бўлиб, ҳарбий дивизия тарбияланувчилари учун мослаб яратилган эди.

Куй яратиш қобилиятини кўрган раҳбарият унга Ленинградга бориб ўқишни таклиф этадилар. 1933 йили у Ленинград шаҳридаги мусиқа техникумининг композиторлик

бўлимига ўқишга кирази. Бу даргоҳда у замонасининг етук композиторларидан мусиқа ижодиёти сирларини ўрганеди. 1938 йилда У мусиқа техникумини муваффақиятли битириб, Ленинград давлат консерваториясига ўқишга қабул қилинади.

Мусиқа техникумида ўқиб юрган кезлари устозларидан мусиқа назарияси ва айниқси мусиқа ижодиёти, яъни композиция бўйича сабоқ олади. Унинг ижодидида профессионал композиторларга хос ижодий услуб шакллана бошлайди. Фортепиано ва турли чолгулар учун пьесалар, чолгу ансамблларига мосланган кичик ҳажмдаги симфоник асарлар ёзади. Манас Левиев ўзбек ва тожик халқ мусиқасини яхши ўрганган ва амалиётини яхши билганлиги сабабли, яратган асарларининг асосий мавзулари албатта ўзбекона ва тожикча мавзуларга асосланарди. Унинг ҳар бир яратган асарида бу жиҳат яққол намоён бўлиб турарди ва ўзининг жозибаси билан ажралиб турарди. Ҳаттоки, унинг “Нурхон” номли симфоник поэмаси консерватория талабалари орасида энг яхши симфоник асар учун ўтказилган кўриктанловда биринчи даражали мукофотга сазовор бўлади. Имтиёз сифатида ушбу асарни Б.Ратнияр раҳбарлигидаги Ленинград давлат филармониясининг катта симфоник оркестри томонидан ижро этилади.

1941-1942 йилларда кўнгилли аскарлар дивизияси сафида улуғ ватан урушида иштирок этади. Бу борада мусиқашунос олим Н.С.Янов-Яновская ўзининг мақолаларида ёзади – “Ленинград ҳимоясида Манас Левиев ҳам қатнашади. Шу пайтда у Ленинград консерваториясининг талабаси эди. Жангларни бирида қаттиқ яраланади. Даволаниш пайтида Манас Левиев ўзининг машҳур бўлиб кетган “Ленинград учун” кўшиғини ёзади”². Манас Левиев Петергоф шаҳрини ҳимоя қилиш жангида қатнашиб, оёғидан яралангандан сўнг

²Н.Янов-Яновская, Музыкальная культура Узбекистана в годы Великой Отечественной войны, //История узбекской советской музыки, Т., 1972 й. 269 бет.

1942-йили, Тошкентга қайтиб келади ва Тошкент консерваториясида ўқишини давом эттиради.

Бизга маълумки, Манас Левиёв ўзбек мусиқаси ривожидан жуда улкан ҳисса қўшган бетакрор композитор, санъат намояндаси бўлган. Унинг ҳар бир ҳаракати ва устозлардан олган сабоқлари унинг келажагини белгилаб берганлигини кузатиш мумкин. Ленинградда ўқиши давомида олган сабоқлари хусусида мусиқашунос олим А.Жабборов ўзининг тадқиқотларида шундай келтиради: -...“У ерда (Ленинградда) атоқли композитор Дмитрий Шостакович билан яқин ҳамкорликда бўлиб, унинг ижодий таъсирини ўзига сингдирди. Ленинград консерваториясида олган билимлари ҳамда ўзбек мусиқа меросига яқиндан ошнолиги Манас Левиёвга ёрқин миллий руҳдаги ва айни чоғда профессионал жиҳатдан пухта асарлар яратиш имкониятини очди”³. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, уруш бошланган йили Ленинград консерваториясидан бир қатор композитор ва мусиқашунос ўқитувчилар Тошкентга кўчиб келиб ўз фаолиятларини Тошкент консерваториясида давом эттирганлар. Булар М.Штейнберг, В.Волошилов, Б.Арапов, О.Чишко ва бошқалар эди. Манас Левиёв Тошкентга қайтганидан сўнг ўзининг ўқитувчилари тарбиясида бўлиб сабоқ жараёнини давом эттиради.

Тошкент давлат консерваториясидаги давр Манас Левиёвнинг мусиқа ижодиётида мавжуд барча жанрларда муайян асарлар яратишга катта имконият бўлди. У деярли барча жанрларда қатор-қатор асарлар яратишга эришади. Айниқса кўшиқ, романс жанри унинг бошланғич давридаги сеvimли жанри эди ва бир қатор халқимизнинг қалбидан ўрин оладиган кўшиқ ва романслар яратади. Жумладан: «Оқ ойдин кечалар», «Рангим этди заъфарон» ўзбекча, «Гули сурху сафед» тожикча халқ кўшиқларини ва Зулфия шеърига ёзган

³А.Жабборов, Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида, Т., 2000 йил, 93 бет.

«Озод кизман» номли кўшиқни ўзи ижро этиб олқишларга сазовор бўлган. Навоий ғазалига басталаган «Дилистоним, сен менинг» романи симфоник оркестр жўрлигида илк бор Давид Муллақандов ижросида шуҳрат келтирди. «Ўзбек ўгли» ва «Шерзодлар» (В.Абдуллаев шеърлари), «Биз Ватан фарзандларимиз» ва «Жанг майдонимиз» (М.Шайхзода шеърари), «Ватан чақириғи» (Т.Тўла шеъри), яккахон, хор ва оркестр жўрлигида «Боғ кўча» ва «Фарғона» (Миртемир шеърлари), «Гўзалой» (Т.Тўла шеъри) ватанпарварлик ва лирик кўшиқлари; композитор М. Бурҳонов билан ҳамкорликда С.Абдулла, К.Отабоев ва Миртемир шеърларига 5 қисмли «Ўзбекистон 20 ёшда» вокал-симфоник сюитаси, А.Лохутий билан ҳамкорликда «Суруди бахт» («Бахт кўшиғи»), «Бадухтари Тожикистон» («Тожикистон қизларига»), «Духтари пурғайрат» кўшиқлари, «Чуё дорам» («Сени эслаганимда»), «Дард-азобдаман», «Сенгина мен учун» лирик романслари, Саид Аҳмаднинг «Шерзод ва Гулшод», М.Шайхзоданинг «Жалололдин» драмаларига мусиқа басталади.

У яратган “Ўзбек кизи овози”, “Тинчлик учун”, “Ўрик гуллаганда” (Т.Тўла шеърлари) халқ артисти, сеvimли хонанда Ҳалима Носирова ижросида жуда машҳур бўлиб кетди. Умуман, 100 га яқин турли мавзуларда, ўзбек, тожик классик ва замондош шоирларнинг шеърларига жозибали кўшиқ ва романслар яратди”⁴. Бу албатта фақат халқимизга яқин бўлган кўшиқ ва романс жанридаги асарларидир.

Композитор сифатида Манас Левиёв жуда кўп меҳнат қилади. Унинг ижодий фаолиятида мусиқа ижодиётининг барча турлари, яъни симфоник мусиқа, сахнавий асарлар, опера, мусиқали драма, спектакл, кино мусиқа, камер-чолғу мусиқаларга алоҳида эътибор билан ёндошади. Ранг-баранг ва бетакрор намуналар ёзиб халқимизга тақдим этади. Айниқса

⁴ А.Жабборо, Ўзбекистон бастакорлари ва мусикашунослари, Т., 2004 й. 133-134 бетлар

мусиқали драма ва кино музиқасида Манас Левиевнинг қолдирган музиқий мероси халқимиз қалбидан ўрин олган ва барча авлодлар томонидан севиб тингланиб келинаётганлигини алоҳида қайд этишимиз лозим.

Кино музиқага Манас Левиев ўзининг бетакрор қўшиқлари ва чолғу музиқаси билан “Маҳаллада дув-дув гаг”, “Мафтунингман” кино фильмларини оҳанграбо оҳанглар билан безайди. Бу фильмлардаги қўшиқлар бизнинг ХХІ аср ёшлари учун ҳам ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Устоз санъаткор Манас Левиев ижодида Ҳазрат Алишер Навоий ижодига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Бир қатор қўшиқ ва романслар билан бирга “Сухайл ва Меҳри” балети профессионал композиторлар орасида алоҳида эътибор қозонди. Бу асар Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони асосида яратилган. “Сухайл ва Меҳри” балетига тожикча оҳанглар асосида ёзган рақс куйи ўзининг халқоналиги билан ижрочилик амалиётида кенг оммалашди. Барча мавжуд ансамблларнинг ижро репертуаридан жой олди. Унга қўйилган рақс ҳам ўз навбатида рақс санъатини ўзига хос услуб билан бойитди.

Манас Левиевнинг энг сеvimли жанри музиқали драма эди – кўпчилик эслайди. Шулар қаторида биз ҳам. Сабаб, консерваторияга энг яқин театр бу Муқимий номидаги музиқали драма ва комедия театридир. Биз бу театрда устознинг барча асарларини сахна орқали тамошо қилганмиз ва музиқаларини ижро этганмиз. Айни пайтда уларни янги авлод ёш музиқачиларга ўргатиб келмоқдамиз.

Устоз дарҳақиқат 10 дан ортик музиқали драма яратганлар. Буларни фахр билан тилга олиш мумкин. Яъни, “Олтин кўл” (Уйғун пьесаси 1949 й.), “Тошболта ошиқ” (Ҳ.Фулом пьесаси, 1961й.), “Ажаб савдолар” (Ҳ.Фулом пьесаси, 1969й.), “Замонали-Омонали” (Ҳ.Фуломнинг «Шум бола» асари асосида 1973й.), “Тошкентнинг нозанин маликаси” (Ҳ.Муҳаммад

пъесаси, 1978 й.), “Хизматингизга тайёрмиз” (Ф.Мусаџонов ва Б.Ихтиёрлов пъесалари, 1981й.), “Кимга тўй, кимга аза” (Н.Сафаров пъесаси, 1962й.), “Нозик ниҳолим” (Ч.Айтматовнинг шу номли қиссаси асосида Ҳ.Ғулом пъесаси, 1978й.), “Мангулик” (Ҳ.Ғулом пъесаси, 1983 й.), “Тошкентликлар” (Ҳ.Ғулом пъесаси, 1983 й.). Бу асарларнинг ҳар бири алоҳида воқеълик дейишга арзийди. Лекин, уларнинг иккитаси, Уйғун пъесаси асосида яратган “Олтин кўл” мусикали драмаси ва Ҳ.Ғуломнинг пъесасига ёзган “Тошболта ошиқ” мусикали комедияси ўзбек мусикаси тарихида алоҳида эътироф этилган асарлар қаторида туради.

Мен ёшлигимда Манас Левиевнинг “Мафтунингман”, “Маҳаллада дув-дув гап” кинофильмларидаги кўшиқларини, мусикаларини яхши кўриб ўзим ижро этиб юрардим. Бу улуг устознинг мусика санъатида қўшган ҳиссаси жуда беқиёс. Ва айнан ҳамма асарлари замирида миллий мусикамиз уфуриб туради. Шунинг учун ҳам халқчил деб ҳисоблайман. Ҳозиргача халқимиз Манас Левиев асарларини, кинодами, театрдами эшитишдан чарчамайди.

“Тошболта ошиқ” мусикали комедиясини мен Консерваторияда ўқиб юрган кезларимда, Муқимий номидаги мусикали драма театрида кўришга муяссар бўлганман. Бетакрор устоз Сойиб Ҳўжаевнинг талқини бебаҳо. Лекин асарнинг ўзбекона анъаналардаги талқини ўз даврининг “хит” даражасидаги асарни бири бўлган бўлса, ҳозиргача халқимизнинг тарихидан ўрин олган маънавий мероси сифатида ардоқланиб келинмоқда. Зеро, буюк композитор Манас Левиевнинг ҳар асарини умрбоқий сифатлари қаторида басталаган бетакрор мусиқий оҳангларида мужассам топган. “Тошболта ошиқ” асаридаги арияларни ўзи бир бебаҳо бойлик деб ҳисоблайман, чунки, бундай ноёб миллий оҳанглар билан суғорилиб яратилган асарлар албатта магнит тасмаларимизнинг олтин фондидан аллақачон жой олиб улгурган.

Композитор Манас Левиев ўзидан жуда катта бойлик қолдирган. Биз албатта уларни асраб – авайлаб, таълим жараёнида унумли фойдаланишимиз ва мунтазам тарзда келажак авлодларга етказиб боришимиз лозимдир.

Манас Левиев ўзбек композиторлари орасида ҳам бастакор ва ҳам композитор сифатида бетакрор асарлар яратиб мерос қолдирган устоз ижодкордир. Унинг ижодида композиторлик ва бастакорлик соҳасининг барча жанрларида яратилган асарлари ҳалигача мусиқа ижрочилик амалиётида ўз мавқеини сақлаб, ёшларнинг ижро репертуаридан жой олиб келмоқда. Бу асарлар аллақачонлар мусиқий меросимиз сатҳидан жой олиб улгурган. Шунинг учун бўлса керак Манас Левиев нафақат халқимиз, балки ҳукуратимиз томонидан ҳам муносиб тақдирланиб, эъзозланиб келинмоқда. Бетакрор устоз, ижодкор, мусиқий тафаккур соҳиби Манас Левиев 1991 йили Тошкентда вафот этган. У ўз ижоди билан ўзбек мусиқий тарихидан жой олган намояндалар сифатида мангу барҳаётдир.

БУРҲОНЖОН ЮСУПОВ

(1912-



Умрини ўқитувчилик, яъни устозлик касби билан боғлаган фидоий инсонлар кўп. Уларнинг аксарияти ўз диёри ёшларини камоли учун хизмат қилиб элимизни қалбидан жой олган. Ана шундай фидоий устозлардан бири таланти созанда ва мураббий, “Республикада хизмат

кўрсатган ўқитувчи” Бурҳонжон Юсуповдир.

Бурҳонжон Юсупов 1912 йилда, Андижон вилоятининг Избоскан туманида оддий деҳқон oilасида таваллуд топган. Ёшлигидапоқ мусиқага меҳр кўйган Бурҳонжон 1927 йилда замонасининг машҳур созандаси, Уста Рўзиматхон Исабоевга шогирд бўлиб Наманганга келади. Аввал, “Кўк кўйлақликлар” ансамблида, 1931 йилдан 1948 йилгача Наманган вилоятидаги Алишер Навоий номли мусиқали драма ва комедия театрида созандалар ансамблининг мусиқа раҳбари сифатида фаолият юритади. Шу йиллар давомида Наманган мусиқали билим юртида гижжак синфи бўйича сабоқ олади. Унинг созандалик фаолияти ушбу соҳанинг сиру-синоатларини олишда катта аҳамият касб этган. Бу албатта унинг мусиқанинг бошқа йўналишларида ижод этишга ундайди.

Бурҳонжон Юсуповнинг бундай нуфузли жамоада ишлаши ҳам унга катта имкониятлар яратади. У театрда ишлар экан, жамоада созанда ёки мусиқа раҳбари бўлиб қолмай, бастакор сифатида ҳам аввалига бир қатор мусиқали спектаклларга мусиқа тайлайди. Маълум тажрибага эга бўлгандан сўнг бир неча спектаклларга мусиқа ҳам басталашга муяссар бўлади. Бу

албатта моҳир созанданинг ижодкорлик соҳасидаги ижодини бошлаб беради ва бир қатор куйлар яратади.

Устознинг созандаликка бўлган садоқатли муносабати, ўқув даргоҳига етаклайди. У 1948 йилдан бошлаб Наманган муסיқа билам юртида ёш созандаларга ихтисосликдан дарс беради. Кўп йиллар давомида жуда кўп шогирдлар етиштиради. Ушбу даргоҳда у то умрининг охиригача ўқитувчилик қилди. Юзлаб истеъдодли созандалар, муסיкашунослар, санъат арбобларини тарбиялашга муяссар бўлди.

Бурҳонжон Юсуповнинг хизматлари Ўзбекистон республикаси ҳамда Маданият вазирлиги томонидан бир неча бор эътироф этилиб, фахрий ёрликлари билан тақдирланди. 1972 йилда унинг меҳнатлари юқори баҳоланиб, унга “Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи” фахрий унвони берилди.

Бурҳонжон Юсупов хотираси дилларимизда узоқ сақланади.

КАРИМЖОН МАНСУРОВ (1910-1975)



“Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” Каримжон Мансуров 1910 йил 9 майда Наманган шаҳар, Сумалак гузари маҳалласида таваллуд топди. У ёшлигидан санъатга кўнгил кўйиб, аввал акаси Абдуқаҳҳор Мансуровдан санъат сирларини ўрганadi. Абдуқаҳҳор Мансуров яхши созанда ва хонанда ҳамда Тошкент санъат билим юртида ўқитувчи бўлиб фаолият олиб борарди.

Каримжон Мансуров 1925-1930 йиллар мобайнида ушбу билим юртида таҳсил олади. Билим юртини тамомлаб Кўкон шаҳридаги драма театрида иш фаолиятини бошлайди. Наманган вилоятида ҳам мусиқали драма ва комедия театри ташкил этилгандан сўнг, театрнинг бадий раҳбари Раззоқ Ҳамроевнинг таклифига асосан 1932 йилдан Наманган мусиқали драма ва комедия театрида мусиқий раҳбар лавозимига тайинланади.

Шу билан биргаликда устози Уста Рўзиматхон Исабоевдан мақом сирларини ўрганadi. Театрда фаолият олиб бориш билан бир вақтда Наманган мусиқа билим юртида дутор, гижокак каби чолғу асбоблари сирларини ёш талабаларга ўргатади, шу билан бир қаторда ансамбл дарсларини ҳам олиб боради.

У ижодий фаолияти давомида “Ёрилтон”, “Тормор”, “Холисхон” каби бир неча мусиқали драмаларга, бундан ташқари кўплаб шоирларнинг шеърларига мусиқа басталайди. Масалан: Маъруф Қориевнинг “Дуторим”, “Алла”; Саида Зунтунованинг

“Ёр-ёр”, “Кўнгил”, “Кўрмаган бўлсам эди”, “Наманган”, “Дейди”, “Этсанг нетар”; Салоҳ Қориевнинг “Алла”, “Наманган”; Акмал Пўлатнинг “Наманган”; Исмат Нарзуллаевнинг “Пахтакор йигит” каби асарлари шулар жумласидандир.

Каримжон Мансуров сермахсул ижодкор бўлиш билан бирга, кўплаб эл суйган шогирдларни ҳам тарбиялади. Улар орасида Ўзбекистон халқ артистлари Ҳабиба Охунова, Маърифат Убайдиллаева, Дадали Соатқулов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Онахон Тожибоева, Турдали Сайдуллаев, Турсуной Мамедова, Абдурахмон Каримов, Эргаш Соқиматов, Мирзабдилло Мирзатов, Жўраҳон Раҳимов, Жалолиддин Ҳолиқов, Зиёвиддин Шамсуддинов, Маҳмуджон Муҳаммедов каби шогирдлари устозининг изидан бориб кўплаб ютуқларга эришдилар.

ЖАМОЛХОН ҲАСАНОВ (1939-1998)



Наманган маданий-маънавий ҳаётида, халқимизнинг маънавий дунёси ривожига йўлида фаолият олиб борган, ўзининг беминнат меҳнатини аямаган ватан фидойилари доимо халқимизнинг эъзозидан бўлиб келган. Уларнинг сафида мусиқа санъати намояндаси сифатида камол тошган, устоз санъаткор Жамолхон Ҳасановнинг ҳам номи тарих зарварақларига битилгандир.

Бетакрор истеъдод соҳиби Жамолхон Ҳасанов 1939 йилнинг 1-январида Наманган шаҳридаги савдогар Закарёв Эшон Ҳасановлар оиласида туғилган. Илмли-билимли оилада Жамолхоннинг болалик чоғлари ўтади. Ота-онаси унинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, фарзандларини ҳар томонлама билимли бўлиб вояга етказганлар. Бошланғич мактабда таълим олиш жараёнида мусиқа санъатига бўлган иштиёқи ва шу касбга мойил бўлган истеъдоди ёш Жамолхонни санъат билан ошно бўлишга чорлайди. Болалик даври ва ёшлик чоғларидан қўшиқ айтиб, мусиқий чолгуларни чалиб юришга одат қилади. Бу уринишлар, энг муҳими унинг санъатга бўлган истеъдоди уни касб танлашида ўз кучини кўрсатади ва у 1954 йили Наманган мусиқа билим юртига ўқишга киради.

Ушбу даврда Наманган мусиқа билим юрти жамоасида, замонасининг донгдор санъат намояндаси Уста Рўзиматхон Исабоев фаолият олиб борар эдилар. Уста Рўзиматхон Исабоев ўзбек халқ чолғуларидан дутор, танбур, чанг чолғуларида моҳирона ижро этадиган устоз санъаткор эдилар. Зехни ўткир ва санъатга меҳр қўйган истеъдод эгаси Жамолхон учун бу айни муддао эди. Илмга чанқоқ, билим истаган Жамолхон устозидан чанг чалиш сирларини ўргана бошлайди. Устозининг моҳирона талқини уни ўзига ром этар ва у кўпроқ билим олишга ҳаракат қилар эди. Дарҳақиқат, Жамолхон билим юртида таълим олиш жараёнида ўзини қобилияти, ўткир зехни, ҳаракатчанлиги билан бошқа тенгдошлари орасида ажралиб турар, берилган вазифалар, айни ижро учун тавсия этилган дастурларни юқори даражада ўзлаштириб устозига кўрсатарди.

Билим юрти Жамолхон учун мусиқа санъатини ҳам назарий жиҳатларини ва амалий ижрочилик сирларини ўзлаштириб олиш учун севимли масканга айланди. У устози Уста Рўзиматхон Исабоев билан бирга билим юртининг билимдон ва моҳир созандалари Бурҳонжон Юсупов, Ғани Ҳусайнов каби тажрибали устозлардан таҳсил олади. Ўзбек ва европа мусиқа санъатига хос билимларини оширади. 1957 йили билим юртини муваффақиятли тамомлаб Тошкент давлат консерваториясининг халқ чолғулари факультетига ўқишга киради.

Консерватория одатда, таълим маскани сифатида касбни ўргатувчи даргоҳдир. Янгиликка интулувчи, ишга чанқоқ ва ўзининг қобилияти билан ҳар қандай асар ижросини тез ўзлаштириб оладиган Жамолхон учун профессор Аҳмаджон Одилов синфида таълим олиш бахт эди. У устозининг ҳар бир кўрсатмасини бекаму-кўст, тезда бажарар ва янги дастурлар устида ишлар олиб борарди. У чанг ижрочилиги мутахассислиги билан бирга халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги ихтисослигидан ҳам таълим олади. Жаҳон классик композиторлари И.С.Бах, В.А.Моцарт ва А.Хачатурьян, И.Глинка,

У.Гаджибеков каби атоқли композиторларнинг чолғу асарларини чанг созига мослаштирилган вариантларини ижро этишга муяссар бўлади.

Унинг учун консерваториядаги ўқиш даври, фаолияти учун малака ошириш босқичини ўтади. У консерваторияда сабоқ олиш билан бирга, бир қатор жамоаларда ўқитувчилик ва созандалик фаолиятлари билан шуғулланади. Ўқиш билан бирга у Тошкент шаҳридаги № 1-сонли Болалар мусиқа мактабида ўқитувчилик фаолиятини олиб боради. Ўзини педагогик фаолиятга ҳам тайёрлаб боришни аҳд қилади ва ушбу мусиқа мактабда бир қатор шогирдлар тарбиялашга эришади.

Ўрни келганда айтиш жоизки, ана шу ўқувчиларини орасида кейинчалик Консерваториянинг ўқитувчиси ва моҳир чангчи сифатида танилган, Тўхтасин Жалилов номидаги Ўзбек халқ чолғулари оркестри “Чангчи созандаси, III Республика ёш ижрочилар кўрик-танловини ғолиби ва I даражали диплом соҳиби, Тоҳир Собиров ҳам Жамолхон Ҳасановни синфида таълим олган.

Янгиликларга чанқоқ ва ижод нашидаси билан доим банд бўлган Жамолхон Ҳасанов ижрочилик амалиётига ҳам бефарқ эмас эди. У Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров томонидан “Восток” клуби қошида тузилган ансамблда созанда ва мусиқа раҳбари бўлиб ишлайди. Замонавий эстрада мусиқасининг тарғиботида фаол иштирок этади. Ансамбль билан бирга Москвада ўтказилган жаҳон ёшлари фестивалида катнашиш бахтига ҳам муяссар бўлади.

Жамолхон Ҳасановнинг Тошкентдаги талабалик даври унинг қанчалик масъулиятли эканлигини, олдига қўйган мақсадга доимо интилиб яшаш ва эришиш унинг асосий шиорига айланганлиги ва албатта сермахсул ижодкор сифатида самарали санъаткор эканлигини намоён этади. Уни бундай жонкуяр инсон эканлигини консерватория раҳбарияти, Ўзбекистон Маданият вазирлиги мутасадди раҳбарлари ҳам

билиб, уни 1961 йили ўқишни тамомлаганидан сўнг йўлланма билан Наманган мусиқа билим юртига директор лавозимига тавсия этадилар. Жамолхон Ҳасанов Тошкентдан ўқишни битириб Наманганга мусиқа билим юрти директори сифатида қайтиб келиб ўзининг раҳбарлик фаолиятини бошлайди.

Қайд этиш жоизки, шу даврда Наманган маданий ҳаёти илғор ва замон руҳида фикрловчи мутахассис кадрларга муҳтож эди. Айнан ўтган асрнинг 60 чи йилларидан ўзбек мусиқа маданиятида ривожланиш босқичи бошланган. Бу албатта мусиқа санъатини ҳар томонлама халқ орасида кенг оммалаштириш, мусиқа ижодиётини янгидан-янги мусиқий асарлар билан бойитиш ва албатта таълим жараёнини жонлантириш мезонлари билан боғлиқ эди. Жамолхон Ҳасанов кучли қобилият, истеъдод эгаси, ўқиш даврида эса меҳнат фаолиятини ҳам олиб бориб малака орттирган айни кучга тўлган даври эди. Ушбу лавозимни шараф билан адо эта бошлайди. У мусиқа билим юртини бошқариш билан бирга шаҳар болалар мусиқа мактабини бошқариб, Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри қошидаги оркестрда бош дирижёр вазифасида ҳам ўзининг дирижёрлик фаолиятини олиб боради. Ҳар уччала жамоада иш қизғин тус олди. Сабаби ҳар уччала даргоҳ, бир-бирини тўлдирувчи, мутахассисларни тайёрлаб, амалиётни мувофиқлаштириш имкониятига эга эди. Бу албатта Жамолхон Ҳасановнинг раҳбарлигида кўзга кўринарли натижаларни бера бошлади. Мусиқа санъатининг турли йўналишларида самара кўринади, энг муҳими малакали мутахассисларнинг сафи анча ошди.

“Жамолхон аканинг ташаббуси билан – деб ёзади Рустамжон Абдуллаев ўзининг устоз ҳақидаги мақоласида - билим юртида кўп овозли ўзбек халқ чолғулари ҳамда рус халқ чолғулари оркестрлари ташкил этилади. Маданият вазирлиги оркали оркестрлар учун турли хилдаги чолғу асбоблари олиб келинади. Худди шу каби вилоят мусиқали драма ва комедия

театрида ҳам кўп овозли оркестр ташкил топади. Жамолхон Ҳасанов театрнинг бош дирижёри сифатида ўзбек ва қардош халқлар спектакллари мусиқасига шу оркестр билан дирижёрлик қилади. Шу билан бир каторда бир неча бастакорларни ёзган кўшиқ ва куйларини ноталаштириб берган”⁵.

Мен устоз Жамолхон Ҳасанов билан 1980 йил Ўзбекистон Давлат консерваториясининг фойесида танишганман. У киши мени дутор чолғусида битираётганлигимни билиб мени турмуш ўртоғим билан ишга таклиф қилганлар. У киши шундай дедилар: “... Мен сизга жуда шаҳримизни мақтамайман, ўқув юртимизни ҳам, сизга борича кўрсатсак ўрганишингиз осон бўлади ва албатта келинг, бизда дутор мутахассислик ўқитувчи умуман йўқ. Сизни кутамиз. Шароитингизни қилиб берамиз” - деб самимий ишга таклиф қилдилар. Тақдир экан, 1980 йили, август ойида кўлимда 3 ойлик чақалоғим ва турмуш ўртоғим билан Жамолхон Ҳасановнинг кабинетларига кирганмиз. “Келинг-келинг” - деб тезда совутгични ўчириб қўйганлар. Чақалоққа таъсир қилмасин деб. Шу йили сентябрдан ишни бошладим. У вақтларда ҳозиргидек ёш болали оналарга яратилган имтиёзлар бўлмаган. 3 ойлик чақалоқ билан ишни бошлаганман. Мана ҳозиргача шу инсонни ва билим юрти директори Камалова Саодат Нематовнага менга кўрсатган меҳрибончилиги ва яхшиликларини ҳеч қачон унутмайман.

Устозимиз Жамолхон Ҳасанов ўз даврида йирик маданият арбоби, Наманган вилоятида ўтадиган барча маданий-маърифий, мусиқий тадбирларни ўтказишга бош қош бўлаган ташкилотчи бўлган. Жуда ҳам кучли мусиқа ижрочиси бўлган. Эшитишимга қараганда чанг чолғусини тескаридан ҳам бемалол ижро эта олган.

Эсимда бор, 1972-73 йиллар “Марҳабо талантлар” телефестиваллари бўлар эди. Ҳар бир вилоят ўзининг дастурларини

⁵Рустамжон Абдуллаев, Жамолхон Ҳасанов. 2000 й.

Тошкентда “Баҳор” концерт залида намоиш этарди. Намангандан ўша йили устозимиз Жамолхон Ҳасанов халқ чолғулари оркестрига дирижёрлик қилиб, ҳакамлар ҳайъатини ҳайратга солиб, энг юқори 10 бал олишга сазовор бўлган ва юқори даражадаги профессионал дирижёрлигини кўрсатган.

Устозимизни ҳамиша ёд оламиз, хотирлаймиз, у инсонни ишларини шогирдлари давом эттирмоқда.

Дарҳақиқат, Жамолхон Ҳасанов Наманганда кенг раҳбарлик, жамоатчилик, ижрочилик ва ижодий фаолият олиб борган. Бир қатор халқ куйларини халқ чолғулари оркестрига мослаб бастакорлик жиҳатларини ҳам намоён этади ва уларни концертларда ижро этади. Ўз даврининг билимдон бастакорлари Каримжон Мансуров ва Саидхўжа Холдорхўжаевлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва бир қатор куй ва кўшиқлар яратишга муяссар бўладилар.

Жамолхон Ҳасановнинг олиб борган педагогик фаолиятлари ҳам алоҳида таҳсинларга лойиқ эканлигини қайд этиш лозимдир. Фаолияти давомида 60 дан ортиқ созанда шогирдларига чанг созида ижро этиш сирларини ўргатиш билан бирга, мукамал педагог ва созанда сифатида тайёр мутахассисларни тарбиялаб етиштиради. Шогирдларининг кўпчилиги Олий таълим муассасаларида ўқиб олий маълумотли мутахассислар сифатида Республикаимизнинг турли воҳаларида ёшларга билим бериб келмоқдалар. Улар орасида Яшинжон Умрзоқов, Қутбиддин Обидхўжаев, Маъруфжон Орипов Шавкат Усмонов, Башорат Насриддинова, Нажмиддин Шамсиддинов, Ғуломжон Норматов, Саодат Патиллаева, Маҳмуджон ва Толибжон Дадабоевлар, Алишер Ғаффоров, Қаюмжон Қориев, Моҳирахон Раджабова, Розахон Ҳайдарова каби ўз касбининг усталари, Республикаимизнинг турли даргоҳларида устоздан олган билимлари билан ёш авлодни тарбиялаб, мусиқа санъати ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Жамолхон Ҳасанов турмуш ўртоғи шоира ва адиба Ойимчахон Бекмирза қизи билан сермазмун ҳаёт кечирдилар. Самарали ижод қилиб биргаликда беш фарзандни тарбиялаб вояга етказдилар. Умрининг охиригача ҳаётини, билимини мусиқа санъати ривожига фидо қилдилар. 1998 йили 2 декабрда 60 ёшда вафот этдилар. Лекин уларнинг қолдирган мерослари барҳаёт, шогирдлари томонидан давом эттирилиб, маънавиятимиз ривожига ҳиссасини қўшмоқда.

ҲАСАН СУЛТОНОВ

*“Ҳар қандай чинакам санъат қалбда
пайдо бўлади. Ўшандагина юракка
етиб боради.”*

Ҳасан Султонов



Ўзбек миллий мусиқа санъатининг даргоҳи жуда кенг. Ундаги кўпикчилик санъатига хос йўлда фаолият олиб борган хонанда ва созандаларнинг сапоғи йўқ. Лекин ҳақиқий истеъдод эгалари, ва мусиқа санъатимизнинг ривожиди самарали фаолият олиб борган устоз санъаткорлар саноклидир. Ҳасан Султонов хал-

қимизнинг дилидан жой олган, ўзининг овози билан танилган, мусиқамиз меросида ўзининг ижросида бетакрор асарларни қолдирган таниқли хонанда, меҳрибон устоз, халқ маорифи аълочисидир. Устоз санъаткор Ҳасан Султонов 1932-йилда 10 октябрда Наманган тумани Хонобод қишлоғида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган.

Отаси Султонхўжа Усмонхўжаев ва онаси Султонхўжаева Бувимайрам онанинг оилаларида икки ўғил Абдуллоххўжа ҳамда Ҳасанжон ва бир қиз Ҳамрохонларни тарбиялаган санъатсевар оила эди. Ҳасанжоннинг ёшлик чоғидан санъатга меҳри ўзгачалиги ва ўзига хос овози борлиги билан ажралиб турарди. Айниқса ашула айтишга бўлган хоҳишини отаси Султонхўжа ва унинг дўстлари билардилар. Шу боне бўлса керак уларнинг оиласида санъаткорлар йиғилиб турардилар. Султонхўжа ака санъаткорлар билан биргалашиб, кўшиқ куйлашни жон дилидан ёқтирар ва даврада чиройли гурунглار

ташқил этардилар. Хасанжоннинг ёшлигидан ана шундай давралардаги ашула ва кўшиқларни тинглаб вояга етади. Аввалига кўшиқ айтишга ҳавас уйғонган бўлса, вақт ўтиб бу орзуга айланади. Ва Хасанжоннинг келажакига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Хасанжоннинг ҳаётида бундай бурилишга сабаб бўлган воқеа халқимиз тарихида ҳам катта аҳамият касб этган. Яъни, 1939 йили катта Фарғона каналини 45 кунда қазиб халқимизга оби-ҳаёт бахш этганлар. Қазиш бошланган пайтда Хасанжоннинг отаси ҳам ўғлини олиб халқ ҳаширига бирга бўришади. Иш жуда қизғин эди. Тошкентдан машҳур ҳофизлар, санъаткорлар Маъмуржон Узоқов, Ҳалима Носирова, Жўраҳон Султонов, Комилжон Жабборов, Саиджон Калонов, Мукаррама Турғунбоева, Дадахўжа Сотволдиевлардан иборат хонанда ва созандалар дастаси ҳам келиб меҳнаткашларга ўз санъатларини намойиш этган эдилар. Ёш санъат шайдосини бу санъаткорлар айтган кўшиқлар ўзига ром этади. Айниқса, устоз-ҳофизлар Жўраҳон Султонов ва Маъмуржон Узоқовлар томонидан ижро этилган кўшиқлар ёшгина Хасанжоннинг юрагига жойлашди.

Ишқинг ўтига куйгани келдим,
Ойдек юзингни кўргани келдим.
Савдойи зулфинг тушди бошимга,
Сендин саволе сўргали келдим.

Шу воқеа бахона ёш истеъдод эгаси кўшиқларни ёд олиб, устоз санъаткорлардек куйлашга ҳаракат қила бошлайди. Халқ ичида, қишлоқдошлари орасида доимо кўшиқ куйлаб барчани хурсанд қилиб юриш олағий ҳолга айланади. Айниқса, ўрта мактабда ўтказилган кечаларда, байрам-шодиёналарида ўзининг устозлар ижроларидан ўрганган кўшиқларини ижро этиб, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг қалбида умид учкунлари-

ни уйғотади. Шу даврда у “Ҳалол нон истасанг”, “Пахтакорлар” каби кўшиқларни маромига етказиб ижро этади.

1947 йилдаги бир воқеа устознинг санъат йўлидаги фаолиятига илк ишонч нуқтасини кўяди. Далада ишлаб пахтакорларга берилаётган концерт пайтида Республикамизнинг ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсупов ташриф буюрадилар. Ёш истеъдодни кўриб Тошкентда ўқишини ва ишини давом эттиришни таклиф этади. Шу баҳона бўлди-ю Тошкентга йўл олиб ҳозирги Муқимий театри ўрнида “Тошсовет” деб аталадиган театр жамоасига кўшилиб иш фаолиятини бошлайди.

Муқимий театрида у ўзбек санъатининг дарғалари Тўхтасин Жалилов раҳбарлигида Комилжон Жабборов, Мухторжон Муртазоев, Фароғат Раҳматова, Саттор Ярашев, Лутфихоним Саримсоқова, Абдуллажон Охунов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Жўраҳон Султонов, Эргаш Йўлдошев, Суннат Самадов каби устоз санъаткорлар билан танишади. Улар билан биргаликда бир жамоада фаолият кўрсатади. Тез орада у устозлардан “Яхши жононлар аро”, “Келдим”, “Ёр истаб” ва “Мустахзод” каби бир қатор баланд овоз ҳамда кучли маҳорат талаб қиладиган кўшиқларни ўзлаштириб ўз репертуарини бойитади. Атоқли режиссёр Етим Бобожонов таълимидан баҳра олади. Ижодий жамоа билан биргаликда берилган барча концерт ҳамда театр кўринишларида (постановкаларда) ўзининг ашулалари, ижролари билан қатнашади. Ҳасан Султоновнинг ушбу театрда ўйнаган роллари, яратган қаҳрамонлар образлари ўз тингловчиларини топганлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиздир. Ёш истеъдоднинг маҳорати томошабинлар орасида ҳам кўрина бошлайди. Раҳбариятнинг тавсиялари билан вилоят, Республика ва бошқа танлов, фестивалларда иштирок эта бошлайди.

1957 йили Москвада ўтказилган VI жаҳон ёшлари фестивалида иштирок этиб, “Олтин медал” соҳибига айланади. Фестивал ҳакамлари раиси Озарбайжонлик машҳур хонанда

Булбул Мамедовнинг назарига тушади. Ва ушбу устознинг унга айтган - “Ўзбек кўшиқлари сизни бутун дунё ёшларига машхур қилди, сиз ўз истеъдодингизни ўстиришга интилинг. Бутун куч ғайратингизни халқ хизматига бағишланг, энг муҳими, билимингизни оширинг” - деган ўғитини ўз мақсадига айлантирди. 1962 йили Ҳасан Султоновни республика радиосининг ўзбек халқ чолғулари оркестрига яқкаҳон кўшиқчи лавозимига ишга таклиф этишади. Бу жамоада ишлаш билан бирга Тошкент Давлат консерваториясига ўқишга кирди.

Тошкент Давлат консерваториясида таникли устоз, санъаткор, композитор ва халқ йўлидаги бир қатор машхур асарларни ижод этган бастакор Дони Зокиров ва хонанда Азиза Саидхўжаевалардан сабоқ олади. Жаҳон классикасини ижрочилик маҳоратидан сабоқ олади. Ўзининг ижро репертуарини Дони Зокировнинг “Кўрикдаги боғимга боқ”, “Ватан мадҳи”, “Кўрмадим” романслари, Фахриддин Содиковнинг “Қора байир”, Набижон Ҳасановнинг “Ассалом юлдузлар”, “Дўстлар” ашулалари, Саиджон Калоновнинг “Келдим”, “Кетманг”, Имомжон Икромовнинг “Гортадур” ашулалари, Муҳаммаджон Мирзаевнинг “Ёр истаб”, “Фигонким” каби шоҳ асарлар билан бойитади.

Ўзбекистон радиосининг ўзбек халқ чолғулари оркестри жамоаси Ҳасан Султонов учун ўзига хос малака ошириш даргоҳи бўлади. Аввало замон композитор ва бастакорлари билан ҳамкорлик бўлса, иккинчидан замонавий хонандалар ижро этаётган асарларни ўзлаштириш ва ижро этишда катта мактаб вазифасини ўтайди. Ҳар бир хонанда учун профессионал жамоа касбини мустаҳкамловчи даргоҳ сифатида хизмат қилиши муқаррардир. Дарҳақиқат Ҳасан Султонов бу даргоҳда Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Фахриддин Содиков, Набижон Ҳасанов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Ҳамид Раҳимов, Муҳаммаджон Мирзаев каби таникли бастакорлар ёзган асарларини ва мумтоз халқ куйларини

меърига етказиб ижро эта олиш сирларини ўрганади. Энг муҳими устозлар раҳнамолигида маромига етказиб ижро этади. Дони Зокиров қаламига мансуб “Кўриқдаги боғимга бок”, Фахриддин Содиқовнинг “Қора байир”, Набижон Хасановнинг “Ассалом юлдузлар”, Сайиджон Калоновнинг “Келдим”, “Кетманг”, Муҳаммаджон Мирзаевнинг “Ёр истаб”, “Мустаҳзод”, “Фигонким” каби бир қатор асарлар шулар жумласидандир.

Ҳасан Султонов республика радиоси жамоаси билан яқиндан ҳамкорликда ишлади. Ижрочилик бобида устоз ўзбек халқ кўшиқлари, мумтоз мусила намуналари, мақом асарлари, ўзбек бастакорлар ва композиторлари ижодига хос ашулалар ва романслар, ўзбек мусикали драмаларидан муайян қаҳрамонлар арияларини маҳорат билан ижро этишга ҳаракат қилди. Радионинг олтин фондига 100 га яқин асарларни ёзиб қолдиришга эришди. Энг муҳими ушбу асарлар ўзбекистон радиоси тўлқинлар орқали ҳозирда ҳам янграб туришидир.

Ҳасан Султонов ўзбек мумтоз мусика меросига бўлган муносабатлари ҳам айнан Фарғона водийси устозларининг сабоқлари билан боғлиқдир. Шу боис унинг ижро репертуарида мумтоз ашулалардан “Дугоҳ Хусайний”, “Ушшоқ”, “Насри уззол”, “Насри Баёт”, “Баёт 1”, “Қаландар” каби намуналар ўрин олган бўлиб, хонанданинг бетакрор баланд ва жарангдор овози талқинига мослиги билан ажралиб туради. Ҳаттоки буюк кино режиссёрлари Фурқат кинофильмини олиш жараёнида Фурқат ариясини ижро этиш учун Ҳасан Султоновни танлайди. Шунда Ҳасан Султонов ўзининг сеҳрли овози талқинида - “Фигонким” ашуласини оркестр жўрлигида ижро этган эди.

1973 йилда Ҳасан Султонов ҳамюртларининг таклифи билан Наманган вилояти театрига Муқимий театрида орттирган малакалири билан иш фаолиятини давом эттиради. Бу даргоҳда икки йил етакчи актёр сифатида иш олиб боради. Сўнгра 1975 йилдан бошлаб ёш авлодни тарбиясига, яъни таъ-

лим тизимида ёшларга тарбия бериш билан боғлиқ ишга ўтди. Деярли чорак аср давомида Наманган давлат санъат билим юртида ёшларга академик вокал санъати ҳамда анъанавий хонандалик сирларидан сабоқ бериб, бир қатор шоғирдларни етиштириб чиқаради.

1980 йил ишга келганимда устозимиз Ҳасан Султонов билан ҳам танишганман. Устоз билан жуда кўплаб суҳбатлар қурадик. Устоз ёшлиklarини санъат соҳасига қандай кирганлиги, Усмон Юсуповлар билан учрашгани, Академик Юнус Ражабий, Дони Зокиров, Фахриддин Содиқов, Набижон Ҳасанов, Ғанижон Тошматов, Саиджон Калонов, Ҳамид Рахимов, Муҳаммаджон Мирзаев каби устоз санъаткорлар билан ишлаган даврларини жуда мароқ билан менга айтиб берарди. Устознинг менга бир феъли ёқарди, у инсон ўзининг устозларини авваламбор ота – онасини, қолганларни, масалан Юнус ака, Фахриддин ака. Дони акам деб, худо раҳмат қилсин деб, кейин суҳбатни давом эттирарди. Тақдир тақозоси билан 1992 йил раҳбар бўлганимда устозга бирор бир унвон олиб берамиз деб бир неча бор хужжатлар тайёрладик. Лекин минг афсус амалга ошмаган.

Радиофондимизда Ҳасан Султоновнинг юзлаб кўшиқлари мавжуд. Ва ҳозиргача халқимиз ундан баҳраманд.

Бундай инсонларнинг меҳнатларини санъатини қанчалик эъзозлаб ардоқласак арзийди. Ҳеч қандай унвонларсиз ҳам биз устозимизни ҳамisha ёдимизда сақлаймиз. Катта-катта йиғинларда, бир эсимда, Машраб боғида Наврўз арафасида катта ош берилган. Шунда Ҳасан Султонов жонли ижрода “Мустахзод” кўшиғини айтиб, ёндирворган. Бутун йиғилганлар қарсақлар билан тасаннолар айтган. Устоз билан суҳбат қурганда гоҳида мени хонамга кирганда суҳбат чоғида, у киши жуда кўплаб Фарғона канали қурилишидаги барча санъаткорларни эслаб ўзлари эса, столни чертиб Машраб, Навоий, Бобур ва бошқа классик шоирлар ғазалларидан куйлаб қолардилар. Устозимиз

нафақага чиқган пайтларида ўзларининг уйларининг ёнидаги Хонабод масжидида ҳар-ҳар замон муаззинлик қилгандилар, кишлоқ аҳолисининг илтимосига биноан.

Устозимизни нафақат бутун кишлоқ аҳли, балки Наманган вилоятининг халқи хурмат қилган. Қўшиқларини жон дили билан эшитишган. Устозимиз умрини санъатга бахшида қилган инсон эди.

Қайд этиш жоизки Ҳасан Султонов ўз ҳаётида халқ ҳофизлари Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Муроджон Аҳмедов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Мухриддин Мансуров, Ваҳобжон Фаёзовларнинг анъанасини ўзлаштириб, уларнинг йўлларини давом эттиришга муваффақ бўлди. Устозларнинг ижро анъаналарини замонавий муносабатлар, ижро талқинлари билан бойитди. Натижада ўз овози ва талқинига хос ўзининг ижро услубини яратди. Буни биз устознинг тарбиялаган шогирдлари ижросида кўрамиз. Ҳасан Султоновнинг таълими-ни олиб мусиқа санъати ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келаётганлар орасида Баҳодир Бакиров, Муҳаммаджон Нуриддинов, Абдуқаххор Жалилов, Шавкат Ҳамдамов ва Султонова Ойдина каби шогирдларини ўрнакли фаолиятини келтириш жоиздир.

Ҳасан Султонов умр йўлдоши Рисликхон опа билан чиройли, гўзал ва самарали ҳаёт кечирдилар. 9 фарзандни тарбиялаб, вояга етказдилар. Ушбу муқаддас соҳада эришган ютуқлари давлатимиз томонидан ҳам юксак шарафланди. Ҳасан Султонов хизматлари учун 1996 йилда “Халқ маорифи аълочиси” унвонига сазовор бўлдилар.

ЭРГАШ ЙЎЛДОШЕВ

(1924-1991)

(Ўзбекистон халқ артисти)



Эргаш Йўлдошев 1924 йили, 1 майда Наманган вилояти, Чуст тумани, Ахча қишлоғида дехқон Наримон оксақол хонадонида таваллуд топган. Унга Эргаш деб ўзбекона исм қўйилди. Эзгу тилак ижобат бўлди. Эргаш акаларига, гузар ва маҳалладаги яхшиларга эргашди.

Улардан хаётга муносабатларини ўрганди. Яратган уни алоҳида зехн билан сийлаган эди. Эргаш Йўлдошев болалигидан санъатга меҳр қўйди: гижжач чалиб, ашула хиргойи килиб қариндошларникига тез-тез борадига одат чикарди. Мулла Муҳаммад унга Фарғона-Тошкент мақом йўлларига мансуб “Дугоҳ”, “Чоргоҳ”, “Баёт” оҳанглари ни ўргатди. 1937 йили Эргаш Йўлдошевни Чуст халқ театрига олиб борди. 1939 йил Катта Фарғона канали қазила бошланди. У пайтлар техника ривожланмаган эди. Ҳамма ишлар қўлда бажарилар эди. Ўша вақтлар Ўзбекистон раҳбари Усмон Юсупов раҳнамолигида меҳнаткашларнинг кайфиятларини кўтариш мақсадида концертлар уюштирилар эди. Ана шу концерлардан бирида Чуст халқ театри ҳам таклиф этилади. Концерт намоишларининг охирида Эргаш Йўлдошевга ҳам навбат берилади. Ёш хонанда ижросида “Ўйнаб келинг, яйраб кетинг” қўшиғи янграйди. Бахтни қарангки унга Усмон отанинг назари тушади ва “Казбек” папароси қутиси устига “Чуст- Эргаш Йўлдошев” - деб ёзиб қўяди. Орадан кўп ўтмай Эргаш

Йўлдошев Янгийўл театрига чакирилиб олинади. Кейинчалик мана шу театр ижодий жамоаси билан фаолият олиб боради. Театр биноти 1946 йил куриб битказилади ва бу театр Муқимий номидаги давлат мусиқа теарининг асосини ташкил этган эди. Янгийўл театрида режиссёр Музаффар Муҳаммедов, созанда Юнус Ражабий, Отавали Нуриддинов, Тўхтасин Жалилов, хонандалар Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, ёш хонандалар Камолжон Жабборов сингари бўлғуси алломалар ижод қилишир эди.

1943 йили Эргаш Йўлдошев ҳамнафаси Зокиржон Эргашев билан Муқимий театрига таклиф қилинди. Катта – кичик роллар ижро қила бошлади. Эргаш Йўлдошевнинг яхши инсон ва яхши санъаткор бўлиб етишишида, айниқса устоз созанда Ўзбекистон халқ артисти Аҳмаджон Умрзоқовнинг хизматлари катта. Эргаш Йўлдошевни устозлардан бахти чопган. Ҳофизлик йўлини тўғри танлашда Ўзбекистон халқ артисти Жўрахон Султонов бош қош бўлган, яхшиларни маслаҳати билан 1953 йил Тошкент давлат консерваториясининг вокал бўлимига ўқишга кириб, 1958 йил муваффақиятли тамомлайди. Ўқишни битириб Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрига ишга йўлланма олади. Эргаш Йўлдошев ҳаётида туб бурилиш бошланади. Ижодий фаолияти мутлоқ бошқа йўлдан, жаҳон санъатининг энг мураккаб турларидан бири опера ижрочилиги йўлидан кетди.

Устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Эргаш Йўлдошевнинг юртимиз операси ривожига муносиб ўрни бор. У операда ўзбекона куйлаш мактабини яратди. Санъатнинг ўзига хос туридан ҳам нола ва қочиримлар қилиш мумкин эканлигини исботлай олди. “Дилором”, “Зайнаб ва Омон”, “Хоразм кўшиғи”, “Лайли ва Мажнун”, “Майсаранинг иши”, “Зулматдан зиё” операларидаги арияларни Аллоҳ берган гўзал, катта диапазондаги овози билан, санъатнинг қатъий ўлчовларини бузмаган ҳолда ўзбекона қилиб ижро этди.

Мен Эргаш Йўлдошевни радиода:

“Пахтазорда кўрдим барно бўйингни (ўргилай),
Чин кўнгилдан айтай ялла куйингни,
Жонимдан ҳам сени яхши кўраман (айланай),
Рози бўлсанг бошлай катта тўйингни”.

деган дуэт кўшигини кўп бора эшитганман. Ҳатто ёдлаб ҳам олган эдим. Катта бўлганимда ҳам у кишининг ижодларига бефакт бўлмаганман. Ижро дастурларидаги “Эй сарви равон”, “Фарғона рубойиси”, “Шўхи париваш” кўшиқларни севиб тинглар эдим. Эргаш Йўлдошев ўзбек миллий санъатининг ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсонлардан у киши ижросидаги кўшиқларни ҳозиргача ҳалқимиз яхши кўриб тинглайди. Албатта санъатимизнинг ривожига Эргаш Йўлдошевнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Эргаш Йўлдошевнинг санъатда эришган ютуқлари давлат томонидан муносиб тақдирланган. У 1964 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1974 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонларига сазовор бўлди.

Эргаш Йўлдошев оиласи: умр йўлдоши Клара Бозорова, 3 ўғил ва 1 қиз фарзандлари ўқимишли. Клара ая ҳозирда 87 ёшни қоралади. Эргаш Йўлдошев 1991 йил 8 декабрда вафот этган.

САЙИДЖОН КАЛОНОВ

(1917-1971)



Сайиджон Калонов 1917 йили, 30 июнда Наманган вилояти, Чуст тумани, Каркидон қишлоғида таваллуд топган. Саиджон Калонов дастлабки мусиқа сабоқларини Тошкент мусиқа техникумида А.Ваҳобов, Ш.Шоумаров каби таниқли санъаткорлардан олган. Най ижрочилиги асосларини машхур кўшнайчи ва сурнайчи устоз Абдуқодир найчи Исмоиловдан ўрганган.

Сайиджон Калонов мустақил ижодий фаолиятини Фаргона театрида, бадий раҳбар сифатида, 1932 йилдан бошлаб, мазкур театрда қўйилган бир қатор спектаклларнинг мусиқий томонларига бош бўлган. Жумладан, театрда сахналаштирилган “Фарход ва Ширин”, “Хуршид” сингари спектаклларга мусиқа ёзган.

Сайиджон Калонов 1936-1938 йилларда Ўзбекистон давлат филармониясининг Тўхтасин Жалилов раҳбарлигидаги оркестрида, 1938-1942 йиллар мобайнида Ўзбек давлат опера ва балет театрида, 1942-1948 йилларда Янгийўл театрида, 1948-1971 йиллар давомида Ўзбекистон радиоси ва телевиденияси қошидаги ўзбек халқ чолғу оркестрининг якканавози сифатида фаолият олиб борган. Оркестрларда фаолият олиб бориш жараёнида бир қатор ўзбек мумтоз ва халқ мусиқа намуналарини маромига етказиб ижро этган. Жумладан, “Ёввойи Ушшоқ”, “Ёввойи Чоргоҳ”, “Чўли ироқ” каби куйларни ижро этиб эл назарига тушган.

Сайиджон Калонов ўз даврининг устоз санъаткорлари қаторидан жой олган. Республикада най ижрочилиги бўйича

энг моҳир созанда ҳисобланган. У нафақит анъанавий йўлдаги ижро услуби, балки, академик ижрода ҳам моҳирлигини намоён этишга муяссар бўлган устоз санъаткордир. Республикадаги мавжуд найчи созандаларнинг барчаси Сайиджон Калоновнинг шогирдлари сифатида шаклланганлар. Бунга сабаб, унинг ўзига хос ижро услуби ва най ижрочилигидаги моҳирликка эришганлигидадир.

Бир қатор ижодий жамоаларда муваффақиятли ишлаган Сайиджон Калонов бастакорлик соҳасида ҳам муносиб асарлар яратишга эришади. У йиллар давомида “Эй сарви равон”, “Ёр кезар”, “Топмадим”, “Дилнавозим”, “Куйла дилкаш дуторим”, “Гулмиди Раъномиди”, “Она диёримга салом” сингари ўнлаб ашула ва қўшиқларни, “Фарғона тонги”, “Армуғонинг” каби мумтоз йўлидаги куйларни яратишга муяссар бўлган. Булар ўзбек мусиқа меросининг муайян қатламлари ва замонавий оҳанглар билан узвий боғланганлиги сабабли ҳозиргача ижро репертуаридан тушмай халқимизга ҳавола этилиб келинмоқда.

Сайиджон Калонов санъатдаги бетакор хизматлари, бастакорликда яратган оригинал асарлари учун давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1966 йилда унга “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвони берилган. Ҳамюртимиз Сайиджон Калонов 1971 йилнинг 31 ноябрида Тошкентда вафот эган⁶.

⁶Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 4 том, 402 бет.

САИДХЎЖА ХОЛДОРХЎЖАЕВ (1934)



Саидхўжа Холдорхўжаев Фаргона водийси бастакорлик мактабининг ёрқин намояндаси, халқимизга 400 дан ортиқ мусиқий намуналарни яратиб ижрочилик амалиётида кенг оммалашган, атоқли хонанда ва бастакорларни тарбиялаган устоз санъаткордир.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Соғлиқни сақлаш аълочиси”

ва “Мустақиллик” эсдалик нишонлари соҳиби, моҳир хонанда ва созанда Саидхўжа Холдорхўжаев 1934 йили 1 мартда Наманган вилоятининг Наманган тумани Хўжа қишлоғида санъат шайдоси бўлган оддий деҳқон оиласида таваллуд топган. Отаси Уликов Холдорхўжа санъатга шайдолиги халқ термалари, айтишув ва лапарларни яхши билганлиги ва буни халқ маросимларида ижро этиб турганлигидадир. Шу билан бирга Навоий, Хувайдо, Машраб, Мирзо Бедил каби классик шоирларимизнинг ғазалларини яхши билган, куйга солиб ижро этган. Онаси Нусратхон ая уй бекаси, оилада 5 фарзанд бўлиб, уч ўғил ва икки қиз. Катта ўғли Аҳроп қори ва Саидхўжа оталари каби санъатсевар эканликлари билан ажралиб турардилар. Дарҳақиқат, уларни санъатга бўлган қизиқишлари жуда эрта уйғонди. Улар оталаридан қўшиқ, ашула ва яллалар ижросини ўрганардилар. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида эса мусиқа билан шугулланишни астойидил давом эттирардилар. Акаси Аҳроп қори билан биргаликда Наманган туманидаги 13-мактабнинг мусиқа тўғарагига қатнаша бошлардилар. Тўғарак раҳбари Аъзамхон Саидхоновдан мусиқа чолғуларидан танбур

ва дуторни ўрганадилар. Устози бу ака-укаларнинг яхшигина овозлари борлига ва кўшиқ айтишга бўлган иштиёқларини кўриб, жўровозликда кўшиқ куйлаш сирларини ҳам ўргатади. Устозларидан улар ҳамнафасликда «Насруллои», «Ушшоқ», «Баёт I-II», «Чоргоҳ», «Дугоҳ», «Муножот», «Тановор» каби мумтоз ашулаларни ўзлаштириб ижро этадилар.

Мактабни тамомлагандан сўнг 1957 йили, Саидхўжа Наманган тиббиёт билим юртига ўқишга киради. Лекин мусиқа ижрочилиги ва хонандалик билан мунтазам шуғулланиб боради. Айниқса устозлар сабоғига ташна бўлган истеъдод эгаси устоз санъткор Уста Рўзиматхон Исабоевдан мумтоз мусиқа санъати ижрочилигидан сабоқ олади. Қисқа вақт давомида танбур чалишни мустаҳкамлаб олади. 1959 йили Наманган тиббиёт билим юртини тамомлайди ва Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги «Дамкўл» тиббиёт марказида тиббиёт ходими сифатида иш бошлайди. Икки йилдан сўнг Ғалча қишлоғининг тез ёрдам пунктида меҳнат фаолиятини давом эттиради. Лекин севимли касби билан мунтазам шуғулланиб боради. Ишдан бўш пайтларида «Дилшод» ва «Олвализор гуллари» ашула ва рақс ансамблларига қатнашиб, ижодий ҳамкорликда ижод қилади. Кўп ўтмай у «Олвализор гуллари» ашула ва рақс ансамблига раҳбар этиб тайинланади. Ансамблнинг ижрочилиги билан бир қаторда ака ва укалар ҳамнафасликдаги ижодига катта эътибор қаратади. Мумтоз мусиқа меросини ўрганишга катта эътибор билан ёндашиб, ижрочилик маҳоратини ошириш мақсадида Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов каби атоқли устозлар билан ижодий мулоқотни мустаҳкамлайдилар. Уларни ижро йўллари ва айниқса ижодий асарларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор берадилар. Қайд этиш жоизки Саидхўжа Холдорхўжаевнинг мусикий асарларга бўлган муносабати ўзига хос бўлиб, ҳар бир асарни ўз ижро услубида талқин этади. Ва бу муносабат устозга характерли бўлган жиҳат сифатида ижодида муҳрлана-

ди. Натижада уларнинг ҳамнафасликдаги ижоди, айтган ашулалари халқ орасида кенг оммалашиб боради.

Устозимиз Саидхўжа Холдорхўжаевни таниганимга анча йиллар бўлди. Саидхўжа Холдорхўжаевнинг бетакрор мусиқа ва кўшиқлари борки, уларни Халқ артистларимиз Камолиддин Раҳимов, Хайрулло Лутфуллаев, Баҳодир Бакиров, Ўринбой Нуралиев ва бошқа кўплаб санъаткорлар ижро этишган. Наманган вилоятининг фахри, бетакрор бастакор ҳар доим бизнинг ўқувчиларимиз, устозларимиз учун самарали ижодлари билан ибратдирлар.

Садхўжа Холдорхўжаев дарҳақиқат мумтоз мусиқа меросимизни кунт билан ўрганган, айниқса устоз санъаткорлар ижро услубларини, мақом санъатига тегишли маълумотларни илмий жиҳатларини англашга катта эътибор қаратади. Сабабки, созандалик ва хонандалик билан биргаликда бастакорлик амалларига доимо кўл уриб келади. Устознинг бастакорлик ижодида ҳам аввалига кичик кўшиқлар яратилиб ижро этиб келинган бўлса, 1952 йилдан бош мумтозлик характериға эға бўлган «Ноз айласалар», «Ўлдирур», «Кошкийди», «Бўлмас», «Жунун водийсига», «Кел эй, дилбар», «Сендадур», «Келмади», «Гулзоримдан» каби бир қатор мумтоз йўлларига мансуб ашула ва кўшиқларини ўз мухлисларига тақдим этади.

1970 йили устоз санъаткор Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани маданият уйида ташкил этилган «Дилшод» ашула ва рақс ансамблиға бадий ва мусиқа раҳбари этиб тайинланади. Ансамблда ўз даврининг етук санъаткорлардан Ваҳобжон Абдуллаев, Саъмижон Болтабоев, Йўлдошали Тиллабоев, Тожиали Олимов, Абдурашид Воҳидовлар ҳам бор эдилар. Булар ўзларининг ижро репертуарлари ва бетакрор ижро услублари билан эл ардоғига муяссар бўлган ва ансамблнинг етакчи созанда ва хонандалари эдилар. Саидхўжа Холдорхўжаевнинг ушбу жамоадаги фаолиятида бу санъаткорлар

билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, янги асарлар яратишга катта эътибор қаратилади.

Саидхўжа Холдорхўжаев раҳбарлигида ушбу ансамбль, ўзбек мусиқа санъатини Болгария, Венгрия каби бир қатор давлатларда намойиш этишга муяссар бўладилар. Ўзига хос концерт дастурлари орқали чет элликларни ўзбек халқининг бетакрор санъат намуналарини билан таништиради.

Мусиқа санъатини ривожлантириш, халқимизнинг маданий ҳаётини гўзаллаштириш мақсадида, элга хизмат қиладиган ансамблдан ташкил этилиб келинган ва уларга муайян шароитлар яратиб берилган. 1978 йили Наманган вилояти Наманган тумани маданият уйи қошида «Олвализор гуллари» ашула ва рақс ансамбли ташкил этилади. Ансамблга шу ҳудудда истиқомат қилаётган мохир созанда ва хонандалар жалб этилади ва бевосита бадиий ва мусиқий раҳбарлиги вазифаси Саидхўжа Холдорхўжаев зиммасига юклатилади. Ушбу ансамбл устознинг ижодий лабораториясига айланади. Сабабки, бутун воҳа санъаткорлари устоз сабоғига интилар, ижодкор бастакорлар учун билимдон устоз сифатида Саидхўжа ака кадр топади.

Устознинг фаолияти давомида мусиқа санъати ривожини учун азалий анъаналар асосида асар яратиш билан бирга, замонавий ёндошишга катта эътибор қаратади. Бунда албатта мусиқа билимдонлари, мохир санъаткорлар билан ҳамфикр бўлиш, ёки ёш авлод тарбияси учун зарур дастурил амаллар яратиш масалаларига эътибор қаратарди. Бу борада замондошлари бир неча йиллар Наманган давлат мусиқа билим юртида раҳбар бўлган бетакрор ва билимдон созанда Жамолхон Ҳасанов билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Ёзган асарларини нота намуналари устида иш олиб борадилар. Йўлдошали Тиллабоев, Самижон Болтабоев, Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев каби замонасининг илғор санъаткорлари билан самарали ижод қилди. Аслида ёки уларнинг

Ўзларини эътироф этишларича, Саидхўжа Холдорхўжаев уларнинг устозлари. Яъни, ижодий мезонларда раҳнамолик қилган ва яқиндан ҳамкорлик қилган устозларидир. Айниқса Камолиддин Раҳимовнинг кўп маротаба таъкидлашларига қараганда, яратган ҳар бир ашула ёки қўшиқни албатта устозга эшиттириб, назаридан ўтказиб кейин ижро этар эканлар.

Холдорхўжаев бастакорлик борасидаги илк қадамларида кўп асарлар яратилган бўлсада, бастакорга шуҳрат келтирган ва дарҳақиқат мумтозликда муносиб асар – бу Алишер Навоийнинг

«Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни,

Тилармен бир йўли бузмак бузулгон рўзгоримни.»

ғазалига басталанган ва халқ орасида “Жунун водийсиға” номи билан ижро амалиётида оммалашган ашуласи эди. Бу ашула 1952 йилда ёзилган ва илк маротаба бастакорнинг акаси Аҳроқори ва устози Аъзамхон ака билан ҳамнафасликда ижро этилган. Ушбу асар кўпчилик хонандалар томонидан ҳавас билан ижро этилади. Ашулани бетакрор овоз соҳиби, хонанда Расулқори Мамадалиев томонидан моҳирона услубда ижро этилган. Шу йили бастакор Алишер Навоий ғазалига иккинчи асари «Эрмиш» номли ашуласини басталайди. Бу ашулани ҳам халқ орасида машҳур қилган санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Раҳимовдир. Асар хонанда томонидан маромига етказиб ижро этилган. Ана шундай халқ орасида машҳурликка эришган, халқ орасида қадр топган асарларидан: «Бўлмас» Маҳғумқули ғазали 1953 йили яратилган; «Кутарман зор» ашуласи Хайитбой Азимий ғазали 1976 йилда ёзилган.

Хусусан, бастакор томонидан 400 дан ортиқ асарлар яратилган. Уларнинг 100 дан ортиғи дарҳақиқат тингловчилар қалбидан жой олиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган асл дурдоналар ҳисобланади. Улар замонамизнинг машҳур ҳофизлари томонидан ижро этилиб, Ўзбекистон радиосининг олтин фондига ёзилгандир. Бу ашулалар Ориф Алимахсумов,

Расулқори Мамадалиев, Камолиддин Рахимов, Саъмижон Болтабоев, Йўлдошали Тиллабоев, Ваҳобжон Абдуллаев, Алижон Эркаев, Ўринбой Нуралиев, Хайрулла Лутфуллаев. Маҳмуджон Тожибоев, Аҳмаджон Дадаев, Абдуқаҳҳор Жалилов каби ҳофизлар хонишида ўз тингловчиларини топди.

Ижоди жараёнида Саидхўжа Холдорхўжаев ашулаларнинг сўз матнига катта масъулият билан ёндашади. Кўпроқ мумтоз адабиётимизнинг Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хувайдо, Махтумкули, Огаҳий, Машраб, Фурқат, Чустий, Шўхий, Азимий каби шоирларнинг ғазал ва мухаммасларига мурожаат этади.

Устознинг кўп бора суҳбатларини олганмиз, шогирдлари билан учрашувларда тўй-маракаларда устоз шундай бир бебаҳо неъматлардан мусиқа, ашула инсонни онгига ўзи билмаган ҳолда таъсир этадики, кўнгилларнинг энг оғриқ нуқталарига етиб боради. У дарди борлар дардига шифо топадиган ажойиб асарларни яратган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Саидхўжа Холдорхўжаевни бутун Республикамиздаги ижод аҳли жуда яхши танийди ва ҳурмат қилади. Ҳозиргача 90 ёшдан ўтаяптилар. Шогирдларининг хонадонларига ташрифлари узилмайди. Бу албатта катта бахт.

Мусиқа санъати амалиётида Саидхўжа Холдорхўжаевнинг яна бир соҳаси бу – созгарликдир. Аслида устоз соз яшаш борасида бировдан таълим олган эмас. Бастакор бу борада шундай дейди - «Менинг соз яшаш борасида устозим йўқдир. Ҳеч бир устага шогирд тушмаганман. Ўзимда соз яшашга бўлган қизиқишим жуда кучли эди. Мен ясаган илк соз бу тор. Торга қараб, андоза олиб ясаганман. Шу тариқа аста-секин чолғу созларининг қолган турларини яъни танбур, дутор, рубобни ясай бошладим»⁷.

Холдорхўжаев ижодининг энг сермахсул даври «Дилшод» ва «Олвализор гуллари» ашула ва ракс ансамбл-

⁷Ўзбекистон халқ артисти Камолиддин Рахимовнинг суҳбатидан.

ларида олиб борган раҳбарлик ва ижодий фаолиятидир. Бу албатта халқ кўшиқлари ҳамда мумтоз мусиқа намуналарини қайта жонлантириб, ўзига хос услубда ижро этилганлиги; Ўзининг 400 дан ортиқ асарларини яратилиши; шогирдларнинг мусиқа ижодиётида яратган асарлари, барча-барчаси айнан шу давр билан узвий боғлиқдир. «Дилшод» ашула ва рақс ансамблида 1970 йилдан 1978 йилгача, «Олвализор гуллари» ашула ва рақс ансамблида 1978 йилдан 1993 йилгача самарали ижод қилди ва кўплаб санъаткорлар билан ижодий ҳамкорликда бўлди. Саидхўжа Холдорхўжаев ижодий фаолияти давомида ўзи ҳам ғазаллар, шеърлар ёзиб, уларга мусиқа басталайди. Ана шундай асаридан бири бу 1976 йилда ёзилган “Бўлмаса керак” ғазалига куй ёзган. У буюк шоирларимиз ғазалларига мухаммаслар боғлайди.

Саидхўжа Холдорхўжаев ижоди давомида хонандалик, созандалик ва айниқса бастакорликда ўзига мос бир мактаб яратди. У моҳир созанда, хонанда, бастакор ва созгар уста сифатида фаолият юритиб, ҳар бир йўналишда муайян асарлар яратиб, ижролар қолдиришга муяссар бўлган замонамизнинг забардаст ижодкоридир.

Саидхўжа Холдорхўжаев тиббиёт ва мусиқа санъати соҳаларида фидокорона фаолият олиб борганлиги учун муносиб тақдирланган. Жумладан: Тиббиёт соҳасидаги меҳнатлари учун «Соғлиқни сақлаш аълочиси» нишони (1972 йил); Истиқлолнинг бир йиллиги муносабати билан «Мустақиллик» эсаблик нишони (1992 йил); ҳамда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони (1992 йил) билан тақдирланган.

МАШРАБХОН БОҚИЕВ

(1936-2008)



Наманган устоз санъаткорлари орасида ўзининг овози, ижроси ва ижро репертуари билан алоҳида ўрин тутган устоз санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият аълочиси Машрабхон Боқиевнинг номи ўзбек мумтоз мусиқа санъати маданиятида алоҳида ўринга эгадир. Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Шашмақом намуналари ва водийга хос бўлган катта ашула ижрочилик санъатини замонасининг устозларидан ўзлаштирган хонанда нафақат ижрочилик, балки санъат ривожига ўзининг беминнат хизмати, раҳбарлик фаолияти билан халқ орасида обрў топган устоз санъаткордир.

Машрабхон Боқиев 1936-йили Наманганда таваллуд топган. Ёшлигидан мумтоз мусиқага меҳри баланд бўлиб, устоз санъаткорлар хонишини тинглаб, хиргойи қилиб улғайган. Мумтоз мусиқа сирларини даврининг номдор мусиқа билимдонлари, моҳир ижрочилар Уста Рўзимат Исабоев ва Янгиқўрғонлик хофиз Тўрабой ака Қорабоевдан ўрганади. Устозлардан катта ашула ижрочилиги, мақом намуналарини ўрганишга ҳаракат қилади. Оқибатда даврининг устозлари қаторида ижро этадиган хонанда сифатида фаолият юрита бошлайди. Аввалига у меҳнат фаолиятини 1956 йилда 3-мумтаълим мактабида мусиқа раҳбарлиги сифатида бошлаган. Шу даврларда мактабларда мусиқа тўгараклари фаолият юритган. Бу ёшларни мусиқага жалб қилишда энг қулай ва самарали услуб сифатида қадрланган.

1958 йилдан ўз фаолиятини туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида давом эттиради. Бу даргоҳда ҳам муסיқа раҳбари сифатида иш юритади. Ижрочиликда ўз тенгдошлари, сирли овоз соҳиблари Абдурашид Воҳидов, Абдусамад Аҳадов каби хонандалар билан бирга ижрочилик бўйича ҳам ҳамкорлик қилиб боради.



Ушбу даврда хонишларнинг энг гўзал талқинлари доимо Ўзбекистон радиоси томонидан ёзиб олиб халқимизга тақдим этиш кенг йўлга қўйилган. Маълум овозга эга бўлган ва ижро репертуари билан халқимизга хизмат қилган хонандаларни ижроларини радио фондига ёзиб олиш ҳам кенг йўлга қўйилган.

Бундай имкониятлар Машрабхон Боқиевга ҳам кулиб боққанлигини кўришимиз мумкин. Унинг ижросида 1959 йилда Ўзбекистон радиосига Ноқис ғазали билан “Доғман” ашуласи Нуриддин Мўминов ҳамнафаслигида ёзиб олинган, 1965 йилда Фурқат ғазали билан “Жонон чаманда”, Надим Намангоний сўзи билан “Соғиндингму” кўшиғи, 1967 йили

«Кўнглим» Садоий газали билан ашуласи Нуриддин Мўминов ҳамнафаслигида ёзиб олинган, 1968 йилда Собир Абдулла сўзи билан “Меҳмон булбулга”, Мухайяр газали билан “Сайра булбул”, Асрор Саматов сўзи билан “Юр сайрга чиқайлик”, Садоий газали билан “Кўнглим” ашула ва кўшиқлари грам-пластинкага ёзиб олинди. Бу асарлар ҳозиргача Ўзбекистон радиоси тўлқинлари орқали янграб туради.

Меҳнатсевар инсон Машрабхон аканинг болалар тарбиясига бўлган муносабатлари ва ташкилотчилик қобилияти туфайли шу йили туман маданият уйига бадий раҳбар лавозимига тайинланди ва 1964 йилгача самарали фаолият олиб борди. Мусиқа санъатига бўлган иштиёки, ёки устозларнинг даъвати уни Тошкент маданий-оқартув техникомига етаклайди ва сиртқи бўлимда мусиқа назарияси, тарихи ва ижрочилик сабоқларидан баҳраманг бўлади. Мана шу даврлар Машрабхон аканинг Ўзбекистон халқ артисти, бетакрор ижрочи ва устоз санъаткор Ориф Алимахсумов билан ижодий ҳамкорлиги, устоз-шоғирлик даври бошланади. Ҳар томонлама устоз ўзининг шоғирдига мусиқа ижрочилиги билимларини бериб, мусиқа меросимиз намуналаридан бир қатор асарларни ўргатади. Сабоқ жараёнида у устози билан ҳамнафаслик қилиб ижрочиликнинг бу услубини ҳам ўзлаштириб олган.

1970 йилнинг бошларида Наманган вилояти Тўрақўрғон туман маданият уйи қошида таникли санъаткор Ваҳобжон Абдуллаев бошчилигида “Дилшод” ашула ва рақс ансамбли ташкил этилади. Мана шу жамоанинг ташкил этилишида ҳам Машрабхон Боқиевнинг алоҳида хизматлари бор. Ушбу икки хофизлар доимо биргаликда ижод қилишарди. Тез орада “Дилшод” ансамбли ўзининг бетакрор ижро репертуари билан халқ орасида ўз ўрнини топди. 1973 йилда ўтказилган “Чапма” телевизион конкурсининг учта турида С.Абдулла сўзи билан “Ўзбекистон” кўшигини ижро этиб, юксак баҳоланди ва биринчи даражали диплом билан мукофотланган. Шу билан

бирга қатор тадбирларда қатнашиб жамоасининг етакчи хонандаларини элга танитди.

1976 йилда Машрабхон Боқиев “Дилшод” ашула ва рақс ансамблига бадиий раҳбар этиб тайинланди. Шу йили Москвадаги Қишлоқ хўжалиги ютуқларини Бутуниттифоқ кўргазмасида “Дилшод” ашула ва рақс ансамбли билан биргаликда ўз санъатини намоёниш этиб қайтди. 1978 йилда Республика телевидениясининг Наманган вилояти Тўрақўрғон туманига бағишланган “Дехқон ва замон” телекўрсатувида Ҳолид Расул сўзи билан “Дехқонларим” кўшиғини ижро этади.

Машрабхон Боқиев халқ ва бастакорлик асарларини ижро этиш билан бирга мумтоз мусикамизнинг мақом намуналарини ҳам кунт билан ўрганиб ижро этиб келган. Ваҳобжон Абдуллаев томонидан ташкил этилган “Мақомчилар” ансамбли билан биргаликда турли концертларда мақом намуналарини ижро этишга муяссар бўлади. Унинг ижро дастурида “Соқийнома Савти Наво”, “Баёт1”, Талқини Баёт”, “Соқийномаи Муғулчаи Бузрук” каби намуналар кенг ўрин олган бўлиб, ҳар бир концерт ва тадбирларда ижро этиб эл олқишларига сазовор бўлади.

Машрабхон Боқиев ўз даврининг катта ашулачи устозларнинг сабоғини олиб маълум малакага эга бўлган катта ашулачи сифатида ҳам танилганлигини эътироф этиш лозим. Унинг фаолиятида Наманганлик катта ашулачи Турсунбой Эргашев ва Ўзбекистон халқ артисти устози Ориф Алимахсумовлар билан ҳамнафасликда Ҳабибий ғазали билан “Сарафроз этгали келдик”, Фурқат ғазали билан “Оҳ ким раҳм айламас”, Восид Саъдулла ғазали билан “Шундайин бир боғ қилай” каби катта ашулаларни ижро этишган. 1985 йилда бутун иттифоқ халқ ансамблларининг кўрик танловида Машрабхон Боқиев ўзининг катта ашула ва классик кўшиқлари билан қатнашиб фахрли биринчи ўринни қўлга киритади.

Қайд этиш жоизки, Машрабхон Боқиев фаолияти давомида “Дилшод” ашула ва рақс ансамбли билан даврининг барча тадбирлари, танловлари ва гастрол концертларида қатнашади. Ўзининг сеvimли ижро репертуарини халқимизга ва чет элда тарғиб этишда ўз санъатини намоён этади. Ҳаттоки ансамбль билан биргаликда Франция, Швейцария каби чет эл мамлакатларида ўтказилган Жаҳон халқлари фольклор жамоаларининг Халқаро микёсда ўтказилган фестивалларида қатнашиб, катта ашула ва классик кўшиқларини ижро этади. Фестивалда ғолиб бўлиб Халқаро фестивал медаллари ва мукофотларини олишга муваффақ бўлди.

Деярли ярим аср хонандалик фаолияти давомида бир қатор шогирдларни тарбиялашга ҳам эришади. Э.Юлдошев, А.Абдурахимов, И.Алиев, Юсуфхон Боқихонов, С.Аюпов Й.Дадабоев каби шогирдларига катта ашула ва мақом ижрочилиги санъати сирларини ўргатади. Ҳозирда улар устознинг йўлини давом эттириб, турли жамоаларда фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Устоз Машрабхон домла ўзининг бетакрор ижролари билан кўпчиликка яхши таниш. Биз кўп бора катта-катта тадбирларда, байрам концертларида кўришиб турардик. Машрабхон аканинг ҳамнафаси Вахобжон Абдуллаев билан биргаликда мусиқа меросимизнинг мумтоз намуналарини маромига етказиб ижро этишлари билан ўз даврида халқимизнинг жуда катта олқишига сазовор бўлишган. Икковлари бирга ҳамнафасликда тўй ҳашамларда ҳеч қандай микрофонларсиз катта ашулаларни, ўзбек классик ашулаларини баралла ижро этишарди.

Мен бу инсонларни санъати билан бирга ўта маданиятли, катта кичикни бирдек ҳурмат қиладиган, ёшларимизга намуна бўладиган хислатларини кўриб ҳавас қилардим. Машрабхон аканинг фарзанди Юсуфхон ва набираси Нодирбек таълим муассасамизда анъанавий ижрочилик бўлимида фаолият юри-

тиб келишмоқда. Бир сўз билан айтганда улар ота касбини давом эттириб, бирга ёш авлодни мумтоз мусиқа сирлари билан баҳраманд этишда самарали фаолият юритиб келмоқдалар.

Ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг фидойиси Машрабхон Боқиев миллий санъатимизни ардоқлаб умри давомида халқимизни мусикий мерос намуналаридан баҳраманд этиб келди. Шогирдларни тарбиялаб ўзига ворислар тайёрлади. Турмуш ўртоғи Ойшахон ая Боқиева билан 8 та фарзандларни тарбиялаб вояга етказишди.

Санъат фидойиси Машрабхон Боқиевнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. 1994 йилнинг сентябрь ойида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият аълочиси” нишони билан тақдирланди. Умрининг охиригача ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг ривожига фидокорона меҳнат қилди. 2008 йилнинг 28 январида бу оламни тарк этди.

АҲМАДЖОН ЖАББОРОВ (1925-2018)



Ўзбек халқи бой илмий меросга эга. Бу албатта ўтмиш алломаларимиз, олиму фузалоларимизнинг буюклиги, уларнинг ҳаётлари давомида самарали ижод этганликларидир. Мусиқа санъати бу- буюк неъматдир. Азал-азалдан халқимиз ҳаётида алоҳида аҳамият касб этиб келган. Айниқса XX аср ҳаётимизда ўзгача истиқболлар асри бўлиб қолди. Илм ўрганиш вақт танламайди, лекин илмли инсонларни вақт кўрсатади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

санъат арбоби, мусикашунос олим Аҳмад Ҳамидович Жабборов ҳам ана шундай фаолият олиб бориб санъатда қадр топган инсонлардан бири бўлган. Аҳмад Ҳамидович ўзининг илмий тадқиқот, педагогик, айниқса раҳбарлик фаолиятида республикамиз мусиқа маданияти тараққиётига ҳамда республикамизнинг профессионал мусиқа санъатига ҳисса қўшаётган мутахассисларнинг шаклланиши ва ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келган замонамизнинг йирик арбобларидан бири эди.

Жабборов Аҳмад Ҳамидович 1925 йилнинг 8 августида Наманган шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топган. Барча каби умумтаълим мактаби бошланғич таълимни олиш билан бирга 1936 йилдан бошлаб Наманган мусиқа техникуми қошидаги болалар мусиқа мактабида фортепиано ва мусиқий назарий фанларни ҳам ўзлаштириб боради. 1942 -1945 йилларда улуг ватан урушида қатнашган ва 1950 йилларгача Порт-Артур қалъасида ҳарбий хизматни давом эттирган. Хизматдан қайтиб

Наманган мусиқа билим юртида ўқишини давом эттиради. 1955 йили А.Жабборов Тошкент консерваториясининг мусиқа-шунослик факультетига ўқишга кирди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги даъватига кўра яна бир йил Наманганда ишлаб беришга қайтди.

Консерваторияда ўқиш билан бирга мусиқа мактабида ўқитувчи сифатида (1961 йилга қадар) меҳнат қилди. У 5-курсга ўтганида, ўзбек ва рус гуруҳларига «Ўзбек мусиқаси тарихи» дан дарс берди. Профессор Я.Б.Пеккер раҳбарлигида «Ўзбек мусиқали драмаси» мавзусида диплом ишини ёзиб, 1960 йили муваффақиятли битирди ва консерваторияда ўқитувчи лавозимида фаолиятини бошлайди. Фақат педагогик эмас, балки мусиқашунослик соҳасида ҳам илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиб боради. 1961 йилда эса Ўзбекистон композиторлар уюшмасига қабул қилинади. 1959-1974 йиллари мусиқа тарихи кафедрасида катта ўқитувчи, доцент лавозимларида, 1974-1987 йилларда А.Қодирий номидаги Тошкент маданият Институтида доцент, профессор ва кафедра мудири вазифаларида ишлади. 1987 йили консерваториянинг шарқ мусиқаси кафедрасига таклиф этилди ва ўзбек мусиқаси тарихи фанидан дарс берди.⁸

Мусиқий тафаккури ва шу соҳанинг фидойиси сифатида ишлашга бел боғлаган Аҳмад Ҳамидович мусиқа санъатининг барча соҳаларида сидқу-дилдан фаолият олиб боради. Санъат арбобининг ҳаёти, албатта самарали фаолият йўли бетакрор воқеалар билан машаққатлар ва уларнинг натижалари, ижодий ҳамкорликлар ва ижодий воқеъликлар, янгидан янги асарлар яратилиши билан кечган. Бунинг натижалари жуда кўп, Улардан бири Аҳмад Ҳамидовичнинг замондош композиторлар,

⁸Ушбумаълумотлар А.Х.Жабборовнинг ўзига мансуб монография, яъни Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари китобидан олинган.

бастакорлар ҳамда мусиқашунослар хусусида каламга олган “Ўзбекистон Бастакорлари ва мусиқашунослари” китобидир⁹.

Аҳмад Ҳамидович мусиқа санъати ривожига жуда катта ҳисса қўшган. Фаолиятларининг кўп томонлари бор, лекин уч йўналишда олиб борган ишларини ниҳоятда аҳамиятли десак тўғри бўлади. Булар - педагогик, раҳбарлик ва мусиқашунослик фаолиятидир.

Умрининг деярли бошланиш давридан, токи охиригача педагогик фаолиятини олиб борган. Бунинг заминида мусиқа мактаби, мусиқа билим юрти ва А.Қодирий номидаги Тошкент маданият институти, Тошкент давлат консерваторияси каби мусиқа санъатининг асосий таълим даргоҳларидаги фаолияти ётади. Оддий ўқитувчидан профессор даражасигача бўлган фахрли педагогик йўлни бошиб ўтади. Шу даврда бу даргоҳларда ўқиган ҳар бир талабалар домланинг “Ўзбек мусиқаси тарихи” фанидан сабоқларини олганлар.

Аҳмад Ҳамидович доимо барча фаолиятини биргаликда, бир-бири билан узвий боғлаб олиб борган. Сабаби, улар дарҳақиқат бири иккинчисидан келиб чиқадиган фаолиятлар эди. Шу боис фаолиятининг иккинчи тармоғи бевосита мусиқа санъати ва уларнинг намояндалари тақдири билан боғлиқ эди. Бу албатта раҳбарлик ва раҳнамолик йўналишидир.

Аҳмад Ҳамидовичнинг раҳбарлик фаолияти педагогик фаолият билан биргаликда Тошкент давлат консерваториясининг композиторлик ва мусиқашунослик факультетининг декани лавозимидан бошланган. У 1961-1963 йиллар давомида факультетни бошқаради. 1963-йилдан Ўзбекистон композиторлар уюшмасида масъул котиб вазифасида иш юритади. Сўнгра 1965 йили ушбу нуфузли уюшма хайъати раиси этиб сайланади. 1971 йилгача, яъни кўрсатилган 5 йиллик муддатда муваф-

⁹А.Жабборов. “Ўзбекистон Бастакорлари ва мусиқашунослари” Т., Янги аср авлоди, 2018 й.

фақият билан бошқарган Аҳмад Ҳамидович иккинчи муддатга ҳам раислик қилишга сайланади. Яъни, 1971-1975 йиллар давомида бутун Ўзбекистон мусиқа ижодкорлари уюшмасини бошқаради ва ёш ижодкорлар учун энг яхши шароитлар ва имконият яратиб бериш йўлида фаолият юритади. Ҳар йили ўзбек санъатининг бутуниттифоқ бўйича тарғиб этилиши, энг сараланган асарларнинг ижроларини ўтказилиши ва Республикамизга нуфузли санъаткорлар ҳамда ижодкорларнинг таширифи ва концертларини ташкил этишда раҳнамолик қилади.

1975 йилдан бошлаб ушбу фаолиятнинг маданият вазирлиги тасарруфида амалга оширади. У 1980 йилгача Ўзбекистон Маданият вазирлигининг Санъат Бопи бошқармаси бошлиғи вазифасида фаолият олиб боради. Бутун Республикамизнинг маданият ва санъат даргоҳлари ҳамда уларнинг ходимларининг ижтимоий ривожланиши, республика санъатининг ривожига олиб борган ишларини мувофиқлаштиришда самарали фаолият олиб боради. Бунинг эвазига яна 1987 йили, учинчи маротаба Ўзбекистон композиторлар ва мусиқашунослар уюшмаси хайъатига раис этиб сайланади.

Уюшмани бошқариш давридаги фаолияти А.Жабборов учун беназир мактаб ва ижодий лаборатория вазифасини ўтайди. Бу даврда ўзбек композиторлик санъатининг энг камол топган даври, Мутаваккил .Бурхонов, Манас Левиев, Сулаймон Юдаков, Мардон Наисмов, Ҳамид Раҳимов, Фаттоҳ Назаров, Иброҳим Ҳамраев, Дони Зокиров каби бир қатор буюк мусиқа ижодкорлари ҳамда Тўлқун Қурбонов, Мирсодиқ Тожиев, Мустафо Бафоев каби истеъдод соҳибларининг композиторлик ижодини янги асарлар билан бойитган даври эди. Композиторларнинг ижодий ютуқлари ва яратилган асарларини амалиётга тадбиқ этиш каби шарафли ишларни бажариш устознинг доимий машғулотларига айланган эди. Чунки бундай замонасининг энг илғор ижодкорлари билан биргаликда ҳамкорлик қилиш доимо илмий изланишларда янгидан-янги саҳифаларни

очар эди. Айниқса мусикашунос олимлар учун ижод манбаи сифатида хизмат қилиши бегумондир. Аҳмад Ҳамидовичнинг ҳам ижодий фаолиятдан улкан ўрин олган илмий ижодий йўналиши шаклланишига асос сифатида хизмат қилади.

Бу жараённинг энг муҳим тармоғи янги яратилган асарларни оммавий ахборот воситаларидаги тарғиботидир. Бу борада Аҳмад Ҳамидович ушбу даврлар мусиқа санъати ривожига ҳамда ютуқларини мунтазам тарзда ўзининг илмий мақолалари орқали Республика ва Халқаро миқёсдаги илмий журналлар, илмий тўпламларда ёритиб боради. Жумладан: “Узбекская музыкальная драма”, “Некоторые проблемы узбекской музыкальной драмы”, “Узбекский дастан”, “Узбекская Музыкальная драма и комедия”, “Бастакорлар тортиғи”, “Буюк учталиқ”, “Бахтли замон қўшиқлари”, “Илоҳий оҳанглар султони” каби илмий мақолалари ўқувчиларга тақдим этилади.

Аҳмад Ҳамидовичнинг мусикашунос олим сифатида олиб борган илмий-тадқиқот фаолияти жуда самарали десам адашмайман. Чунки, деярли 60 йил давомида мусиқа соҳасида тарғибот, бошқариш ва педагогик ишларни олиб борган олимда албатта жуда катта маълумотлар базаси шаклланиши муқаррар. Унинг устига ҳар бир воқеликнинг бошида ўзи турса, ўзининг гоёлари билан ташкил этилса ва амалиёт жараёнлари ўзи билан кечса. Пировардида унинг олимлик ижоди бутун ҳаёти давомида жаъмлаган билимининг самараси сифатида юзага келиши муқаррардир. Унинг ижодий фаолияти мусикашунослик соҳасини тарихий маълумотлар базаси билан тўлдирди. Хусусан ўзбек мусикаси тарихи, мусиқа таълими, композиторлик, ижрочилик ва мусиқа тарғиботи масалаларига бағишланган ўзбек ва рус тилларида бир қатор, монографиялар, тадқиқот ва ўқув қўлланмалар яратишга муяссар бўлди. Домланинг замонамиз етук композиторлари ижодий фаолиятларига бағишланган монографиялари, мусиқа санъатининг мавжуд жанрларида яратилган асарларнинг таҳлилий баёнлари,

буларнинг барчаси мусиқа санъати тарихи, ижодиёти, амалиёти ва намояндалари ҳақидаги маълумотларни жамлаган ўзига хос манбалар мажмуидир. Яъни, Аҳмад Ҳамидовичнинг куйидаги китобларидан асосли, равон ва гўзал талқинда баён этилган:

- “Манас Левиев”, Монография, Т., “Ғ.Ғулом”, 1986 й.;
- “Композиторы и музыковеды Узбекистана” Т.Е.Соломонова билан ҳамкорликда ёзилган, Т., “Ғ.Ғулом”, 1975 й.;
- “Узбекская музыкальная драма и комедия”, М., 1981 г.;
- “Ўзбекистон Бастакорлари ва мусикашунослари”, Т., “Янги аср авлоди”, 2004; қайта нашр – Т., “Мусиқа”, 2018 й.;
- “Мусикали драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида”. Т., “Ғ.Ғулом”, 2000 й.);
- “Композитор Шоҳида Шоймардонова”, Т., 2008 й.;
- “Композитор, дирижер Мардон Насимов”, Т., “NOSHIR”, 2010 й.;
- “Композитор Фағтоҳ Назаров”, Т., “Ғафур Ғулом” 2018 й.;
- “Композитор Ҳамид Раҳимов”, Т., “Baktria press,” 2018 й.;
- “Ўзбек мусиқа тарихи”, дарслик, 2 - жилд. Т., 2018 й.

Аҳмад Ҳамидович ижодининг сўнгги йилларида мусиқа санъатининг олий даргоҳлари, ўрта тизим ўқувчи ва талабалари учун махсус ўқув қўлланмалар ва монографик қўлланмалар яратишга муваффақ бўладилар. Улар XX асрда ўзбек мусиқа санъатининг тарихий ривожланиш даврларига асосланган маълумотлар мажмуи, мусиқа ижодиёти баён этилган бир қатор қўлёмалардир. Хусусан Ўзбек мусиқа санъатининг ўтмиш ва замонавий ривожланиш жараёни билан боғлиқ ўзбек операси, эстрада мусиқаси, балет санъати, ўзбек камер мусиқаси, хор санъати, ўзбек композиторлари томонидан яратилган симфоник асарларнинг шаклланишидан бошлаб яратилган етук асарларгача ривожланиш йўлларига бағишланган монографик қўлланмалардир.

Домланинг ушбу яратган асарлари аввало мусиқа таълими учун зарур манбалар бўлса, халқ мусиқа санъатимизнинг тарихий ривожланиш йўлини баёнидир.

Устозимиз Аҳмаджон Жабборов билан раҳбарлигимнинг илк кунларида узоқ суҳбат қурганмиз. Устоз кекса бўлсада, ёшлик чоғларидан бошлаб босиб ўтган ҳаёт йўллари ва бундай даражага етишган кунларини айтиб ўтдилар. Мен шунда билдимки, устоз ўта илмли, кўп ўқиган, кўпни кўрган ва ўзи эгаллаган касбининг ҳақиқий устаси бўлган зиёли инсон эканлар.

Қаерда ишламасин, ўз ишига садоқат билан ёндошган, йиллар давомида жуда кўплаб шогирдларни ўқитган, тайёрлаган, илмий ишларига раҳбарлик қилган, йўл кўрсатган, мусиқа адабиёти ва санъат соҳасига бағишлаб ўндан ортиқ монография, дарслик ва ўқув қўлланмалар ёзган. Устозимиз ҳар гал Наманганга ташрифи чоғида ўқув юртимизга ташриф буюрар эдилар. Ўқитувчи ва ўқувчилар билан қизгин суҳбатлар, махорат дарслари ўтардилар ва ўзларининг янги ёзган китобларидан ўқувчиларимизга совға қилиб кетардилар.

2015 йил вилоятимизнинг А.Навоий театрида шу ўқув даргоҳимизнинг 80 йиллигини нишонладик. Республикамининг барча вилоятларидан, Маданият вазирлигимиздан жуда кўплаб меҳмонлар ташриф буюришди. Ўша вақтдаги Наманган вилояти ҳокими Юсупов Баходир Турсунович ҳам иштирок этдилар ва устозимиз ҳам ёшлари кексайиб қолганларига қарамасдан Тошкент шаҳридан етиб келиб, бизларни жуда ҳам қувонтирдилар. Албатта табрик сўзларида ўқув юртимизнинг шаънига ўзларининг илиқ сўзларини изҳор қилдилар.

Устознинг қачон, қаерда кўрсам, ҳамини бир хилда самимий, беғубор, ҳаётдан миннатдор, жуда ҳам юмшоқ сўз, нозик табиатли инсонни кўрардим, улар билан бўлган ҳар бир суҳбат албатта уч жараённинг ривожини билан боғланарди. Биринчидан ёшлар таълими, иккинчидан илм ўрганишининг ҳар

томонлама инсон учун нечоғлик аҳамиятли эканлиги, учинчидан ватанни севиш, бундай имкониятларни қўлдан бермасдан катта марраларни эгаллаш зарурлиги хусусида гапириб кўп ҳаётий мисоллар билан ёшларимизга умид учқанларини ҳадья этардилар.

Мана бугун гарчи устоз ҳаётдан ўтиб кетган бўлсалар ҳам, уларнинг ёзиб қолдирган китоблари, ўнлаган илмий мақолалари, қўлланмалари бизнинг кутубхонамизда, шунингдек Республиканинг барча санъат ва маданият йўналишидаги ўқув юртларида ёшларимизнинг билим олишлари учун дастури амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Аҳмад Ҳамидовични Ўзбекистон санъат намояндалари, ўзининг ҳаётида жуда кўп мақолалар ёзган, деярли ярим асрдан кўп даврда ўзбек санъатининг ривожини йўлида ташкил этилган халқаро конгресс, симпозиум, илмий анжуманлар ва фестивалларда ўз нутқи ва ташкилотчилиги билан иштирок этган забардаст санъат арбоби сифатида биладилар ва доимо эъзозлаб келадилар. Зеро, бу улуг қалб эгаси, камтарин инсон, ҳаммамиз учун ҳурматли бўлган устоз ўзидан кейинги авлодлар учун муносиб илмий мерос қолдиришга муваффақ бўлдилар. Уларнинг самарали меҳнатлари доимо давлатимиз томонидан эъзозланиб, эътироф этиб келинган. 1990 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони, 1995 йили «Жасорат» медали ва 1999 йили «Эл-юрт ҳурмати» ордени, Белорусия ва Ўзбекистон ҳукуматларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Педагогик йўналишларида эса 1983 йили доцент ва 1994 йили профессор илмий унвонларига сазовор бўлган.

Сермазмун, машаққатли, лекин шарафли, самарали ва сермаҳсул фаолият олиб бориб, бахтлиҳаёт кечирган Аҳмад Ҳамидович Жаббаров, 93 ёшида, 2018 йилнинг 13 ноябрида вафот этган.

МУКАРРАМА АЗИЗОВА (1912-1964)



Ўзбек аёл санъаткорлари орасида бармоқ билан санокли намоёндалар кўшиқ ижрочилигининг миллий ва академик услубини мукаммал ўзлаштириб, халқимиз орасида ҳар икки йўналишда сўнмас асарларни ижро этиб мерос қолдирган. Улар орасида Мукаррама Азизованинг номи алоҳида эътироф этиб келинади. Одатда, халқ кўшиқчилиги ёки мумтоз мусиқа санъатини мукаммал

ўрганиш ўша даврларда катта маҳорат талаб этиш билан бирга, керакли сабоқ омилларини эгаллаш каби жараёнлардан ўгишни тақозо этган. Мукаррама Азизова ўзининг истеъдоди, бетакрор овози, фидокорона фаолияти билан ўзбек театр санъатининг ривожига катта ҳисса қўшишга ва давлатимизнинг юксак мукофоти, “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонига сазовор бўлган аёл хонандаларимиздан бирларидирлар.

Мукаррама Азизова 1912 йили, Наманган шаҳрида Азиз Фозилов оиласида таваллуд топган. Ёшлигидан ўрта мактабда сабоқ олган. Санъатга бўлган иштиёк ана шу мактаб давридан бошланган. Мактаб даври сабоқларида, Рафиқ Мўминов раҳбарлик қилган мусиқа тўгарагига қатнашиб, кўшиқ ижро этишни ўрганган. Тез орада ўзини намоён этиб, ўртоқлари орасида ноёб истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади. У етти йиллик мактабни битиргандан сўнг, ўқитувчилар тайёрлаш курсида таълим олади ва бошланғич синфларга дарс бера бошлайди. Муаллималик билан бир қаторда сеvimли касби кўшиқ айтиш билан мунтазам шуғулланиб боради. Халқ кўшиқлари ва айниқса мумтоз ашулаларни ўрганишга иштиёки

баланд эди. Бу иштиёқ уни Москвадаги консерватория қошидаги ўзбек драма студиясида таълим олишга етаклайди. Ушбу даргоҳда Мукаррама опа таниқли педагоглар З.Толганов, Н.Мироновлардан мусиқа ижрочилиги билан боғлиқ барча сиру-асрорларни ўрганишга ҳаракат қилади. Бу, театр санъатининг турли қирраларини ўргатувчи даргоҳ бўлганлиги учун сахна ҳаракатларини хонандалик билан уйғун ҳолда олиб боришга катта эътибор қаратилади. Мукаррама опа ўзининг санъатдаги профессионал қадамларини Москва шаҳрида бошлайди. Аввало оммавий сахналарда чиқишлар билан ўзини сахна шароитларини ўрганиш ва росмана рол ўйнаш ва бетакрор асарлар ижро этиш сирларини ўзлаштира бошлайди. Бу албатта ёш актрисага ўзини англаш ва актриса сифатида шаклланишида катта рол ўйнайди.

Москвадаги ўқиш жараёни якунига етгандан сўнгра ўз Ватанига қайтади. Аввалига у Андижон театрида ишлай бошлайди. Сал ўтмай Наманган шаҳрининг марказида мусикали драма театри куриб битказилгандан сўнг, 1931 йилдан бошлаб она шаҳри наманганда А.Навоий номидаги вилоят мусикали драма ва комедия театрида иш фаолиятини давом эттиради. Бу даргоҳ, дарҳақиқат улкан санъаткорларни тарбиялаган, буюк санъаткорлар етишиб чиққан маскан сифатида тарихда битилгандир. Мукаррама Азизова ҳам шу даврда устоз санъаткорлар Раззоқ Ҳамраев ва Уста Рўзиматхон Исабоевлар билан бирга фаолият олиб борадилар.

Ўтган асрнинг 30-йиллари ўзбек мусиқа маданиятида шаклланиш даври эди. Айниқса янги мусиқий жанрларни кириб келиши, мусиқа санъатига янгича қарашлар, ижрочилик амалиётида ҳам янги замонавий изналишларни келиб чиқишига сабаб бўлган. Бунинг илк қадамлари албатта театр санъати билан боғлиқдир. Мукаррама Азизова ана шу жараённинг бошланиш даврида яратилган «Нурхон», «Фарход ва Ширин», «Гулсара» каби спектаклларининг илк ижрочиси сифатида

қатнашади. Бу спектакллар кейинчалик мусиқали драма ва операларга айланиб, шу давр ўзбек мусиқа санъатининг энг ёрқин асарлари сифатида тарих саҳифаларига битилгандир.

Мукаррама Азизова «Нурхон» (Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий) да бош қахрамон Нурхонни, «Гулсара» (К.Яшин Т.Содиқов Р.Глиэр)да Гулсарани, «Фарход ва Ширин» (Хуршид В.Успенский, Г.Мушел)да Ширин образларини яратади ва меёрига етказиб ижро этади. Бу Мукаррама опанинг илк роллари бўлса, кейинчалик асосий фаолият сифатида ўз маромида давом этади. Хусусан, ижодининг энг сара саҳифалари сифатида ва бетакрор образлари намуналари сифатида «Алпомиш»да Барчин, «Фарход ва Ширин»да Ширин, «Лайли ва Мажнун»да Лайли, «Тоҳир ва Зухра»да Зухра каби қахрамонлар образларини маромига етказиб ижро этганлигини мамнуният билан келтиришимиз мумкин.

Мукаррама Азизова дарҳақиқат, ўз даврининг бетакрор хонандаси эди. Унинг жарангдор овози мусиқа тилида драматик сопрано деб номланадиган овоз турида ва юмшоқ тембрли, кенг диапазонга эгаллиги билан ажралиб туради. Шў боис бўлса керак Мукаррама Азизованинг овози ўз даврида ноёб ва ўта жарангдорлиги билан халқимизни эътиборини эгаллаган эди.

Мукаррама Азизованинг ҳаёт ва ижодини ўрганиб тарихга муҳрлаган Комила Бўриева ўзининг "Анъанавий хонандалик" деб номланган мақоласида қуйидагича таърифлайди. - "Мукаррамахоннинг репертуари, унинг драматик роллари сингари, ниҳоятда бой ва хилма-хил бўлиб, бунда ўзбек халқ кўшиқ ва ашулалари, бастакорларнинг асарлари, кирғиз, уйгур ва тожик халқ кўшиқлари ва макомлардан парчалар бор эди. Шулардан: "Дўмбоғим", "Алла", "Диёрим", "Дуторим", "Пахтакор йигит", "Бўстон этиб кет", "Ҳануз", "Келдим", "Кўнгил берма", "Догман", "Насиҳат", "Ҳорманг", "Кўргим келур" классик ашулалардан: "Ироқ", "Чоргоҳ", "Сегоҳ", "Ушшоқ" ва бошқаларни хонанда шавқ-завқ билан ижро этарди. Мукаррама

Азизова ижро этган “Дўмбоғим”, “Алла” ва “Дуторим” лирик кўшиқлари ўзбек мусиқа шинавандаларида, айниқса, катта таассурот қолдирган ва улар қалбига чуқур сингиб кетган”¹⁰ деб халқ мусиқа намуналарини моҳирона ижро этганликларига ишора қилади.

Мукаррама Азизованинг овоз имкониятлари, бетакрор тембри ва ўзбекона оҳанглари гўзал талқин этишлари нафақат ўз даври, балки кейинги авлодлар учун намуна сифатида хизмат қилиб келади. Бунинг сири шундаки, Мукаррама опа Овропача овоз талқинини Москва консерваториясининг устозларидан ўрганган, ўзбекона оҳанглари эса унинг қонида мавжуд. Ёшлигидан бу оҳангларида ижро этиб, ўзбек халқ кўшиқларини нолаларини, оҳанглари дилдан куйлаб, қалбига жойлаган. Шу боис, айна устозлик даражасига етганда ўзбек мумтоз мусиқа намуналарига ва энг муҳими ўзбек мақом намуналарини ижросига катта эътибор қаратади. Мукаррама опа “Қори соч”, “Ҳануз”, “Доғман”, “Кўргим келур” каби ўзбек мумтоз йўлларига мансуб ашулаларни маромига етказиб ижро этади.

Мумтоз мусиқанинг Фарғона-Тошкент мақом йўллари Мукаррама опанинг театр спектаклларида ўрин олган намуналари кўп бўлган. Чунки, 30 йилларда ижод этилган мусиқали драмаларнинг барчасининг мусиқалари айнан мумтоз, яъни Фарғона-Тошкент мақом туркумларидан олингандир. Шу боис Мукаррама опа хонандалик фаолиятини мақом намуналари билан бойитиб “Ушшоқ”, “Дугоҳ Ҳусайний”, “Чоргоҳлар”, “Баётлар”, “Сегоҳ” ва “Ироқ” каби намуналарни маромига етказиб ижро этади. Бу асарларнинг айрим намуналари Ўзбекистон радиосининг олтин фондига ёзилган бўлиб, ҳозиргача радио тўлкинлари орқали янграб, халқимизга тақдим этилиб келинмоқда.

¹⁰ Комила Бўриева. “Мукаррама Азизова” // “Анъанавий хонандалик”. Т., 2007 й.

Мен Мукаррама Азизовани ёшлигимда радиода “Дуторим” кўшигини жуда катта маҳорот билан ижро этганликларини тинглаб таниганман. Шу “Дуторим”, “Алла”, “Ҳануз” каби кўшиқларини жуда кўп замон қизлари куйлашарди. Уларни каторида мен ҳам куйлаб юрардим. Кейинроқ шу соҳага ўқиб, маълумотли бўлганимда мен бир нарсага амин бўлдимки, Мукаррама Азизова ўта ноёб ва бетакрор, жарангдор овоз соҳибаси эканлигини тушуниб етдим.

Мукаррама Азизованинг кўшиқларини қанча тингласак ҳам яна тинглагимиз келавради.

Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Азизова ўзидан ўлмас кўшиқларни халқимизга қолдириб кетди. Ҳозиргача унинг санъатидан халқимиз баҳраманд бўлиб келмоқда.

Мукаррама Азизованинг хизматлари ва мусиқа маданиятининг ривожига қўшган хиссалари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб 1955 йили “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвонига лояқат топилган.

Мукаррама Азизова ижодининг камолотга етган палласида, 1964 йили, 52 ёшида Наманган шаҳрида вафот этган.

ҲАЛИМЖОН ЖЎРАЕВ (1938 – 2004)



“Ўзбекистон Республикада хизмат кўрсатган артист” Ҳалимжон Жўраев 1938 йили Наманган вилояти, Чуст тумани, Варзик қишлоғида, оддий дехқон оиласида таваллуд топган. 5 ёшида онаси вафот этади. Оиладаги қийинчиликларга қарамай санъатга бўлган иштиёқмандлик доимо уни шу соҳага бўлган интилишларига куч берар. Ёш Ҳалимжон мактабни томонлагач 1954 йил Тошкентдаги Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги мусика билим юртига ўқишга киради.

Билим юртида у, ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимига, най ихтисоси бўйича мусиқа ижрочилик сирларини ўзлаштиради. Бу даргоҳда устозлари Ўзбекистон халқ артисти Аюб Қодиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, профессор Мирза Тоиров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Аҳмаджон Одиловлардан сабоқ олади.

1956 йилнинг баҳорида Ҳалимжон Жўраевга қутлуғ келди. Шу йили Москвада бўлиб ўтган VI жаҳон ёшлари фестивалига тайёргарлик кўра бошлайди. Саралаш кўрикларидан мувоффақиятли ўтиб, фестивал қатнашчисига айланади. Машхур раққоса Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева Ҳалимжондаги иқтидорни ҳис этиб уни раҳбарлик қилаётган “Баҳор” ашула ва рақс ансамблига таклиф қилади ва бир неча йиллар давомида ушбу жамоа билан биргаликда ижрочилик фаолиятини олиб боради. Ҳалимжон Жўраев ушбу ансамбл билан жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида концерт-гострол сафарларида бўлади. Ансамблдаги

фаолияти Ҳалимжон учун катта мактаб вазифасини ўтайди. Натижада етук найчи сифатида довруқ қозонди.

Ҳалимжон Жўраевнинг санъатда ўз ўрни топишида Дони Зокиров, Сайиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов каби устоз бастакорларнинг хизматлари катта бўлди. Кейинчалик уни ўзи ҳам бастакор сифатида қатор халқчил куй ва ашулалар яратишга ҳисса қўшади. Қарийб қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида юздан ошиқ ашула, куй, яллалар ва ўзбек халқ чолғулари оркестри ижроси учун қатор асарлар басталайди. Улар орасида “Саодат баҳори”, “Сен йироқда”, “Ўзбекистон ипак йўллари”, “Интизор эмасман”, “Ўртар”, “Най навоси”, “Бир қиё бокқан билан”, “Замонамни куйлайман”, “Бегим сизга”, “Иқболим баланд” кўшиқлар, шунингдек, рубоб учун лирик куйлар, кўшнаё учун пьесса оркестр учун рапсодия ва поэмалар яратишга муяссар бўлади.

Ҳалимжон Жўраев бастакорлик ва созандалик санъати билан бирга унинг кўшиқ ижрочилик маҳорати ҳақида ҳам гапиришга тўғри келади. Унинг ижро репертуарида “Гилос”, “Хоҳ инон, хоҳ инонма”, “Кўзи хуморим келадур”, “Боғларим”, “Кўркам ясанибдур”, “Гул юзингга”, “Кулар бўлсанг”, “Меҳмон эмас” каби кўшиқлар кенг ўрин олган. Ҳалимжон Жўраевнинг санъатдаги муваффақиятлари давлат томонидан муносиб тақдирланган. Унга 1989 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони берилган.

Ҳалимжон Жўраев ўз ҳаёти ва фаолиятининг охириги даврини талабаларга сабоқ бериш билан ўтказди. 1990 йилдан то умрининг охиригача Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида талабаларга мусиқа сирларидан сабоқ беради. Ўқувчиларнинг хурматли устозларига айланган. Мураббийлик даврида талабалар учун “Най навоси”, “Ёш найчи”, “Ўртар” каби ўқув кўлланмаларини нашр этишга эришади.

ҲАБИБА ОХУНОВА (1943-1994)



Ўзбек кўшиқчилик санъатида донг таратган санъаткорлар кўп. Уларнинг ҳар бири алоҳида таҳсинларга лойиқдир. Сабабки, аёл санъаткорларимизнинг ҳар бирлари бетакрор овозларига, бир-бирларига солиштириб бўлмайдиган гўзал хонишларига ва энг муҳими ўзбек аёлининг ўзига хос файзли талқинларига эгадирлар. Тамарахоним, Ҳалимахоним, Саодатхоним, Бертахоним, Коммунахоним....

буларнинг номларини яна давом эттириш мумкин. Чунки, уларнинг овозларини ўзидан ким эканликларини аниқлаб олиш қийин эмас. Ана шундай устоз санъаткорларнинг йўлидан бориб, ўзининг худодод овози билан халқимизни қалбидан жой ола олган санъаткорлардан бири, Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охуновадир.

Халқ ижрочилик санъатида ўзининг бетакрор овози билан, ижро услубини ярата олган санъаткор, ўзбек санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшиб бир қатор кўшиқларни мерос қилиб қолдирган хонанда, моҳир актриса Ҳабиба Охунова 1943 йилнинг 10 январиди, Андижон вилоятининг Асака шаҳрида таваллуд топган. Ҳабиба Охунова ёшлик чоғларидан кўшиқ айтишга меҳр қўйган, хонандалик санъатига ишқи тушиб сабоқ олаётган ўрта мактабининг мусиқа тўғарақларига қатнашади. Кўшиқ айтиш йўлларини ўрганади, мактабда ўтказиладиган турли тadbирларда фаол ўқувчилар каби қатнашади.

Ҳабиба ёш бўлишига қарамай ўзининг ўзига хос овози билан ажралиб турарди. Бу эса таълим бераётган устозлари-

нинг назарига тушишига сабаб эди. Дарҳақиқат, унинг овозида бошқача бир тус бор эди. Бу тус тингловчини бефарқ қолдирмас, уни тинглаган ҳар бир шинаванда яна тинглагиси келарди. Шу боис бўлса керак, бадий ҳаваскорлик тўғарагига қатнашиб қўшиқ айтиб юрган кезларининг ўзидаёқ уни Асака шаҳаридаги Халқ театрида ишлашга таклиф этишади.

Одатда, ўта истеъдодли инсонлар ҳар томонлама ўз характерлари ва мусиқага муносабатлари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Ҳабиба Охунова ҳам ҳаётда табиатан камтар, соддадил, меҳрибон, мусиқага ўта меҳр кўйган фидоий инсон бўлганлар. Қўшиқ куйлаш у инсон учун қалбини шунга бағишлаш билан тенг ҳолатда хониш қилганлар. Бундай хонанда албатта устоз санъаткорлар назаридан четда қолмайди. Ҳабиба Охунова билан ҳам худди шундай воқеа юз беради. Замонасининг донгдор санъат намояндаларидан бири, устоз санъаткор Аббос Бакиров кўрик-танловларнинг бирида ёш истеъдодли Ҳабиба Охунованинг ижросини тинглаб қолади ва эътиборига тушади. Устоз санъаткор бундай истеъдодлар албатта ўз касбининг усталари даврасида бўлиши, доимий равишда устозларнинг назоратида бўлишлигини уқтириб. Ҳабиба Охуновани Андижон мусиқали драма театрида ишлашга таклиф этади. Бу таклиф ёш истеъдодни кўнглидаги истакни топгандек. Энди у Андижон театрида, халқимизнинг ардоғида бўлган санъаткорлар билан бирга ишлаб малакасини оширади, устозларнинг сабоғини олиш имкониятига эга бўлади.

Андижон театри бу катта даргоҳ. Бу даргоҳда Аббос Бакиров, Муқимжон Ҳабибов, Ҳадича Аминова, Ойсар Иброҳимов, Машрабжон Юнусов каби халқимиз ардоқлаган устоз санъаткорлар фаолият олиб борардилар. Уларнинг ҳар бирлари ўз ижроларига ва саҳнадаги ўзларининг талқинларига эга бўлган театр санъаткорлари эдилар. Ҳабиба Охунова улардан албатта театр санъатининг энг нозик сирларини ўргангани, улар каби ҳар бир асарнинг қаҳрамонини ўйнаётган пайтда

асар қаҳрамонлари ҳаёти билан нафас олишни ва образларини очиб бериш сирларини ўрганади. Андижон театрида у “Зарафшон қизи” спектаклида Кумуш образини, “Ватан ишқи” спектаклида Зулфи, “Тошболта ошиқ” спектаклида Каромат, “Нодира” спектаклида Ойпарча, “Равшан ва Зулҳумор” спектаклида Зулҳумор каби қаҳрамонлар образларини яратади ўзининг тажрибасини ортттиради. Энг муҳими томошабинларнинг меҳрини қозонади. Шу тариқа у 1959 йилдан 1963 йилгача Андижонда театрнинг машҳур санъаткорлари ва кадрдон жамоаси билан бирга фаолият олиб боради. Театрда рол ўйнаш билан бирга ўзининг овозига мос ва ўзига хос ижролари билан халқ мусиқа намуналаридан “Тановор”, “Бизнинг айвон”, “Шаҳлоларинг”, “Феруз” каби кўшиқларни ижро этиб мухлислар олқишига сазовор бўлади.

1963 йили Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театрининг устозлари Ўзбекистон халқ артисти Маматхон Убайдуллаев ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Онахон Тожибоеваларнинг таклифи билан Ҳабиба Охунова, Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театрига таклиф этилади. Бу таклифни у қувонч билан қабул қилди. Ва шу йили Ҳабиба Охунова Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрига ишга келади ва умрининг охиригача шу даргоҳда бетакрор образларни яратиб, янгидан янги кўшиқларни ижро этиб, халқ санъаткорига мувофиқ, муносиб фаолият олиб боради.

Ушбу жамоа дарҳақиқат Ҳабиба Охунова учун ўзгачароқ муносабати билан ишқига тушади. Жамоа билан ҳар қандай спектаклни маромига етказиб ижро этишни ўрганади. Театрнинг ҳар бир устоз-санъаткори унинг учун дўст ва устоз эди. Айниқса Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, таниқли бастакор Каримжон Мансуров билан доимо ижодий ҳамкорликда бўлди. Устознинг тарбиясини олиб бир қатор асарларини ижро этишга муяссар бўлади.

Ҳабиба Охунова ўзига хос санъаткор эди. У спектаклни шунчаки сахнада кўшиқ айтиш ёки уни акс эттириш эмас, балки вужуди билан ижро этарди. Гўёки сахна унинг учун яратилгандек. Бутун жон ва жисми билан ўйнар эди. Бу албатта Ҳабиба Охунованинг санъатга бўлган фидойилигининг самараси эди. У театрда жуда кўп спектаклларда бош ролларни ижро этди. Жумладан: Дадаали Соаткуловнинг «Зарафшон кизи» спектаклида – Кумуш; Толибжон Содиковнинг «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмасида – Лайли; Тўхтасин Жалиловнинг «Нурхон» спектаклида – Нурхон; «Алпомишда» – Барчин; Азиз Турсуннинг “Машраб” спектаклида Гулрух; Шукур Саъдулланинг “Ёрилтош” спектаклида Гулнор; Ўткир Рашиднинг “Фарзанд деб” номли спектаклида Меҳри каби бош қаҳрамонлар сиймоларини маромига етказиб ижро этиб, халқимиз назарига тушади. Айниқса, Нурхон образини Ҳабиба Охуновачалик ўта эҳтиросли ижро этган санъаткорлар саноклидир. Дарҳақиқат, Ҳабиба Охунова “Нурхон” спектаклида Нурхон образини ўзгача ёндошишлар билан ижро этган. Нурхон образи унинг учун энг севимли образларидан бири бўлган.

Ҳабиба Охунова театр сахнасида қандай рол ўйнамасин, қайси халқнинг миллий асари бўлмасин, албатта уни меёрига етказиб ижро этишга ҳаракат қилган. Тамошобинларнинг эътирофи ҳам, унинг ҳар бир образни мукамал талқин қилишида эканлиги билан изоҳланган. Бу борада Ҳабиба Охунова бир қатор чет эл драматургларининг асарларини муносиб ижро этиб халқ эътиборини қозонади. Хусусан, ўзининг мақоласида куйидагиларни ёзиб қолдиради. –“Масалан: Шекспирнинг “Ҳамлет” спектаклида Офелия, “Отелло” спектаклида Дездемона; Шиллернинг “Қароқчилар” асарида Амалия; В.Канделакининг “Вақт 24 соат” драмасида Дино Васнадзе;

Сергей Михалковнинг “Тарсаки” спектаклида Таня каби кўплаб ролларни маромига етказиб ижро этади”¹¹.

Ҳар бир яратган образи театрнинг янги зафари эди. Ҳар бир образ унинг учун забт этиш зарур бўлган санъат асари бўлган. Шунинг учун унинг ижролари ҳақиқий фидойлик билан талқин этилиб ўз шинавандасининг қалбини эгаллаган. Айниқса, бу жараёни биз халқ кўшиқчилиги санъатида олиб борган ижодий фаолиятида кўришимиз мумкин.

Бу борада Ҳабиба Охунова халқимизнинг атоқли бастакорлари асарларини маромига етказиб ижро этганлигини ўзи фикримизни далилидир. Ўзининг ижро дастурида Ҳабиба Охунова кўпроқ устоз санъаткорлар, халқимизнинг таниқли бастакорлари Фахриддин Содиков, Каримжон Мансуров, Эркин Холмирзаевларнинг асарларига кўпроқ мурожаат этган. Айниқса бастакор ва моҳир созанда Каримжон Мансуров билан доимий мулоқотда ва ижодий ҳамкорликда бўлишга муяссар бўлган. Ҳабиба Охунова ижросидаги М.Қориев шеърига К.Мансуров куй басталаган “Алла” кўшиғи шунинг бир мевасидир. Ушбу асар хонанда ижросида ҳар қандай тингловчи қалбини жунбўшга келтириши муқаррардир.

Ҳабиба Охунованинг кўшиқ ижрочилигида ўзининг бетакрор ижро услуби шаклланган. Айнан мана шу жиҳат ушбу санъаткорнинг талқинидаги барча асарларни умрбоқийлигини таъминлаб беради. Хонанда ҳар бир асарни жонли жараёнини жуда гўзал оҳанглар билан тараннум этади ва халқимизга албатта манзур бўладиган даражага етгандан сўнггина ижро этиб халқнинг олқишига сазовор бўлади. Ана шундай халқимиз дилидан жой олган кўшиқлардан Саида Зуннунова шеъри билан “Барно йигит”, Салоҳ Қориев шеърига “Найнинг навоси”, Акмал Пўлат шеъри билан “Наманган”, “Она юртим”, «Кўрмаган бўлсам сени», Ҳ.Азимийнинг “Кўнгил”,

¹¹ “Ҳабиба Охунова” мақоласи. Т., 2007.

Д.Файзийнинг “Сабо билан”, С.Ҳасанованинг “Ошнолигинг”, “Одоб билан” каби кўшиқларидир.

Дарҳақиқат, бу асарларни ҳар бирини тинглаганингизда хонандасини эсламасликни иложи йўқ. Айниқса “Алла”, “Сабо билан”, “Барно йигит”, “Кўнгил” каби кўшиқларни тинглаган ҳар бир инсоннинг кўз ўнгида беихтиёр Ҳабиба Охунова сиймоси гавдаланиши муқаррар. “Алла” эса, Ҳабиба Охуновадан бизнинг халқимизга, айниқса хонандаларимизга улкан ёдгорлик бўлиб қолди. Бунинг сабаби Ҳабиба Охунованинг бетакрор овоз таровати, мунги, таровати ва бетакрор жилваларидир. Алла айтмоқчи бўлган ҳар бир она учун ибратдек улуғ асар бўлиб қолди.

Ҳабиба Охунова овоз таровати бизнинг халқимизнинг кулоғига сингиб бўлди ва ижрочилар учун учун ҳам жуда кадрли. Унинг ўзига хос сирли садосининг сеҳри ўзгача, мунгли таровати ва ёқимли овози ўзининг мафтункорлиги билан кадрлидир. Шу боис бўлса керак, бундай овозда ва улкан қалб билан куйланган кўшиқ, ҳар қандай тингловчини ҳам ўзига ром эта олади. Унинг буюклиги ҳам шунда десак адашмаган бўламиз. Бу худодод овоз ўз эгасини топган ва Ҳабиба Охунова талқинида халқимизга талқин этилиб келинган. Ҳабиба Охунованинг ижроларидаги «Ўзинг», «Кўрмаган бўлсам», «Одоб билан», «Муҳаббат», «Сабо билан», «Ошноларинг», «Кўркам Ватан», «Барно йигит», «Най навоси», «Кўнгил», «Алла», «Наманган» каби кўшиқлар умрбоқийликка юз тутган ва ҳозиргача ҳамда бундан кейин ҳам Ҳабиба Охунованинг ижро услуби ёшлар ва келажак учун эталон бўлиб қолади.

Мен Ҳабиба Охуновани ёшлигимда телевидения орқали кўрганман. Тошкентда катта курилтойда концерт бўлаётган эди. Ҳабиба Охунова оқ рангли чиройли шифон куйлақда “Най навоси” кўшиғини куйлаган. Кўшиқ тугади. Қарсақлар ҳеч тўхтамади. Кейинги номерда бир раққоса чиқиб рақс ижро эта

бошлади. Шунда ҳам қарсақлар тўхтамади. Раққоса хафа бўлиб сахнадан чиқиб кетди. Лекин одамлар ҳали ҳам қарсақ чаларди. Яна сахнага Ҳабиба Охунова чиқиб кўшиқни яна бир бор ижро этиб берди.

Шунда мени ўйлашимча Ҳабиба Охунова учун сахналар эшиги очилди. Кейинчалик мен Ҳабиба Охунова билан бир неча маротаба кўришганман, суҳбатлашганмиз, бир кўрганимда опанинг жуда кайфияти йўқ эди. Озгина беморлигидан гапириб ўтдилар.

Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунова ўзининг бетакрор соҳир нафас овози билан нафақат Ўзбекистонни, балки Марказий Осиёни ларзага солган. Менга айтиб беришларича Тожикистонда Ўзбекистон Маданият кунлари бўлганда Ҳабибахоним сахнага чиққанда бирданига 13 та жонли ижрода кўшиқ ижро этган экан. Тжикистон халқи ўрнидан туриб қарсақлар чалган экан. Ана санъат, ана ҳақиқий санъат. Биз баъзан дунёдаги номи чиққан санъаткорларни мақтаймиз, эътироф этамиз. Лекин бизнинг халқимизнинг орасидан чиққан шундай истеъдодларнинг, керак бўлса йигирматалаб кўшиқларни жонли ижро этадиган, агар ўн кунлаб концерт бўлса, ўн кун ҳам жонли ижрода кўшиқ айтадиган забардаст санъаткорларимиз ҳеч кимдан кам эмас. Ҳабиба Охуновани мен том маънодаги буюк хонанда, бетакрор санъаткор деб биламан. У инсон халқимизнинг қалбида абадий яшайди. Гўзал, дилтортар, қалбларимизни уммонга айлантирадиган кўшиқларини эса ёшларимиз ҳамиша ўрганади. Ва у авлоддан-авлодга ўтиб кетаверади.

Ҳабиба Охунова давлатимизнинг ҳар қандай шодиёна кунлари, байрам ва тантаналарини ўзининг бетакрор жарангдор овози ва сеҳрли кўшиқлари билан безаб келган. Унинг бу хизматлари ҳукуватимиз томонидан доимо муносиб эътироф этиб келинган. 1974 йили эса “Ўзбекистон халқ аргисти” фахрий унвонига сазовор бўлган.

Ҳабиба Охунова юқорида келтирган устоз санъаткорларимизнинг хонандалик анъаналарини давом эттиришда ўз услубини яратишга эришди. Даврлар кўрсатдики, бу услуб ҳозирда ижро мактаби сифатида барқарор анъаналар каби ўзининг шарафли жонли амалиётини давом эттириб келмоқда. Бу билан Ҳабиба Охунова ўзининг қисқа умри давомида мусиқа ижрочилиги санъатида сўнмас из қолдирди. Эҳтиросли ва сеҳрли ижро сирлари билан тўла бўлган ёқимли ижро услубни идеал даражасида келажак авлодларга мерос қилиб қолдирди. Ҳабиба Охунова 1994 йили айна гуллаган 51 ёшида, Наманган шаҳрида вафот этган.

КАМОЛИДДИН РАҲИМОВ (1943-2015)



Ўзбекистон халқ артисти, жарангдор ва кучли овоз соҳиби, устоз ва мураббий, бастакор, ажойиб созанда-хонанда, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби Камолиддин Раҳимов халқимиз орасида шуҳрат қозонган ва ўз ижро услубини яратган устоз санъаткорларимиздан биридир.

Камолиддин Раҳимов 1943 йил 12-январда Наманган шаҳрида, Муҳаммад Иброҳим қози ўғиллари Қайимжон Раҳимов oilасида таваллуд топган. Болалик чоғларидаёқ, халқ мумтоз мусиқа намуналарини эшитиб катта бўлган ҳофизни мусиқага бўлган меҳри беқиёс эди. Бошланғич таълим сабогини у Наманган шаҳрининг ҳозирги Ал-Фарғоний номидаги ўрта мактабида олади. 4-5-синфлардан бошлаб мусиқа тўғаригига қатнашиб мусиқа саводини оширади. Чолғуларимиздан рубоб, дутор, дойра созларида ижро этиш сирларини ўргана бошлайди. Мусиқадан илк устози билимдон санъаткор Жўра Бойматов эдилар. Шу даврда бу инсон «Жўра Машшоқ» номи билан элга танилган эди. 2-3 йил Жўра Машшоқдан чолғу ижрочилигини ўрганиб, сўнгра тўғарак раҳбари моҳир созанда ва хонанда Жамолиддин Холиқов тарбиясига ўтади. Устозлар раҳномолигида зукко Камолиддин чолғу ижрочилигини тезда ўзлаштириб олади. 1957 йилдан бошлаб шаҳар маданият уйи қошидаги созандалар ансамблида ижрочилик фаолиятини бошлайди. Бу ерда устозлари Насриддин Мажидов, Ваҳобжон

Абдуллаевдан ашула йўлларида дастлабки сабогини ўрганади.

Камолиддин Раҳимов 1960 йили ўрта мактабни тугатгандан сўнг мусиқа билан жиддий шуғуллана бошлайди ва бир қатор санъат даргоҳларида устоз санъаткорлар билан бирга ишлайди. Авволо, у «Гоголь» номидаги Наманган шаҳар маданият уйи қошидаги ашула ва рақс ансамблида созанда сифатида иш бошлайди. “Ансамблда ишлаш билан бир вақтда – деб ёзади С.Бегматов ўзининг устоз санъаткор фаолиятига бағишланган монографиясида - маданият саройи қошидаги 2 йиллик мусиқа мактабида ҳам устозлардан сабоқ олади. Бу даргоҳда у назарий ва амалий билим олишга эришади. 1962-1964 йиллари эса, Тошкент маданий оқартув техникумида таълим олади. Камолиддин шу тариқа ушбу жамоа билан 12 йил самарали фаолият кўрсатган. Бу даргоҳда у оддий созандадан бошлаб, ансамблнинг бадиий раҳбари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди ва айнан шу жамоадаги фаолияти ёш Камолиддин учун мусиқа санъати хусусидаги тажриба ва билимини мусгаҳкамлаш даврини ўтади”¹².

Айнан мана шу давр Камолиддин Раҳимов ҳаётидаги унутилмас сабоқ, яъни мусиқани қалбига жойлаган давр бўлиб, созанда, хонанда сифатида шаклланади. Ижрочилик билан биргаликда бастакорлик ижодини кўрсата бошлайди ўзининг илк кўшиқларини айтиб, бастакорликда ҳам ўзини намоён эта бошлайди. Даврининг моҳир санъаткорлари Бойлада Олимовдан тор чертишни гўзал ва моҳирлик йўллариини айнан шу устоз ёрдамида ўзлаштиради. Хонандалик, ашула айтиш сирларини устоз санъаткор Ваҳобжон Абдуллаевдан, дойра ижрочилигини ва усуллар дунёсини моҳир усул устаси Тожиали Олимовдан ўрганади.

Ўз ижодида Камолиддин Раҳимов чолғу ижрочилигига, хонандаликдаги сўз талаффузи ва сҳанг талқинининг мукам-

¹²С.Бегматов, “Камолиддин Раҳимов” монография, Т., 2004 й.

маллигига катта эътибор қаратади. Созандаликни мукаммал эгаллаб хонандалик сирларини ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Бу борада замонасининг устоз хонандалари анъанасини ўзига ўрнак деб билади. Махтумқули, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Машраб, Муқимий, Чархий, Чустий каби мумтоз адабиётимиз намоянларининг ижодий меросини кунт билан ўрганади. Энг қизиғи шундаки, Камолиддин Раҳимов хонандалик сирларини англаб олишда устозлар анъанасига асосланади ва ўз даврининг энг кўзга кўринган ва билимдон хонандалари Жўраҳон Султонов, Ҳожихон Балтаев, Комилжон Отаниёзов, Расулқори Мамадалиев, Маъруфхўжа Баҳодиров кабилар билан ижодий мулоқотда бўлиб, уларнинг бетакрор сабоқларини олади. Натижада, Камолиддин Раҳимовнинг устозлар ижро йўлига хос хусусиятлари билан суғорилган ўз ижро йўли шаклланади. Буни созандаликда, хонандаликда ва бастакорлигида кўришимиз мумкин эди. У мумтоз намуналарни меёрига етказиб ижро этиш билан бирга, бир қатор янги асарларини яратиб ижро этади. «Ўзинг айт», «Оҳиста жон дединг», «Унутмасман сени ҳаргиз», «Қошига ўсма кўйиб», «Менга раҳм айла», «Севганинг ростми» каби кўшиқлар шулар жумласидандир.

1972 йили Камолиддин акани Алишер Навоий номли Наманган вилояти мусиқали драма театрига ишга таклиф этишади. Бу даргоҳ улар учун ҳақиқий ижод маскани сифатида хизмат қилади. Ўз ижрочилик фаолиятидаги энг сара ижро намуналари айнан мана шу даврда яратилади. Бу даргоҳда улар яқин 30 йил самарали фаолият олиб борадилар. Муҳиддин Мансуров, Собиржон Раҳманов, Маматхон Убайдуллаев, Ҳабиба Охунова, Маҳмуджон Исомиддинов, Онахон Тожибоева, Турдиали Саъдуллаев, Ўринбой Нуралиев каби номдор санъат устозлари билан биргаликда меҳнат қиладилар. Театрда актёр сифатида ҳам мазмунли образларни яратишга муяссар бўладилар. Яъни бир қатор ролларни ижро этиб, бу санъатда ҳам ўз маҳоратини халқимизга намойиш этадилар.

Масалан; “Лайли ва Мажнун” спектаклида Домла; “Анвар ва Раъно” спектаклида Қобул; “Олифта ” спектаклида Акмалхўжа каби образларни яратган.

“1970-1980 йилларда “Баёт”, “Ушшок”, “Гиря”, “Кўча боғи”, “Қаландарий”, “Куйгай“ каби бир қатор мумтоз асарлар билан бирга «Кўчамдан жонон ўтганда», «Мастона мастона», «Келмадинг қошима», «Келмаганингда» каби янги асарларни яратиб ижро этди.

Йиллар давомида Камолиддин Раҳимов – Навоий, Бобур, Машраб, Шўхий, Махтумқули, Фурқат, Собир Абдулла, Чархий, Чустий каби мумтоз шоирларнинг ижодига мурожаат этадилар. Мурожаат этганда ҳам ҳар бир шоирнинг ўнлаган ғазаллари асосида яратилган ашулаларни ижро этиб, ҳар бир шоирга бағишланган махсус мусикий альбомлар яратишга эришадилар. Бу альбомларнинг ҳар бирида шоирларнинг 20 дан ортиқ ғазалларига битилган ашулалар жой олган. Уларнинг аксариятига Камолиддин Раҳимовнинг ўзи мусика басталаган. 90-йилларда эса «Хаёлимда бир ўзинг», «Кутаман», «Сув кўтариб кўчамиздан жанон ўтасиз» каби янги ашулалар мусикий санъатимиз ҳаётига ўзига хос боскич бўлиб, шинавандалар орасида катта олқишларга сазовор бўлди¹³.

Камолиддин Раҳимов дарҳақиқат халқимизнинг севимли, элимиз суйган ҳофиз эдилар. Бу албатта ўзбек созандалик ва хонандалик санъатида ўзининг алоҳида ижро услубига эгаллигида десак кам бўлади. Чунки 100дан ортиқ яратган куй, кўшиқ ва ашулалари бу услубни ҳақиқий мусика билимдонининг ижоди эканлигини кўрсатадиган сўнмас мусикий меросдир. Ушбу ижодий фаолиятнинг яна бир аҳамиятли тармоғи - устоз-шогирдлик анъанасида қолдирган саноксиз шогирдларнинг юзага келганлигидир. Бу бороада Камолиддин Раҳимов кўпдан-кўп шогирдларни тарбиялаган устоздир. Халқ ҳофизи Эркин Рўзиматов, Нуриддин Асқаров, Абдулла Шомаъруфов,

¹³С.Бегматов, “Камолиддин Раҳимов” монография, Т.. 2004 й.

Баходир Бакиров, Ҳамид Маллабоев, Боқижон Сатторов, Абдуқаҳҳор Жалиловлар шулар жумласидандир. Камолиддин Раҳимов ўз ижодида ўзбек мусикасини бир қатор чет элларда муносиб тарғиб этиб келган. 1967-1968 йилларда у, Болгария, ундан сўнг Афғонистон, Ливия, Япония, Гонконг, Шотландия, Канада, АҚШ мамлакатларида юртимиз санъаткорлари билан ижодий сафарларда бўлиб, ўз санъатини намойиш этиб келади.

Камолиддин Раҳимовни оммавий ахборот воситалари орқали ҳақида жуда кўп тарғиб этиб келинади. Жумладан 1982 йилда “Ўзбектелефильм” студияси унинг ижодига бағишланган “Дил таронаси” фильмини суратга олади, Хонанда ижросидаги ашулалар бир нечта грампластинкаларда нашр этилади. 1966-1972 йил “Камолиддин Раҳимов куйлайди”, 1980 йилда “Наргиз”, 1983 йилда “Булбул”, 1987 йилда “Ул ёр қўлида кўза”, ҳамда компакт дискка 2002 йил “Қайдасан” ёзиб олинган, теле намойиш концертларининг саногии бўлмаса керак. Чунки, Камолиддин Раҳимов замонасининг ибратли ҳофизига айланади. Замон ёшларининг ижроларида албатта Камолиддин Раҳимов ижро услубининг бир томчиси намоеён бўлиши бегумон бўлиб қолди. Бу албатта хонанданинг бахти. Унинг йиллар давомида олиб борган фаолияти, амалга оширган ижодий фаолияти, самарали ижодининг, меҳнатининг натижасидир.

Ижро репертуар масаласида устознинг саноксиз асарларни ижро этганлигининг гувоҳимиз. Улар орасида Мақом намуналари, мақом йўлларида яратилган Фарғона-Тошкент мақом йўллари, мумтоз ашулалар, замонавий бастакорлар асарлари, халқ кўшиклари намуналари ўзига хос ижросини топганлиги ва ижро амалиётида ўз тингловчисии ҳамда давомчиларини топганлигини кузатишимиз мумкин. “Дугоҳ Ҳусайний”лар, “Баёт”лар, “Ушшоқ”лар, “Тиря I,II,III,IV”, “Кўча боғи I,II”, “Қаландарий”, “Чоргоҳ”лар каби юзлаган ашулалар ҳамда ўзи ижодига мансуб ашулаларни қайд этиш мумкин. 2003 йили Соибжон Бегматовнинг “Камолиддин Раҳимов” номли



Наманган санъат коллежининг 80 йиллик юбилей маросимига собик
Наманган вилоят хокими Боходир Юсуповнинг ташрифи



Наманган вилояти хокими Шавкатжон Абдураззаков битирувчиларни
кутламоқда



Наврўз садолари Халқаро танловининг тақдирлаш маросимидан



Наманган санъат коллежи битирувчиси "Нихол" Давлат мукофоти совриндори Гуласал Абдуллаева



Республика ёш ижрочилар танлови ғолиблари



Устоз Маъруфхон Орипов ва ёзувчилар уюшмаси аъзоси З.Мансуров



Наманган санъат коллежининг 80 йиллик юбилейида Ўзбек миллий маком санъати маркази бош директори Сойибжон Бегматовнинг табриги



Наманган санъат коллежида Республика семинари. Чапдан Самарқанд санъат коллежи директори Х.Хамдамов, Республика мусиқа ва санъат коллежи директори И.Азимов, Наманган санъат коллежи директори Н.Юсупова, Наманган вилояти телерадиокомпанияси бош мухаррири А.Гаппаров, Наманган санъат коллежи ўқитувчиси устоз Т. Бобоев



Ўзбек миллий мақом санъати
маркази бош директори
Сойибжон Бегматов ва
Наманган
ихтисослаштирилган санъат
мактаби директори,
"Фидокорона хизматлари
учун" ордени соҳибаси
Нортожи Юсупова



Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасида



Нодир Сайфуллаевнинг Наманган санъат коллежи фаолияти билан танишуви



Голландия давлатида Наврӯз умумхалқ байрами муносабати билан коллежнинг ўқитувчи ва ўқувчилари томонидан концерт дастури намоиши олдидан



"Устозларни ардоқлаб" Чапдан фхрий устоз Рустам Абдуллаев ҳамда вокал санъати мутахассислиги устоз Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Зоя Цурикова



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, мусикашунос олим Ахмаджон Жабборов Наманган санъат коллежининг 80 йиллик юбилейига ташрифи



Эркин Рўзиматов ва Сойибжон Бегматовлар Наманган шаҳридаги 11-сонли мусиқа мактабига ташрифи



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Шарифбой Ота Нуриддинов коллеж ўқувчилари билан учрашуви




Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори Сойибжон Бегматовнинг ўқувчи ёшларни миллий мақом санъатимиз тарихи ҳақида маъруза қилмоқда




Наманган санъат коллежининг иқтидорли ўқувчиларини тақдирлаш



Ўзбекистон Халқ хофизи Эркин Рўзиматов ва Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори Сойибжон Бегматовлар Наманган санъат коллежи ўқувчи ёшлари билан ижодий учрашуви



Наманган санъат коллежининг 80 йиллик юбилейида Б.Зокиров номидаги миллий эстрада санъати институти ректори, профессор, композитор Аваз Мансуров табриги



Наманган санъат коллежи битирувчиларининг "Битирув кечаси"
тадбири



2013 йил Наманган вилояти мусикали ва дарамма театрида "Эътироф-
2013" тадбиридан. Ўртада ўша даврдаги Наманган вилояти хокими
Б.Юсупов



Ўзбекистон қаҳрамони, шоир Абдулла Орипов, ёзувчи, Аҳмаджон Мелибоев, шоир Зиёвиддин Мансурлар билан ўтказилган учрашув



Миллий чолғулар кўп овозли ансамбл ва оркестрларнинг Наврўз садолари Халқаро фестивалининг тақдирлаш маросими, чапдан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғарма раиси Инамова Светлана Олий мажлис сенати аъзоси Бахтиёр Сайфуллаев, Самарқанд санъат коллежининг собиқ директори Олимбой Раҳмонов, Ислоҳ Каримов номидаги халқаро хайрия жамғармаси раиси Татьяна Каримова



Устозлар билан давра суҳбати




Чапдан шоир, Эрмамат Нурматов, ёзувчи Ахмаджон Мелибоев, ёзувчи-публицист Абдусанд Кўчимовлар талабалар билан учрашувда




Маданият вазири Озодбек Назарбеков жамоа билан



Эрталабки сафланиш



Маданият вазири Озодбек Назарбековнинг Иختисослаштирилган санъат мактабига ташрифи



Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ахмаджон Дадаев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нуриддин Аминжонов ва Ўзбекистон халқ хофизи Исроил
Вахобовлар иштирокида учрашув ҳамда махорат дарслари

монографияси нашр этилган. Камолиддин Раҳимов ажойиб ота ва турмуш ўртоқ бўлиб, Кифоят ая билан етти нафар (тўрта ўғил ва учта киз) фарзандларни тарбиялаб вояга етказишди. Улар ҳар хил соҳаларда фаолият олиб бориб, ҳозирги пайтда юртимиз ривожига салмоқли хисса қўшиб келмоқдалар. Камолиддин Раҳимов ҳозирда бир қанча неvara ва эвараларининг қалбида суюкли бобоси бўлиб мангуга қолади. Эл ардоғидаги хофиз Камолиддин Раҳимов 2015 йили 25-февралда Наманганда 72 ёшида вафот этади.

Бетакрор санъаткор Камолиддин Раҳимовнинг беминанат хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. 1983 йилда “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвони, ҳамда 1988 йилда “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланган.

Камолиддин Раҳимов бизнинг давримизнинг забардаст, ибрат даражасида ижодий фаъолиятини шакллантирган устоз санъаткордир. Ўзбек қўшиқчилиқ санъатида қолдирган мероси улкан, яратган ижро мактаби эса доимо ёшларимиз учун ибратли йўлдир. Биз мана шундай устозларимиз билан доимо фахрланамиз.

ТОЖИАЛИ ОЛИМОВ (1928- 2001)



Ўзбек дойра усул усталаридан бири, дойра ижрочилик санъатида ўзининг ижрочилик мактабини яратишга муяссар бўлган моҳир созанда, устоз санъаткор Тожиали Олимов 1928-йилнинг 12 апрелида, Наманган вилоятининг Тўрақўрғон тумани Бегобод қишлоғида таваллуд топган.

Санъатга бўлган иштиёқи ёшлик давридан бошланган. Хусусан бир воқеа унинг айнан ўзбек усулларига бўлган меҳрини уйғотганлигини доимо эслаб —ғурурланиб юрарди. Устознинг ўзларини айтишларича: - Шаҳанд дам олиш сиҳатгоҳидаги сайиллардан бирида бир машҳур санъаткор дойра чоғусида, халқ усуллари жамланган “Катта ўйин” доира усулларини завқ билан ижро этади. Тинглаб ҳайратга тушиб, дойра садосидан таралаётган усуллар жозибасига шайдо бўлиб қолади қаҳрамонимиз. Шу воқеа сабаб ёш Тожиали акада бу санъатга интилиш пайдо бўлади. Кўлига тушган ҳар қандай жисмни бармоқлари билан уриб, чертиб, ҳаракатга келтириб усул чалиш одати пайдо бўлади.

Бу айниқса мактабда ўқиб юрган кезларида деярли барчанинг диққатини тортган бўлиши мумкин. Мактаб ўқитувчилари Тожиалидаги доирага қизиқишини кўриб, уни дойра чалишга таклиф этишади ва бунга шароит яратиб беришади. Айнан дойра ижрочилиги бўйича унинг илк устози Бегободдаги таниқли уста сартарош Абдураззоқ ака эди. Бу инсон Тожиали акага сартарошлик касби билан бирга дойра чалиш

йўллари уни ўргатади. Чунки, уста Абдураззоқ мусиқа соҳасини яхши билган ва танбур, гижжак, дойра каби мусиқа чолғуларини яхшигина ижро этиш кўлидан келарди. Айниқса, ҳаммага таниш бўлган Чўли Ироқ, Ажам, Курд, Дилхирож ва Танавор каби куйларни маромига етказиб ижро этарди. Тожиали ака ҳам илк бор бу куйларни Абдураззоқ устозидан ўргангани.

1941 йилда Шаҳанд қишлоғи, Хўжа Аҳмад Вали боғига концерт қўйиш учун Янгийўл театрининг бир гуруҳ санъаткорлари келишади. Бу ердаги концертда Тожиали Олимовга ҳам навбат берилади ва унинг дойра усуллари иштиёк билан чиройли чалганини кўриб театр жамоаси билан бирга кўшилишиб ижро этишини айтишади. Шунда гуруҳнинг раҳбарларидан, театр директорининг ёрдамчиси ёзувчи Камгар Отабоев уни театр жамоаси таркибига қабул қилади. Бу пайтда Тожиали эндигина 13 ёшга тўлган эди. Театр жамоаси Наманганнинг яна бошқа туманларида бўлиб, 3 кун давомида концерт дастурларини намойиш этадилар. Бу концертларда ёш санъат шайдо-си Тожиали акани ҳам ўзлари билан олиб юрадилар. Тожиали ака мана шу бахона бўлиб ушбу жамоа билан Тошкентга йўл олади.

Тошкентда Тожиали ака Усмон Юсуповнинг қарамоғида бўлиб, Янгийўлдаги онасининг уйида яшаб театрга катнаб туради. Бу театрда Соттихўжаев Дадахўжа, Ўрмонов Мулла ака каби доирачиларнинг тарбиясини олади. Даврининг донгдор санъаткорлари Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов каби хофизларнинг санъатларидан баҳраманд бўлади. Айниқса, мақом усуллари билан билимдони, устоз санъаткор Дадахўжа Соттихўжаев, машҳур сурнайчи, устоз Аҳмаджон ота Умрзоқовларнинг тарбиясини олади. Тез орада устоз санъаткорларнинг ёнида туриб уларнинг ашулаларига, ансамблнинг куйларига жўр бўлиш санъатини эгаллайди. Бир йил давомида устозларнинг ўғитини олиб, концертларни олиб борадиган даражада доирачи созанда бўлиб етишади. Театр билан биргаликда бир

қатор ташкилотларнинг ишчиларига берилган концерт томошаларида ансамбль таркибида дойрачи созанда сифатида иштирок этади.

Маълумки, Янгийўлдаги театр 1944 йили Тошкентдаги Бешёғоч даҳасидаги Муқимий театрига кўчирилган. 1948 йилда театрга Муқимий номи берилади. Бу даргоҳда Тожиали ака Тўйчи ва Гофир Иноғомовлар, Гофур Азимов, Раҳим Исохўжаев каби замонасининг забардаст дойра ижрочилик санъатининг усталари билан танишади ва уларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлади. Тожиали акадаги усулларга бўлган меҳр, муסיқага бўлган истеъдод унинг дойра ижрочилигининг энг сирли жиҳатларини кунт билан ўрганишга ва усуллар силсилаларини мукамал ўрганиб олишига сабаб бўлади. Натижада Тожиали ака ўзбекона усулларни моҳир ижрочиси бўлиб етишади.

1955 йили ҳарбий хизматни тугатиб Наманган шаҳрига қайтади ва ўз касбини давом эттиради. У шаҳар маданият уйи ҳамда Наманган шаҳар Навоий номидаги муסיқали драма театрида ўзининг севимли касби дойра ижрочилиги бўйича фаолиятини давом эттиради. Замонасининг етук санъаткорлари Насриддин Мажидов, Ваҳобжон Абдуллаевлар Тожиалини ўз тарбияларига олишади. Устозлар билан бирга бир қатор сафарларда бўлади. Шулардан бири, яъни Молдавиянинг Кишинёв шаҳрида бўлиб ўтган халқаро халқ муסיқаси фестивалида иштирок этиб, доира рақсини ижро этади. Унинг бетакрор дойра зарблари, усуллар силсиласида гавдаланган усуллар жозибаси фестивал катнашчиларини ўзига жалб этади ва фестивал лауреати бўлиди. Устозлар билан биргаликда Польша, Чехословакия давлатларида концерт гостролларида бўлиб, ўзбек санъатини намойиш қилишади.

1970 йили устозлар таклифига кўра Наманган вилояти, Тўрақўрғон маданият уйига ишга ўтади. Тез орада ашула ва рақс ансамбли ташкил этилади ва “Дилшод” ашула ва рақс ансамбли деб юритилади. Ваҳобжон Абдуллаев бошчилигида

ансамблга Наманган шаҳар маданият уйидан Тожихон Йўлдошева, Йўлдошали Тиллабоев, Шарифжон Асқаров, Камолиддин Раҳимов, Тўрақўрғондан Машрабжон Боқиев, Кимё Назарова, Муяссар Сотиволдиева, Мавлуда Низомова каби санъаткорлар таклиф этилади.

1971 йили ансамблнинг чет эл сафарлари бошланади ва бир қатор йирик концертларини ўтказадилар. Завод ва фабрикаларда берилган концертлар доимо олқишлар билан кутиб олинарди. Тожиали ака эса концертларда Муяссар Сотиволдиева, Тожихон Йўлдошева, Мавлуда Низомовалар билан биргаликда «Пилла ракси», «Катта ўйин», «Тоғли Бадахшон», каби номерларини намойиш этиб олқиш олардилар. Шундан сўнг жамоага «Дилшод» ашула ва рақс халқ ансамбли унвони берилди. Ансамбл билан биргаликда Тожиали аканинг ҳақиқий ижодий фаолиятлари бошланади. Илк қадам, Тошкентда ашула ва рақс ансамблларининг кўрик танлови ва “Дилшод” ашула ва рақс ансамбли биринчи ўринни қўлга киритиши, 1973 йилда Венгрияга хизмат сафари уларнинг маҳоратларини юксакликка етганлигини намоён этар эди.

Худди шу йиллари Тожиали Олимов «Дилшод» ашула ва рақс ансамблнинг бадиий раҳбари сифатида фаолиятини давом эттирган. 1973-1974 йилларда «Зехн», «Мархабо талантлар», «Чашма» телевизион фестивалларида катнашиб, лауреатлик медалларига сазовор бўладилар. 1976 йили Москванинг Бутуниттифоқ кишлоқ хўжалиги ютуқлари (ВДНХ) мажмуасида концертлар беришга эришадилар.

Тожиали ака Олимов «Дилшод» ашула ва рақс ансамбли билан биргаликда фаолиятини давом эттирар экан, унинг ижро репертуари тобора бойиб боради. Айниқса дойра чолғу ижрочилигида эришган ютуқлари устозлар томонидан эътироф этила бошланади. Чунки унинг ижросида «Ларзон», “Кўш қарс”, “Шо-диёна” каби мураккаб усуллар тизимига эга бўлган туркумларни ижро этишда ўзининг маҳоратини намоён этарди. Бунинг натижасида Тожиали ака Олимов 1979 йили халқ маданият аълочиси

унвони билан тақдирланади. Ўзбекистон граммпластинкаси орқали доира усуллари пластинкаси, Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев, Ваҳобжон Абдуллаев, Йўлдошали Тиллабоев, Маъруфжон Орипов, Баҳодир Бакиров, Турдиали Сайдуллаевларнинг ижроларига дойрада жўр бўлган бир қатор пластинкалари босиб чиқарилади.

1980 йилда Москва, Ленинград, Германия, Молдавия, Руминия, Болгария каби давлатлар шаҳарларида контцерт-гострол сафарларида бўлиб ўзбек санъатини дунё халқларига намойиш этиб келадилар.

Тожиали ака Олимов ўзбек дойра ижрочилигида ўзига хос услуб яратди. Унинг метиндек усуллар тизимини раво ижро этиш услуби халқимиз дойрачилари томонидан ардоқланиб келинади. Устозни фахр билан “Метроном” деб аташарди. Бу албатта жуда улуғ унвон эди. Унинг заминиде мусиқа ижрочилиги жонли жараёни бир меёрда сақлаб жозибасини намойиш этишдек маҳоратли вазифа яширинган эди.

Устоз санъаткорнинг дойра ижрочилигидаги маҳорати, янгидан-янги ижро усуллари доимо замон оммавий ахборот воситаларида тарғиб этиб келинган. Жумладан: «Труд» газетасида Т.Олимовга бағишланган «В Болгарии звучит доира» мақоласи нашр этилган. 1987 йили устознинг меҳнатлари ардоқлариб, “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони берилди.

Устоз кейинги даврда Тўрақўрғон туман 9 – болалар мусиқа мактабида дойра ўқитувчиси сифатида устоз мураббийлик фаолиятини давом эттиради. Бир қатор шогирдларни усулларга пишиқ холда фаолият олиб боришларига ўз ҳиссасини қўшади. Дарҳақиқат устознинг шогирдлари “Ўзбекистон халқ артисти” Камолиддин Раҳимов, Ўринбой Нуралиев; Фозилжон Қориев, Собитхон Мирзааҳмедов, Маъруфжон Орипов, Юсуфжон ва Юнусхон Боқихоновлар, Илхомжон Алиев, Қуёшбек Қаюмов, Абдуқаххор Юнусов, Парпилло Ғозиев, Илхомжон Олимовлар ўзларининг билимлари билан халқимизнинг эътирофини олиб келаётган санъат намояндаларидандирлар.

ЖЎРАХОН РАҲИМОВ

(1942-2004)



Ўзбек хонандалик санъатида ўзининг овози, ижроси ва маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси билан алоҳида таҳсинга лойиқ хонандаларимиздан бири Жўраҳон Раҳимовдир. У инсон инъонадаларни бетакрор овози билан ўзига мафтун қилиб оларди. Бунинг сабаби ҳам хонанданинг ижро репертуари, ижро этган қўшиқлари ва бу айтимларнинг бир маъно касб этишида бўлган бўлса ажаб эмас.

Жўраҳон Раҳимов 1942 йили таваллуд топган. Бесалалик чоғларидан мусиқага ошно бўлган. Тўғриликка, табиатга ва ҳаётга муҳаббати кучли бўлган. Агар бирор жойда ашула янграгудек бўлса, унинг оҳангига, ижрочининг куйлаш маҳорати-га, овозига маҳлиё бўлиб, унга тақлид қилишга ҳаракат қилиб хонандаликка ҳам катта меҳр билан ёндошган. Ўзбекистон халқ ҳофизлари Жўраҳон Султонов, Маммуржон Узоқов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Расулқори Мамадалиевларнинг ижро этган қўшиқларини тинглаб, бирга хирғойи қилиб улғайган.

Жўраҳон аканинг бу борадаги илк устози хонанда ва бастакор Ваҳобжон Абдуллаев бўлган. Бу инсон шу даврда Наманган шаҳар маданият уйида мусиқа тўғарагининг раҳбари бўлиб ишлаганлар. Жўраҳон Раҳимов ўша пайтда 17 ёшда эди. Бу даргоҳда у ашула айтиш сирларини ўрганиш билан бирга, мусиқий чолғуларда чалиш билан ҳам астойдил шуғуллана бошлаган.

Жўрахон ака табиатан ўзига хос тембрга эгалиги билан ажралиб турадиган овозга эга бўлган. Бу овоз дарҳақиқат, тинглаган кишини ўзига тортиб оладиган дард борлиги билан ҳам ажралиб туради. Бу хонишлар уни санъат даргоҳига олиб кирди. Уни Наманган вилоят Алишер Навоий номидаги мусиқали драма ва комедия театрига ишга таклиф этадилар. Театрда у яккахон хонанда сифатида фаолият юрита бошлади. Секин асталик билан тингловчиларни ўзига жалб эта бошлайди. Шаҳар ва вилоятда ўтказилган танловларда иштирок этиш билан бирга, театрда сафдошлари билан спектаклларда ҳам катнаша бошлайди.

Ҳаёт мўъжизаларга бой дейишади. Бу мўъжиза ҳар қадамда мавжуд аслида. Лекин қачон ва кимга насиб этиши яратганнинг қўлидадир. Ана шундай воқеа Жўрахон аканинг ҳам ҳаётида учрайди ва ижод йўлини саралаб беради. Театр жамоасининг навбатдаги концерт намойишларидан бирига, Тошкентдан ташриф буюрган Мукаррамахоним Турғунбоева бошчилигидаги “Баҳор” ашула ва рақс ансамбли бир гуруҳ санъат намояндalари кириб келадилар. Бу воқеани Алижон Азизов ўзининг “Сўнмас юлдузлар” китобида куйидагича таърифлаб берган: - “...Иттифоқо ўша пайтда Жўрахон Раҳимов “Тановор” кўшигини айтишга шайланиб навбатини кутиб турарди. У Мукаррама опани кўриб ҳаёжонланди. Буни сезган опанинг далда берувчи ишорасидан сўнг Жўрахон ашулани бошлайди. Концерт тугагач, Мукаррама опа Жўрахоннинг ёнига келиб: “Овозинг яхши экан. Хоҳласанг Тошкентга бориб, биз билан ишла!”, деганларини бир умр миннатдорлик билан эслаб юрди¹⁴.

Шундан сўнг Жўрахон Раҳимовнинг Тошкентдаги ҳаёти ва ижодий фаолияти бошланади. Аввалига, ўша пайтларда жуда катта маҳоратга эга бўлган “Баҳор” ашула ва рақс

¹⁴Алижон Азизов - “Сўнмас юлдузлар” Наманган, 2020 й. 26 б.

ансамблида, кейин Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театрида яккахон хонанда сифатида ишлайди. Хонандалик сирларини муқаммал эгаллаган Жўрахон ака тез орада ўз мухлисларини топади. Халқ орасида ўз услубини намоён этади. Натижада ушбу санъат даргоҳларида анчагина ижодий камолотга эришади. Халқ кўшиқлари, мумтоз ашулалар ҳамда мақом йўлига мансуб ашулаларни кунт билан ўрганиб, маромига етказиб ижро этади ва эл оғзига тушади. Ижрочилик амалиётида куйлаган кўшиқ ва ашулалари халқимизга манзур бўлди. Айниқса “Райхон” кўшиги даврининг хит кўшиқларига айланди

Устозлар йўлини давом эттириш, мақомларни ижро этиш унинг ёшлигидаги орзуси эди. Халқ орасида машҳур бўлишни ўзи бир гап, лекин мақом ижрочиси бўлишни ўзига хос маъноси борлиги уни доим илҳомлантириб келарди. Кунларнинг бирида Ўзбекистон радиоси қошидаги “Мақомчилар ансамбли”га хонандалар қабул қилиш учун танлов эълон қилганини эшитиб қолиб, унда қатнашади. Устоз санъаткорлар Ориф Алимасумов, Очилхон Отахонов, Орифхон Ҳотамовлар Жўрахон Раҳимовнинг ижросини кўриб ансамблга қабул қиладилар. Жўрахон ака ўзининг орзусига эришган хонанда сифатида Мақом ансамблида мақом устозлари қаторида фаолият юрита бошлайди. Аввалига устозлардан мақомларни ижро этиш сирларини ўзлаштиради. Улар билан биргаликда хониш-лар қилиб ўзининг билимини малакасини оширади, бу ерда мақомни ижро этиш сирларини ўрганди.

Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли унинг ижод уйига айланади. 20 йилдан кўпроқ вақт давомида сидку-дилдан фаолият кўрсатади. Ансамбл билан биргаликда ва яккахонликда кўплаб мақом ашулаларини оҳанграбо тасмаларга туширишда фаол иштирок этди. У ўзи ҳам алоҳида мақом ашулаларини ижро этиб Ўзбекистон радиоси хазинасига тақдим этди. “Бухоро Ироғи”, “Рок”, “Сарпарда”, “Савти Ушшоқ”, “Қашқар-

чаи савти наво”, “Қашқарчаи савти калон”, “Соқийномаи Савти калон”, “Талқинчаи Мустаҳзоди Наво”, “Уфори Савти Чоргоҳ”, “Ҳусайни Наво” каби кўплаб маком намуналари шулар жумласидан. У ўзининг жўшқин ижоди даврида шоирлар Навоий, Ҳувайдо, Муқимий, Чустий, Эркин Воҳидов, Туроб Тўла, Абдулла Орипов каби кўплаб шоирларнинг шеърлари билан дилкаш кўшиқлар куйлаб халқимиз қалбидан жой олди. Маком ансамблидаги фаолияти унинг ижодий баркамоллик даври бўлди. Умрининг сўнги йилларида Муҳиддин қори Ёқубов номидаги ўзбек давлат филармониясида як-кахон хонанда вазифасида ишлади. Куйлаш маҳоратининг чўққисига етганда, ижоди гуллаган бир паллада ҳаётдан кўз юмди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алижон Азизов - “Сўнмас юлдузлар” Наманган 2020 йил.
2. Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри: - маъмурияти

НАБИЖОН МУҲАММЕДОВ (1913-1966)



Ўз даврида “Наманган булбули” деган тавсиф билан хурмат қозонган машҳур найчи Набижон Муҳаммедов, қайсидир маънода ўзбек санъатининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган санъаткорларимиздан бири эди. Инсон ўз қисматига нималар битилганини билмас экан. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Набижон Муҳаммедовнинг навқирон ёшлик йиллари ҳам Иккинчи жаҳон урушининг қонли жанггоҳларида ўтган. У кўлида курул билан Белоруссия,

Польша, Чехословакия, Германияни фашизм зулмидан озод қилишда иштирок этган. Япония, Монғолия ҳудудларидаги жангларда ҳам катнашган. Унинг жанглардаги жасорати “Қизил юлдуз” ордени, “Жасурлиги учун” медали ва катор ташаккурномалар билан тақдирланган. Ҳикоямиз қаҳрамонининг яна бир алоҳида эътироф этадиган жиҳати-урушнинг бошидан охиригача кўлидан найни қўймаган. Унинг найда ижро этган “Чўли ирок”, “Ноғора баёти” каби куйлари аскарларга рухий мадад, куч-қувват бағишлар, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамларди. Шунинг учун ҳам Набижонни полкдошлари орасида “Найчи солдат” деган ном қозонган эди.

Урушнинг тугаганлиги ҳақидаги хабардан қалблари чексиз шодликка тўлган жангчилар Набижондан чиройли бир куй чалиб беришини илтимос қилишади. Хурсандлигидан кўзи тўла ёш, дилида соғинч билан кўйнидан ажралмас дўсти-найни

оларкан, унинг синганлигини кўриб, бир муддат тўхтаб қолади. Кейин эса унга маҳтал бўлиб турган жанчи дўстларининг нигоҳларини кўриб, синган найда бир куй чаладики, кўнгиллар ўзгача бир кўтаринкилик, шукроналикка тўлади.

Галабадан сўнг у Хитойга йўл олади. Чунки у Хитойлик усталарнинг най чолғусининг энг яхшисини ясашади, деб эшитганди. Набижон ниятига эришади. Энг аъло найдан икки донасини олиб юртига қайтади.

Набижон Муҳаммедов Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Бирлашган қишлоғида 1913 йили Боғ маҳалласида дунёга келган. Оталари Мамадалихон уста бўлган. Умрлари қисқа экан, Набижон оталари ўтганда 4 ёшда эди.

Замона зайлими, қийинчилик сабабми ёки ёлғизгина ўглининг яхши инсон бўлиб камолга етишини ўйлабми оналари Тўхтаҳон она Набижонни вилоят марказидаги 1-болалар уйига олиб боради.

Муддао фарзандини таниқли созанда, Ўзбекистон санъат арбоби, уста Рўзиматхон Исабоев тарбиясига бериш. Она орзулагандай Набижон яхши инсонлар кўмагида тарбия топади. Уста Рўзиматхон Исабоев унга ҳам ота, ҳам устоз бўлиб, най чалишни ўргатади.

1939 йилда ҳозирги Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театри ўрнида “Ватан” деб номланган чойхона бўлган. Вилоятдаги санъаткорлар шу ерда тез-тез тўпланиб, концертлар беришган. Уста Рўзиматхон севимли шогирди Набижонни ҳам айна шу жойда “имтиҳон”дан ўтказди. Олқишлар ичра шогирдига оқ йўл тилади. Кейинчалик эса чойхона ўрнида “Кўк куйлакликлар” труппаси ташкил қилинди. Устозининг рухсати билан Набижон ҳам куй чалишдан, ашула айтишдан ташқари турли – туман роллар ижро эта бошлади. Истеъдод тинимсиз меҳнатлари билан сайқалланиб, эл назарига тушди. Набижон Муҳаммедов, дейилса узоқ-яқинда бемалол таний бошладилар.

Унинг репертуарида “Чўли ирок”, “Ёввойи чоргох”, “Қаландар” каби мумтоз ва халқ чолғу куйлари, “Фигон”, “Ҳануз”, “Эй сабо” каби ашула ва катта ашулаларнинг чолғу йўллари кенг ўрин олган эди. У ажойиб устоз кўлида тарбия топган машхур найчи, хушнавоз созанда бўлиб етишди. Катта Фарғона канали қурилишидаги устоз-шогирднинг чиқишлари одамлар ғайратига янада ғайрат бағишлади.

Уруш бошланганда биринчилардан бўлиб кўлига қуроли олди. Қайтгач, Наманган мусиқа билим юртида Шариф Рамазонов раҳбарлигида дарс берди. Сўнгра Маданият уйида мусиқа раҳбари бўлиб ишлади. Ўнлаб шогирдларга устозлик қилди. Улар орасида Камолддин Раҳимов, Турдали Саъдуллаев, Йўлдошали Тиллабоев, Онахон Тожибоева, Самижон Болтабоев каби кўплаб атоқли санъаткорлар борлиги кишини қувонтиради.

Набижон Муҳаммедов жуда самимий, бағрикенг, ҳалол, меҳмондўст инсон бўлган. Шу даврда санъаткорлар орасида най чалишда бу инсонга етадигани бўлмаган. Катта қалб соҳиб-би, уста санъаткор мохир найчи Набижон Муҳаммедов Наманган шаҳридаги Уста Рўзиматхон кўчасида умр йўлдоши Фотимахон она билан яшаб, икки фарзандни камолга етказишган.

Набижон ота бугун орамизда йўқ (1966 йилда вафот этган). Лекин у кишининг босиб ўтган ҳаёт йўли, жасорати, санъатга бўлган муҳаббати, фидойилиги ҳар қанча эслашга, ибрат олишга лойиқ. Уларнинг ишларини фарзандлар, шогирдлар, набиралари давом эттирмоқда.

Фарзанди Алижон Муҳаммедов отасини шундай эслайди:

Дадам меҳрибон, ширинсўз инсон эдилар. Найни берилиб чин юракдан чалардиларки, ундан таралаётган оҳанглари ҳар қандай юракларга оқиб кирарди. Уйимизда машхур санъаткорлар тез-тез келиб, чиройли суҳбат, гурунглари қилишарди. Дадам Раззоқ Ҳамроев, Мукаррама Азизова, Турсунхон

Жаъфарова, Каримжон Мансуров, Бурхонжон Юсунов, Бойдадахон Олимов каби санъаткорлар билан бирга ишлаган ва уларнинг санъатига чуқур ҳурмат билан қараганлар.

Ўгли Алижон Муҳаммедов етмиш ёшдан ошганларига қарамай, отанинг муносиб давомчиси сифатида кино санъати соҳасида фаолият юритмоқда. Шу кунгача ўттизга яқин фильмларда суратга тушди.

Ниҳоятда бахтли инсонман, - дейди Алижон Муҳаммедов - Мана шундай тинч, фаровон замонда яшаяпмиз. Олти фарзандим, йигирмадан ортиқ неvara, эвараларга бобоман.

Набижон Муҳаммедов фарзандлари, неваралари ва санъатсевар мухлислари қалбида мангуға қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Алижон Азизов - “Сўнмас юлдузлар” Наманган 2020 йил.

2.Лобархон Рустамова- “Янгиқўрган ҳаёти” газетаси.2021 йил 29 июнь №18 (10131)

3.Руқия Ғозиева – “Наманган ҳақиқати” газетаси. “Сеҳрли соз соҳиби” мақоласи.

ТОЛМАС БОБОЕВИЧ ҒАФФОРОВ (1940-2021)



Халқимизда “Узғоз отадек улуғ” деган нақл бор. Ушбу сўзнинг ҳикматли хислатлари кўп, ҳаммасини асосида ўқитувчилик – мураббийлик каби шарафли касбнинг эгаси туради. Ғаффоров Толмас Бобоевич 56 йилдан бери ана шу касбни шараф билан давом эттириб, Республикамизда ёш тарбияси ва камолоти учун самарали меҳнат қилиб келаётган фидойй устозларимиздан биридир. Наманган давлат

муסיқа билим юрти, яъни ҳозирги Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабида устозлар кўн. Кўнчилликлари ана шундай обрў ва эътиборда ярим асрдан кўп фидокорона фаолият олиб борганлар. Энг муҳими, фаолиятларининг натижаси сифатида ёшларимизнинг камолини кўришга муяссар бўлиб келаётганликларидир.

Ғаффоров Толмас Бобоевич меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикаси ўрта-махсуе “Таълим аълочиси” ҳамда “Шухрат” медали соҳиби. Ўзбек муסיқа санъати ривожидда фидокорона меҳнат қилиб дирижёр, ажойиб раҳбар, созандаликда устоз, шогирдлари билан бир қанча кўрик танловларда фахрли ўринларни кўлга киритган мураббийдир. Шириндаш шакар певара ва эвараларнинг севимли ва ардоқли бобоси Ғаффоров Толмас Бобоевич 1940 йилда Бухоро вилоятининг Олот тумани Кумқашон кишлоғида, кўп йиллар давомида калхозда раислик қилган Бобоев Ғаффор бобо оиласида таваллуд топган.

Устознинг болалик чоғлари иккинчи жахон уруши ва ундан кейинги мамлакатни тикланиш йилларига тўғри келган. Шу боис бўлса керак, сабрлилик, матонатлилик ва меҳнат қилиб чарчамайдиган инсон сифатида шаклланади. 1955 йили эса Бухоро давлат мусиқа билим юртига ўқишга киради. 4 йил давомида “Қашқар рубоб” синфи мутахассислиги бўйича таҳсил олади. Ўзбек чолғу ижрочилигини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Билим юртида марҳум домла Насриддинов, донгдор танбурчаи, бухоро мақом мактабининг ёрқин намояндаси устоз созанда Маъруфжон Тошпўлатов, Аҳмаджон Ихтиёров, Наримон Олимов, Исмоил Қобилов каби устозларидан мусиқа сирларини ўрганади.

Билим юртини аъло баҳоларга битириб, 1959 йилда Тошкент Давлат консерваториясига (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси) ўқишга киради. Ушбу даргоҳду у ўзбек халқ чолғулари кафедрасида “Қашқар рубоб” синфи ихтисослиги бўйича таҳсил олади. Мутахассислик бўйича консерваториянинг етакчи профессорларидан бири, академик услуб ва миллий мақом ижрочилиги йўлида моҳирона ижрога эга бўлган, таниқли созанда профессор С.М.Тахаловдан ижрочилик сирларини ўрганади. Ушбу факультетнинг яна бир ихтисослик бўйича мутахассис тайёрлайдиган касби халқ чолғулари оркестри дирижёрлиги эди. Оркестр дирижёрлиги бўйича ҳам Р.Фелициант ва А.Петросянц каби ўқитувчиларнинг тарбиясини олади. Консерватория даври дарҳақиқат мутахассиснинг асосий даражасини шаклланишида жуда катта аҳамиятга эгадир. Толмас Бобоевич талабалик йилларида илмга чанқок, касбининг фидойиси сифатида шаклланади. Ўқиш билан бир қаторда Тошкент шаҳрининг № 1 сонли Болалар мусиқа мактабида ёш болаларга мусикадан дарс беради. Уч йил давомида ўқитувчилик касбини ҳам татиб кўради.

Т.Ғаффоров 1964 йилда консерваторияни мувоффақиятли тамомлаб, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус ўқув юртлари

вазирлиги йўлланмаси билан Наманган давлат мусиқа билим юртига hozирги (Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби) га ишга юборилади. 1968-1978 йиллар мобайнида шу билим юртида директор лавозимида ишлаган.

Т.Ғаффоров шу даврда ҳозирги мактаб биноси қурилишида ўзининг ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги билан фаол иштирок этиб, ўз жамоаси билан яъни ўқув юрти 1971 йилда янги бинога кўчиб ўтди.

У раҳбарлик ва педагогик фаолияти билан бир қаторда дирижёр сифатида ҳам иш олиб борди. 1966 йилдан бошлаб А.Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма театрида дирижёр сифатида ҳам фаолият кўрсатиб, ушбу театрда у элимиз севиб ардоқлаган Ўзбекистон халқ артистлари Мухриддин Мансуров, Маматхон Убайдуллаев, Собир Раҳмонов, республикада хизмат кўрсатган артистлар Мирзажон Дадабоев, Онахон Тожибоева, Каримжон Мансуров, Ўзбекистон халқ артисти таниқли ўзбек санъатининг моҳир актрисаси Ҳабиба Охуновадек ҳамкасблари билан театр тарихидаги, энг олтин даврида елкама-елка туриб, турли сахна қаҳрамонларини гавдалантиришда бевосита хизматлари беқиёсдир. Т.Ғаффоров театр оркестрига дирижёрлик қилибгина қолмай, хар бир асар қаҳрамонини ички кечинмаларини мусиқа орқали ифодалай олди.

Т.Ғаффоров - эсимда “Навоий Астрободда” спектакли репетиция жараёни иш қизғин, мен ўз иш жойимда дирижёрлик пультада оркестрни бошқараётган эдим бирдан кимдир елкамга қўлларини қўйди, чўчиб боқсам асар муаллифи композитор Сайфи Жалилнинг ўзлари. Композитор билан асар ҳақида фикр алмашдик. У менга оркестр педаллари ҳақида ўзининг қимматли маслаҳатларини берди. Ушбу спектакл билан биз Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида гастрол сафарида бўлиб қайтдик.

Театрдаги беш йиллик фаолияти давомида Т.Гаффоров йигирмадан ортиқ мусиқали драмаларга дирижёрлик қилади. “Лайли ва Мажнун”, “Тоҳир ва Зухра”, “Нурхон”, “Ёшликда берган кўнгил”, “Алпомиш”, “Гулисиёҳ”, “Навоий Астрабодда”, “Машраб”, “Гавҳари шамчироқ” каби драмалар шулар жумласидандир.

Устоз! Наманганда яшаб қолишингизга нима сабаб бўлган?

Наманганда яшаб қолишимнинг асосий сабабларидан бири бу Наманган халқининг ширин забони, хушмуомалалиги, бир-бирига ҳурмати, қолаверса жамоамнинг аҳиллиги мени ҳозирги кунгача соғ-саломат ишлаб юришимга асосий сабаблардан бири деб биламан.

Устоз! оила аъзоларингиз ҳақида?

Турмуш ўртоғим Гаффорова Раъно ҳозир 78 ёшни қаршилади. 35 йил давомида Наманган шаҳар 1-оилавий поликлиникада бош ҳамшира бўлиб фаолият кўрсатган.

Беш нафар фарзандим бор, булардан тўрт нафари ўғил, бир нафари қиз, икки ўғил фарзандим ўқитувчи, биттаси ҳарбий, ҳозирда нафақада, яна бир нафари алоқа бўлими ходими бўлиб фаолият олиб боришмоқда.

Т.Гаффоров ҳозирги кунда 12 нафар неvara ва 10 нафар эваранинг суюкли бобосидир.

Ҳозирги кунгача устозининг сабоғини олиб, ажойиб созанда бўлиб етишган шогирдлари 120 дан ортиқдир, улар республикамизнинг ҳамма вилоятларида ўз иш фаолиятларини бажариб туришибди. Шулардан 30 нафари Ўзбекистон давлат консерваториясида, 10 нафардан ортиғи Ўзбекистон маданият ва санъат институтида, 15 нафари турли олий ўқув юртларида таҳсил олишган.

Устознинг меҳнат фаолияти Наманган санъат коллежида 56 йилни ташкил этади.

Т.Гаффоровнинг кўп йиллар мобайнида қилган самарали меҳнатлари Давлатимиз томонидан қадрланиб, уни 1998 йилда “Шухрат” медали ва 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси ўрта-маҳсус “таълим аълочиси” нишони билан мукофотланди.

Устоз уз шогирдларини ҳар икки йилда ўтказиладиган “Ёш ижрочилар” нинг Республика танловларида иштирок эткизиб, 13 нафардан кўпроқлари фахрли ўринларни эгаллаган.

2021 йил 28 июлда бевақт ўлим устозимизни орамиздан олиб кетди.

Устозимиз Толмас Бобоевич мактабимизнинг фахри эди.

Бу инсон ўн йиллик раҳбарлик давомида, кейинги узок йиллик устозлик пайтида ўзининг ниҳоятда камтаринлиги билан шогирдларига ўта меҳрибонлиги, керак бўлса отасидан ҳам кўпроқ яхшилик қиладиган инсон сифатида умргузаронлик қилди. Ҳеч қачон берган сабоқларини, билимини миннат қилмаган, шогирдлари учун жонини фидо қиладиган меҳнатқаш, ҳокисор ва ўта маданиятли инсон эди.

Устоз узок йиллардан бери ҳар икки йилда бўладиган Республика танловига ўқувчиларни тайёрлаб ўзи биргаликда бориб қатнашиб келган. Ҳатто шу 2021 йилда ҳам Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Республика танловига ўқувчиларини ўзлари олиб бордилар. Ўз касбига садоқатли фидойи инсон эдилар.

Ўқув даргоҳимизда устозимиз бутун жамоамиз, барчамизга намуна эди. Ёшларга насиҳатларини аямас эди. Мен салкам 30 йиллик тажрибамда устозни бирор маротаба раҳбарона кийимсиз, ёки галстуксиз кўрмаганман. Ҳар доим байрамона ҳолатда ўта нозик дид билан кийинар эдилар ва ҳар доим ишга вақтидан ярим соат олдин келардилар.

Жамоада бирор бир иш юзасидан топшириқлар айтилганда устоз ҳар доим биринчилардан бўлиб ташаббускор бўлиб турардилар. Ёшларни орқасидан етаклар эдилар. Тўй-

маракаларда ёшми-қарими демасдан биринчилардан бўлиб, борар эдилар.

Бугун устозимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Бугунги кунимизда жамоамизга устоз етишмаяпти, уларнинг ўрни билинмоқда.

Устознинг хотираси бутун жамоамиз қалбида абадий сақланиб қолади.

Ҳозирги кунда устознинг шогирдлари Рустамжон Абдуллаев, Тоҳиржон Шодмонов, Маҳмуджон Ғуломов, Абдуқаххор Нишонов, Баҳодир Юсупов ва Йўлдошхўжа Мўминовлар у кишининг ишларини давом эттириб келишмоқда.

НУРИДДИН АМИНЖОНОВ

*(Ўзбекистон ёзувчилар ҳамда журналистлари уюшмаси
аъзоси)*



Ижодкор инсон дунёга ижод меҳри билан ҳамоҳанг туғилиб, ёниб яшаса керак. Чунки, ҳаётда ижодкорларни тиним билганини кўриш амри маҳол. Яратган берган умрнинг охиригача халқимга, ватанимга, келажак авлодларга бир мерос қолдирай деган умид билан ҳаёт сўқмоқларини кезади. Санъат маконига махлиё бўлганлар эса маънавий дунёнинг бетакрор мўжизаларини англашга ва тафаккури орқали

янгича талқин этиш мақсадида ижод қилади.

Ўз фаолиятига ижодий ёндошса, ўзидан кейин шу йўлда маълум из қолдиришга эришади. Бу албатта адабиёт ва санъат намояндалари ижодий қиёфасида камолотини топади. Ўзбекистон ёзувчилар ҳамда журналистлари уюшмаси аъзоси, умри давомида адабиёт ва санъат ривожига самарали фаолият юритиб келаётган, “Ўзбекистонда хизмат кўрсат маданият ходими” Нуриддин Аминжонов ана шундай фидоий ижодкорларимиздан биридир.

Нуриддин Аминжонов 1946 йили Наманган вилояти Чуст шаҳрида таваллуд топган. Падари бузургвори Аминжон ота Отабеков газлама тўқувчи қосиб, дехкон ва новвой бўлган. Оналари Раҳимахон ая оилада беш фарзандни тарбиялаган оқила инсон.

Нуриддин аканинг оиласи ёшлиқ чоғида оилавий шароит тақозоси ила 1946 йили Тошкент вилоятининг Чиноз тумани, Эски Тошкент қишлоғига кўчиб келишади. Ўрта мактабнинг 8-синфигача шу ерда ўқийди. Мактабдаги илк кунлариданок,

унда кўшиққа қизиқиш уйғонади. Айниқса, Маъмуржон Узоқов хонишлари, мурғак бола Нуриддин акада катта таассурот қолдирар, уни кўшиқ айтишга етаклар эди. Чиндан ҳам у болалик чоғлариданок кўшиқ айта бошлайди. Чиройли жарангдор овози билан устозлар овозига тақлид қилиб уларни ижроларига ўхшатишга ҳаракат қиларди. 5-синфдан эса шеърлар ёзишни машқ қила бошлайди. Унинг қисқа сатрларда ёзган илк шеърлари туман газетасида босилиб чиқади.

1960-61 йилларда у “Ҳунар техника таълими Республика маданият саройи”да фаолият кўрсатиб ижод қилаётган Ўзбекистон халқ артисти Гавҳархоним Раҳимова, мохир гижжакчи-бастакор Мамадазиз Ниёзов каби устозларидан хабар топади ва Мада-ният саройига қатнашиш учун Тошкентдаги РУ-2 магбаачилар билим юртига ўқишга киради. Ўқишни Маданият саройидаги машқлари билан бирга олиб боради, устозлардан таълим олар экан, улардан кунг битин кўшиқ ижро этиш сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилади. Ижро этган кўшиқлари тобора тингловчиларга манзур бўлади ва 19 ёшли Нуриддин Ўзбек Давлат филармониясига яккахон хонанда сифатида ишга қабул қилинади.

1967 йили ТошДУ (Ҳозирги Миллий Университет)нинг журналистика факультетига ўқишга киради. Ўқиш давомида у ўзининг севган касбини давом эттириб, Университет қошида ташкил этилган “Дилнавоз” талабалар аянсамблига раҳбарлик қилади. Ана шу даврда унинг илк яратган кўшиқлари ижро этилиб ўз мухлисларини топади.

1972 йилда у Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг Мусиқий эшиттиришлар Бош муҳарририятида муҳаррир лавозимида иш фаолиятини бошлайди. Бу фаолият кейинчалик шаклланган мусиқа хазинабонлигининг илк қадамлари эди. Зеро, Нуриддин ака йиллар давомида фаолиятини мусиқа меросини ўрганишга ва халқ мусиқа намуналарини излаб топиб, ёзиб олиб тўплашда самарали ишларни олиб боради.

Жамоада бўлим бошлиғи, Бош муҳаррир ўринбосари, шархловчи лавозимларида 2008 йилга қадар фаолият кўрсатиб, радио фондини бебаҳо намуналар билан бойитади. Энг эътирофга лойиқ ишларидан бири 1970 йилдан бошлаб халқимиз орасида истеъдоди билан фаолият бошлаган, бўлажак санъаткорларни илк бора радио орқали тарғиботини бошлаб берган инсон сифатида санъаткорлар ардоғига муяссар бўлди.

Нуриддин Аминжонов фаолиятининг кенглигини ҳам алоҳида қайд этиш лозимдир. Унинг шоирлик, бастакорлик ва кўшиқчилик табиати фаолиятининг муҳим қирралари сифатида камол топди. Унинг шеърларига яратилган кўшиқлар, республикада фаолият олиб бораётган кўплаб ҳаваскор хонандаларни элга манзур бўлиб танилишида хизмат қилди. Нуриддин ака Аминжонов ўзи кўшиққа ошно, дарҳақиқат кўшиқда кўради оламини, дилтортар кўшиқлар куйлайди, ўзига хос мухлислар орттиришга ҳам улгурган. Унинг Ватан, ота ва она, оила, сеvimли ёр, вафо ва садокат, ҳақгуйлик, инсонийлик, меҳр-муҳаббат каби туйгуларни тараннум этувчи саксондан ортиқ шеърларига замонамиз бастакорлари томонидан куйлар басталаниб, халқимиз севиб тинглайдиган кўшиқларга айланган.

Бутун фаолияти давомида радионинг Олтин фондига 15 мингдан зиёд мусиқий асарларни ёзиб олишга ҳисса қўшган Нуриддин Аминжон сўнги йилларда мамлакатимиздаги мавжуд бахшилар ижросидаги дostonларни тасмага тушириш ва тарғиб этишга умрини бағишлади. Республикада мавжуд бахшичилик мактаблари ва уларнинг намояндаларини ижро репертуари билан биргаликда, халқимиз орасида кам кўринган бахши-dostonчиларни ёзиб олишга муваффақ бўлади. Айниқса Фарғона-Тошкент doston ижрочилиги санъатида шаклланган бахши dostonчилар фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади.

Камтарин инсон ўзининг меҳнат фахрийлигини ҳам иш фаолияти билан бегаган. Тошкент маданият коллежида фольклор санъати яқка кўшиқчилиги фанидан талабаларга дарс бе-

риб педагогик ишларини ҳам давом эттиради. Йиллар давомида тўплаган тажрибаларини ёш ўқувчилар камолотига бахш этади. Кўп йиллар бахшичилик санъатини фондга муҳрлаган Нуриддин ака, 2020 йили янги очилган Ю.Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институтида мутахассис бахшиларга сабоқ бердилар. Бунда уларга қўшиқчилик санъати-даги тажрибаси ва бахшиларнинг ижодини, ижро амалиётини ўзлаштирганлиги кўл келганлиги айтилиши мумкин. Бугунги кунда у Ўзбек миллий мақом санъати марказининг устоз-шоғирд бўлимининг етакчи устози сифатида фаолият юритмоқдалар.

Тиниб тинчимас Нуриддин ака шоирлик бобида ўзининг асосий ижодини олиб бораётганлиги халқимизга танишдир. Чунки, Нуриддин Аминжоновнинг адабий ижод намуналари республикамиз матбуотида тез-тез ёритиб турилади. Унинг "Дилхирож", "Айла табассум", "Қанотли кўшиқлар" (ҳамкорликда), "Интизор кутдим", "Қўшиқда кўраман оламини", "Армонли дунё", "Тупроғи зар-суви гавҳар" шеърӣ тўпламлари нашр юзини кўриб ўқувчиларига ва шеърӣят ихлосмандларига етиб борган. 2021 йили Нуриддин аканинг навбатдаги "Изҳори дил" шеърӣ тўпламлари нашр этилди. Ушбу тўпламдаги шеърлар ҳам замонамизни, ватанамизни, меҳроқибат, муҳаббат ва халқимизнинг олийжаноб туйғуларини мадҳ этувчи асарлар тез орада қанот ёзиб, қўшиқлар, ашулалар кўринишида назм ва наволарда парвоз этиши муқаррар. Халқимизнинг жонкуяри, севимли шоири, устоз мураббий Нуриддин аканинг янгидан-янги ижодларини кутиб қоламиз.

ҲОШИМ АРСЛОНОВ

*Ўзбекистон Республикада хизмат кўрсатган артист
(1956-2020)*



Ўзбек маданияти ва санъати ривожидида хизмат қилганлар кўп. Уларнинг ҳар бири ўзларининг жамиятимиз ривожидида қўшган ҳиссаси, халқимизнинг хизматида бажарган ишлари, миллатимизнинг маънавий дунёсида қолдирган мероси билан ўлчанади. Уларнинг санъатидан баҳраманд бўлганлар қалбидида яшайди. Ўз ижоди билан тарих зарварақларига битилади. Ҳошим Арслонов ўзбек театр санъати, кино

санъати ва дубляж санъатида ёрқин из қолдирган забардаст санъаткорларимиздан бири десак тўғри бўлади.

Ҳошим Арслонов, Наманган вилояти Чуст шаҳрининг Камарсада маҳалласида, шифокорлар оиласида, 1956 йилнинг 1-августидида таваллуд топган. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист.

Истеъдод эгаси бўлган Ҳошим Арслонов Чуст шаҳридаги Ломоносов номидаги 3- сонли русий забон ўрта мактабда бошланғич таълимни олади. Унинг рус тилида равон сўзлаши, фикрлай олишининг замини айнан анашу даврда шаклланган. У 1973 йили ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, шу йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат театр ва рассомчилик санъати институтининг мусиқали драма актёри факультетига ўқишга киради. Санъат олий даргоҳида у даврининг машхур санъат усталаридан театр актёри ва умуман актёрлик санъати бўйича таълим олади. 1977 йили олийдаргоҳни муваффақиятли тамомлаб, Аббор Ҳидоятлов номидаги «Ёш томошабинлар»

театрига ишга киради. Ушбу театрда у замонанинг етук санъаткорлари қаторида фаолият юрита бошлайди. Дарҳақиқат, театр санъати актёрнинг имкониятларини кўрсатишга ва нималарга кодир эканлигини сахнада намойиш этиш учун катта имкониятдир. Ўз касбини яхши кўрган Ҳошим Арслонов учун, устозлар давраси, ижодий жамоа тез орада ўз оиласи каби кадрдон ва фаолиятининг бир қисмига айланди. Секин аста турли образларни яратишга ва тамошобинлар орасида ўзининг истеъдодини намойиш этишга эришади. У ижоди давомида 100 дан ортиқ турли қаҳрамонларни ифодаловчи ролларни маромига етказиб ижро этади. Санъаткор сифатида элга танилади, ўзи ижро этган роллар билан катта – катта муваффақиятларга эришишга муваффақ бўлади.

Аброр Ҳидоятлов номидаги «Ёш томошабинлар» театри жамоаси билан биргаликда бир қатор спектакллардаги асосий қаҳрамонларни жонлантиради. «Чандиқ», «Майсаранинг иши», «Отилмаган ўк», «Искандар», «Қирол Лир», «Отелло», «Мувозанат», «Эзгулик йўли» каби спектакллар шулар жумласидандир. Театр жамоси ўз спектаклларини мунтазам театрда намойиш этиш бирга, гастрол театр намойишларига катта эътибор қаратарди. Ҳошим Арслоновнинг яна бир ташаббусли фаолиятининг бир қирраси, кўчма театрлардаги намойишларда фаол иштирокидир. У нафақат Республикамизда, балки чет элларда ўзбек санъатини муносиб тарғиб этишда фидокорона меҳнат қилади. 1989 йили эса ўзбек санъатини тарғиботида муносиб фаолият олиб борганлигини инобатга олган ҳолда «Ўзбекистон ёшлари» мукофоти лауреати бўлади.

Ҳошим Арслонов актёрлик ижодий фаолиятини кино санъатида синаб кўришга бел боғлайди. Унинг санъатнинг бу соҳаси учун қадду-қомати, актёрлик маҳорати ва образларни яратишга бўлган иштиёқи ва имконияти етарли бўлганлигини эътироф этиш лозим. Шу боис у театрда ижод қилиш билан биргаликда кинода ҳам бир қатор образларни ярата бошлайди.

Таниқли киро режиссёрлари уни тарихий, замонавий, ҳарбий, комедик ролларга таклиф этиб, унинг турли қирраларини намоён этишига имкон берадилар. Ҳошим Арслонов қайси турдаги образни яратмасин, албатта унинг ижтимоий ҳолатини, маданияти ва асл қиёфасини яратишга ҳаракат қиларди. Дилдан ўйнаган ҳар бир роллари эса унинг дарҳақиқат актёрлик маҳоратини намоёиш этишга имкон берарди. У ўзбек миллий кино санъатида ўнлаган картиналарда турли ролларни ижро этиб, ўзини кўрсата олди. Жумладан, «Отамдан қолган далалар», «Мағриёна», «Алпомиш», «Туташ тақдирлар» каби жами 30 дан ортиқ фильмларда етакчи ролларни ижро этган.

Ҳошим Арслоновнинг халқимиз орасида эътирофга айланишида яна бир ижодий қирраси кинодаги дубляж санъати ҳисобланади. У ўзининг истеъдоди билан жуда кўп хорижий киноларга овоз берган. Ҳаттоки бир фильмда 5-6 та персонажга овоз бера олган. Ҳар бир персонажнинг образи сақланган ҳолда унга муносиб овоз берган.

Давримизнинг устоз санъаткорларидан бирига айланган Ҳошим Арслоновнинг театр ва кино санъати ривожига хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. Унга 2009 йили «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» фахрли унвони берилди. Афсус, ҳаётининг энг камолотига етган вақтида бу фоний дунёни тарк этиб 2019 йили боқий дунёга сафар қилди. Унинг сўнги «101-рейс» фильми санъаткорга кўйилган ҳайкал бўлиб қолди.

МАЪРУФХОН ОРИПОВ (1950-2017)



Санъат аҳли доимо инсонлар кўз ўнгида, мазмунли ҳаёти ва ижодий фаолияти билан ибрат бўлиб келган касб эгалари сифатида халқимизнинг қалбидан жой эгаллаб келадилар. Наманган вилоятида бундай инсонлар кўп ўтган. Уларнинг орасида халқнинг гурури ва фахрига айланган, хушовоз хонанда, мохир созанда, меҳрибон устоз ва ажойиб раҳбар

Маъруфхон Ориповдир.

Маъруфхон Орипов 1950 йили Наманган вилояти Чуст туманининг Ғова қишлоғида оддий ишчи оиласида, ёғоч усталари хонадонидан таваллуд топган. Оила аъзоларининг орасида мусиқачи ёки шу касбга дахлдорлари бўлмаган, лекин Маъруфхон ёшлигидан қизиқувчанлиги, сермушоҳадалиги билан бошқалардан ажралиб турган. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида мусиқа муаллими Раҳмонжон домла унинг мусиқага бўлган муносабатини сезиб, унга рубоб чолғусини чалишни таклиф этади ва бу ажойиб созда куйлар чалишни ўргата бошлайди. Аввалига “Андижон полкаси”, “Хоразм лазгиси”, Муҳаммаджон Мирзасвнинг “Интизор этма” каби халқ орасида кенг оммалашган куйларни ижро этади. Секин аста мактабнинг турли тадбирларида иштирок этиб, кўзга кўрина бошлайди. Мусиқа унинг ҳаётида асосий шуғулланадиган соҳасига айланади. Соз чертиш билан биргаликда қўшиқ куйлаш ҳам унинг

машгулотига айланади. Бу албатта бўлажак санъаткорнинг истеъдодидан нишона эди.

Ушбу истеъдод уни 1967 йили Наманган давлат санъат билим юртига етаклайди ва билим юртининг талабаси сифатида мусиқа соҳасидаги асосий билимларини эгаллашни бошлайди. Ушбу даргоҳ дарҳақиқат мусиқа санъатининг бетакрор кошонаси сифатида вилоятда барча машҳур санъаткорлар учун ижод бешиги сифатида хизмат қилган. Бу даргоҳда ҳар бир намояндалар ўзларининг илк сабоқларини олиб касбларида илдам қадам ташлашни ўрганганлар. Маъруфхон Орипов ҳам бу даргоҳда таникли санъаткорлар, моҳир созанда ва устоз санъаткор Бурхонжон Юсупов, ўз даврининг бетакрор созандаси Жамолхон Ҳасановлар синфида сабоқ олади. Халқ чолғуларидан бири чанг чолғусида ижро этиш сирларини кунг билан ўрганади. Мусиқа ижрочилик сирлари билан бирга даврининг машҳур куйларини маромига етказиб ижро эта оладиган созанда сифатида шаклланишга интилади. Устозлари кўмагида “Гулбахор ва тановор”, “Муножот”, “Гулзурим”, “Сегоҳ”, “Дилҳирож” каби ўзбек халқ мумтоз куйларини ўрганади ва амалиётда бу куйларни маромига етказиб ижро этиб устозларининг назарига тушади.

Билим юрти ҳар бир талабаниннг истеъдодини рўёбга чиқишида асосий тарбияловчи сифатида хизмат қилади. Агарда талабада созандалик билан бирга хонандалик ёки бошқа санъат турларига мойиллик бўлса, албатта буни ҳам синаб кўриш ва кўрсатиш учун имкониятлари бўлади. Маъруфхоннинг кўшиқ куйлашга бўлган иштиёқи билим юртида янада ортади ва устозлар кўмагида халқ кўшиқчилиги соҳаси бўйича ҳам малакасини оширади. Даврининг оммалашган намуналари, яъни “Ўртар”, “Узугингга кўз бўлиб тушсам”, “Дуторсан”, “Севги сеҳри”, “Ҳануз”, “Шитоб айлаб” каби ашулаларини уста санъаткорлар йўлида куйлаб халқнинг эътиборига туша бошлайди.

Маъруфхон Ориповда ёшлигидан ўзига хос бир хислат мавжуд бўлган. У ҳам бўлса ўзида катталар билан суҳбатлашиш, уларнинг суҳбатидан завқ олиш ва кўпроқ ижодий муносабатлар бор жойларга боришни ёқтирган. Шунинг учун бўлса керак талабалик даврларидан бошлаб замонасининг донгдор ижодкорлари халқ шоирлари Ҳабиб Саъдуллава, Абдуқаҳҳор Гаффорий билан танишиб яқиндан мулоқатда бўлган ва ҳар иккаласи билан ҳам ижодий ҳамкорликда бўлган. Бу ҳамкорликлар натижасида бир қатор янги кўшиқлар дунёга келган.

1973 йилда Наманган давлат санъат билим юртини тамомлаб, Тўрақўрғонга туманида ташкил этилган туман маданият бўлимига қарашли “Дилшод” ашула ва рақс ансамблига йўлланма билан ишга келиб ўз фаолиятини бошлайди. Бу ансамбл дарҳақиқат ўз даврида ном чиқарган жамоа сифатида нафақат вилоятда балки Республикада ҳам ўз номига эга эди. Чунки бу жамоада Ваҳобжон Абдуллаев, Машрабхон Боқиев, Тожиали Олимов, Йўлдошали Тиллабоев, Эргаш Соқиматов, Тожиҳон Йўлдошева каби бир қатор ўз ижроларига эга бўлган таниқли санъаткорлар фаолият олиб борардилар. Маъруфхон Орипов ана шундай санъаткорлар даврасига келиб қўшилди ва бегумонки уларнинг санъатларидан баҳраманд бўлиш билан бирга ўзининг ҳам истеъдодини намоён эта бошлайди. Унинг учун бу даргоҳ ҳар томонлама иш лабораторияси ва ижодиётининг самарасини намоён этадиган жойга айланади. Устозлар билан биргаликда халқ мусиқа санъати меросидан ўрин олган бир қатор кўшиқ ва ашулаларни ўрганиш билан бирга янги асарлар устида фаол ишлар олиб борилди.

Қизиғи шундаки, Маъруфхон Орипов бу жамоада оддий созандадан иш бошлаб етакчи хонанда, мусиқа раҳбари ва пировардида жамоанинг бадиий раҳбари лавозимларида ишлашга муваффақ бўлади. У нафақат созандалик, балки хонандаликда якка ижрочи, ҳамнафасликда бир қатор устозлар ва кейинчалик шогирдлари билан бетакрор асарларни ижро

этишга муяссар бўлади. Бу борада унинг яқин дўсти, фаолияти давомида доимо ҳамроҳ, ҳамфикр бўлган қалам соҳиби Содик Сайхун, ҳофизнинг ижодига бағишлаб ёзган “Созанда, хонанда, мураббий” номли китобида қуйидагиларни ёзади:– “Дилшод”нинг камоли – Маъруфхон аканинг ҳам камоли ҳисобланарди, десак асло муболага эмас. Созандаликдан иш бошлаб, хонандаликда ҳам мухлислар топиб, бадий раҳбарликгача етди...”¹⁵

Санъаткорнинг бахти ҳам шунда бўлса керак. Муסיқанинг сеҳрини намоён этиш, уни ижро этиб тингловчи қалбига кириб бориш, охир оқибат унинг мухлисига айлантириш санъаткор учун энг муҳим хусусият ҳисобланади. Маъруфхон Ориповда, дарҳақиқат унинг меҳнатларининг натижаси сифатида халқ орасида ардоқланган обрўси шаклланди. Унинг ижроси, одамийлиги, муомаласи, муносабати ва энг муҳими хонишлари тингловчилар орасида ўз мухлисларини топа олганлиги билан характерланади. У дарҳақиқат эътирофга лойиқ даражада ўз фаолиятини “Дилшод” ашула ва рақс ансамблида олиб борди.

Ушбу жамоа билан биргаликда доимо халқига хизмат қилди, турли тадбирлар, концертларда ўз санъатини намоён этди. Йиллар давомида бир қатор кўрик-танловларда иштирок этиб, нуфузли ўринларни қўлга киритди. Ансамбл билан биргаликда республикамиз ёки бутуниттифоқ мамлакатлари, балки Германия, Молдавия, Болгария, Франция, Швейцария каби жаҳоннинг йирик мамлакатларида ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек халқи санъатини намоён этишга муяссар бўлди. Ўзбекистон телерадио компанияси ходимлари билан яқиндан муносабатда бўлиб, муסיқа санъати тарғиботига ўз ҳиссаларини қўшадилар. Айниқса Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими таниқли шоир Нуриддин

¹⁵Содик Сайхун. “Созанда, хонанда, мураббий”, “Наманган” нашриёти 2015 й. 12 бет.

Аминжонов ва Маъфура Муҳамедовалар билан ижодий ҳамкорликда бир қатор қўшиқлар яратилди, Радионинг олтин фондига ёзилиб, мунтазам эфирда янграши учун имкониятларн яратилди.

Маъруфхон Ориповнинг ижодий фаолиятида ўқитувчилик ва маданият ташкилотлари раҳбарлиги ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. У 1987 йилдан бошлаб, деярли 7-8 йил давомида Наманган вилояти Тўрақўрғон туман маданият бўлимига қарашли 9-сонли мусиқа мактабида директор лавозимида ҳамда ўқитувчилик билан биргаликда иш фаолиятини олиб боради. Ушбу ўқув даргоҳи сабаб у инсон туманда жуда катта ислоҳот ишларини олиб боради. Тожиали Олимов, Муҳаммаджон Шамсиддиновлар каби етакчи мутахассисларни болалар-ёшлар тарбиясига жалб қилади. Ўзи ҳам бир қатор шогирдларни тарбиялаб катта ҳаётга йўлланма берди. Эътирофга лойиқ ишларидан яна бири мусиқа мактаби қошида унинг ташаббуси билан музей ташкил этилади. Туманда бу жой санъаткорларни, санъат намояндаларини хотирлаб турадиган ва ёшларимиз учун тарих зарварақларидан гапириб турадиган маскан бўлиб қолди.

Устознинг раҳбарлик фаолияти 1994 йилдан бошлаб Тўрақўрғон туман ҳокимлиги маданият ишлари бўлими бошлиғи лавозимида давом этади. Бу лавозимда ҳам маданият ва санъатнинг туманда ривож ва айниқса ёшларнинг тарбияси ҳамда нафақат республика, балки бутун жаҳон миқёсида тарғиб этилишига катта эътиборни қаратади. Шунинг баҳонасида туман ёшлари, санъаткорлари жаҳон маданияти билан яқиндан танишиши ва тафаккурларини бойишига ўз хиссасини қўшади. Ҳокимият даражасида маданият бошқармаларини билимли, илмли санъатни дарҳақиқат эгалари бошқарса, бу албатта ўз ижобатини кўрсатади. Маъруфхон Ориповнинг раҳбарлигида Тўрақўрғон туманида кўзга кўринарли ишлар амалга оширганлигини эътироф этиш лозимдир. Бу доимо кундалик оммавий

ахборот воситаларида ёритилиб кўпчилик томонидан қайд этилганлигини ҳам мисол қилиш мумкин.

2009 йили Маъруфхон Ориповнинг раҳбарлик фаолияти нафақага чиқиш билан яқунланади.

Устоз санъаткор, дарҳақиқат катта тажрибага эга бўлган инсон албатта жамиятимизнинг ривожини учун, ёшларни тарбияси учун ўрнатилган бўлишлари лозимдир. Шуларни инобатга олиб устозни Наманган санъат коллежида ёшларга сабоқ бериш билан фаолиятларини давом эттиришни таклиф этдим. Бу таклифни қабул қилиб коллежимизда ёшларга мусиқа сирларини ўргатишни давом эттирдилар. Даргоҳимизда устоз-шоғирд анъанасини устоз-мураббийларимиз билан биргаликда давом эттириб, бир қатор шоғирдларни тарбиялашга эришдилар.

Маъруфхон акани бугун Наманган аҳли санъаткор сифатида жуда яхши биларди, танирди. Дарҳақиқат, у киши камтарларнинг камтари эди, инсоний фазилатлари одамгарчилиги катта-кичик демай ҳамманинг хизматини бир хилда бажариши билан санъаткорлар орасида, элнинг олдида жуда катта ҳурмат топган эди. Яна битта хислатини айтмоқчиман, у киши ҳеч қачон халқ хизматида ўзига нарх қўйган эмас. Кўнгилдан чиқариб берса олардилар, агарда шароити оғирроқ бўлса, тўйдаги ҳамма тўёнани ҳам ташлаб кетадиган одатларини кўпчилик билар эди.

Маъруфхон аканинг яна бир одатлари, қаерда таниши бўлса, бемор бўлса, кексайиб қолган бўлса, албатта тез-тез бориб, хабар олиб турар эдилар. Айниқса жума кунларида қариндош-уруғларни кекса отахон онахонларни, қачонлардур талабалик пайтларида яшаб ижарада турган хонадони эгаларидан ҳам ҳолидан хабар олиб турар эдилар. Билим берган устозларини эса ҳеч қачон унутмаган вақтида иззат ҳурмат қилиб келган.

Маъруфхон ака оддий, ҳокисор, яхши инсон эдилар.

Маъруфхон Орипов ибратли санъаткор бўлиш билан бирга, оилада садоқатли турмуш ўртоқ ҳамда севимли отадир. Турмуш ўртоғи билан бирга тўрт қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Барчалари олий маълумотли бўлиб ўз касблари соҳасида фаолият олиб бормоқдалар. Ўғиллари Мансурхон Орипов Ўзбекистон Давлат консерваториясида чанг созида устозлардан сабоқ олиб моҳир созанда сифатида отасининг касбини давом эттирмоқда. Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида ўзининг педагогик фаолиятида иш олиб бормоқда.

Маъруфхон Орипов мазмунли ҳаёти давомида самарали ижод этди. Фаолияти давомида ўзининг беминнат хизматлари билан халқ меҳрини қозонди, вилоят маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшди, келажагимиз бўлган бир қатор ёшларни шогирдлари қаторида тарбиялаб вояга етказди, энг муҳими санъаткор деган шарафли касбнинг ёрқин намояндаси сифатида элимиз орасида ўз номини тарихга битди. Унинг беминнат хизмати ҳукуратимиз томонидан мунтазам тақдирланиб борилди, Ўзбекистон республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги, 15 йиллиги ва 20 йиллиги эсдалик нишонлари соҳиби бўлди. 2017 йилнинг кеч кузи, 24 ноябрида Маъруфхон Орипов бу ёруғ оламни тарк этди. Устоз санъаткорнинг шогирдлари ва фарзанди айни пайтда ўзбек санъатининг ривожига йўлида самарали хизмат қилиб келмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

- Содиқ Сайхун. Созанда, хонанда, мураббий. “Наманган” нашриёти, 2015 йил.

МАТЛУБА ДАДАБОЕВА



Матлуба Дадабоева (Халилова Мавлуда Болтаевна) - Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти, Ўзбек миллий мақом санъати маркази “Устоз-шогирд мактаби” устози, бетакрор овоз соҳибаси, мақом хонандаси. У 1956 йил, 5-октябрда Наманган вилоятининг Чуст туманида зиёли оилада таваллуд топган. Отаси- Болтабой ота Дадабоев газначилик касби билан халқ орасида танилиб, ўз замонасида обрў ва эътибор топган киши-

ларидан бўлган.

Кўпчилик таниқли инсонлар каби Матлубахоннинг ҳам болалик давридан зехни ўткирлиги, ҳаётга кузатувчанлиги, болалигидан адабиёт ва санъатга меҳри баландлиги намоён бўлган бўлса ажаб эмас. Чунки, касбни эгаллаш ва унда маълум маҳоратга эга бўлиб халқ томонидан эътироф этилиш учун, албатта унинг замини, ва шунга яраша табиий истеъдод бўлиши муқаррар. Матлубахоннинг истеъдоди, дарҳақиқат ўрта мактабда ўқиб юрган кезларида намоён бўла бошлаган. Туман ҳаваскорлик тўғарагида қатнашиши, бу масканда кўшиқчилик сирларини дастлабки босқичларини илк устозлари Тўхтасин Калонов ва Турсунбой Туробовлардан ўрганиши оқибатида, улкан истеъдоднинг илк кўринишлари мактаб сахналарида ўзи-ни кўрсата бошлайди. Матлубахон ҳам сахнада бадий шеър ўқиш, кўшиқ айтиш борасида ўзининг барча имкониятларини кўрсатишга ҳаракат қилар ва албатта

келажакда устоз санъаткорлар каби камол топишни орзу қиларди.

Ўзининг мусиқа санъатига бўлган иштиёқи ва истеъдоди, сахнадаги хонишларида доимо намоён бўлиб, кундан-кунга халқ орасида кўзга ташлана бошлайди. Халқ байрамлари, сайиллари, турли тадбирларда унинг ижросидаги қўшиқ албатта янграй бошлайди. 1972 йилда Республика пойтахти Тошкентдаги “Баҳор” концерт залида бўлиб ўтган “Куйланг ёш хонандалар” республика кўрик-танлови Матлубахонинг хонандалик фаолиятида алоҳида воқеага айланди. Ёш истеъдод эгаси ушбу танловда иштирок этиб кўрик-танлов совриндори бўлишга эришади. Бунинг сабаби асл истеъдод керак жойда ўзини намоён этиши муқаррар. Туғма овоз ва шунга яраша касбий истеъдодга эга бўлган Матлубахоннинг ижросидаги ўзига хослик ва албатта мусиқийлик жиҳатларини эшитган баҳо берувчилар ҳам унинг ижросини маъқуллаган бўлса ажаб эмас. Чунки хонанданинг овози тингловчилар хоҳлаган дард, нола, жозиба ва тароватни бермаса, унинг мухлисига айланмаслиги айна ҳақиқат. Хонишнинг сирли таъсири, билимли талқиндаги овоз таровати эвазига тингловчини ақлини олади.

Истеъдод инсонга яратган томонидан берилса, демак ҳар бир ҳаракатида, ижросида, овозида хонишида ўзини намоён этади. Матлубахон мактабда ўқиган пайтида барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиганлиги билан ҳам ажралиб турган. Бу ўзлаштиришлар унинг асосий касб танлаши ва келгусида шу касб эгаси бўлишга интилиши жараёнида санъат соҳасини танлаганида ҳам ўзига хос муаммоларни келтирганлигини эслаб туради. Қайд этиш жоизки, айнап санъаткор бўлишининг заминиде уларнинг авлодида даврининг номдор ҳофизлари ўтганлиги унга қанот беради. Лекин, ёшлик даврида, келажакда суҳандон бўлиш орзуси ҳам бор эди.

Матлуба Дадабоева эришган истеъдод бежиз эмас эди, кейинчалик англашига қараганда, у она томонидан бобоси асли

қассоб бўлган ва бетакрор, кучли овоз соҳиби бўлган. Санъатга меҳри баланд ва хонишда муайян билимга эга бўлган. Айтишларича, замонасининг устоз санъаткорлари Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқовлар билан биргалашиб ашула айтган экан. Катта ҳофизларнинг хонишларини тинглаш учун эринмасдан Чустдан Фарғонага, Марғилонга бориб келар экан. Катта ашулалар ва халқ кўшиқларини маромига етказиб куйлагани учун халқ орасида “Калон Ҳофиз” номи билан танилиб кетган экан.

Матлуба Дадабоева ўрта мактабни муваффақиятлар билан битириб 1973-йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг (ҳозирги Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти) “Муסיқали драма актёри” факультетига ўқишга киради. Олий даргоҳда ўқишнинг энг муҳим жиҳати бу – устозлар сабоғидан баҳраманд бўлиш. Истеъдод ўз ўрнида, лекин устозларнинг илми ва сизга берадиган билими бу ҳар қандай истеъдоднинг маҳоратини тарбиялашда асосий замин ва манба бўлиб хизмат қилади. Матлубахон ҳам ушбу даргоҳда устозларининг сабоғини олиб ўз ижрочилик маҳоратини оширади, ижро репертуарини шакллантиради.

Ўқиш даврида ҳам тиниб тинчимас Матлубахон курсдошлари билан бирга, ўзи сингари истеъдодли тенгдошлари билан биргаликда ҳар йили бўлиб ўтадиган “Зеҳн” кўрик танловида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллайди. Ижодида бурилишга сабабчи бўлган воқеа III-курсда ўқиб юрган кезларида рўй беради. У Ўзбекистон телевиденияси орқали “Қизлар давраси” кўрсатувида иштирок этиб тожикча “Муҳаббат” номли кўшиғини ижро этади. Айнан мана шу ижро орқали у кўпчилик санъат ихлосмандларининг назарига тушади. Уни Ўзбекистон радиоси қошидаги Дони Зокиров номли ўзбек халқ чолғулари оркестрига якка хонанда сифатида ишга таклиф этишади.

Ушбу жамоа дарҳақиқат республикамизнинг нуфузли бадий жамоаларидан бўлиб, моҳир созанда ва хонандалар фаолият олиб борарди. Оркестр жамоаси билан бирга таниқли композитор ва бош дирижёр Дони Зокиров раҳнамолигида бир қатор кўшиқларни ўрганиб, радио ва телевидение орқали куйлашга эришади. Тез орада Дони Зокировнинг шоҳ асарлари бўлган Навоий сўзларига битилган “Кўрмадим” ва “Эй сабо”, “Дугоналарга” ашулаларини оркестр жўрлигида ижро этиб, магнит тасмаларига ёздирди. Жамоанинг радио ва телевидение орқали эшиттириш ва кўрсатувларида ишти рок этиб, “Ўзбекистоним”, “Муҳаббатдан туғилгай”, “Ҳилолим”, “Ўзбекистон сўзлагай”, “Биз Темур авлодимиз” каби кўшиқларни маромига етказиб ижро этади.

Кўп ўтмай, 1978 йили уни Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблига ишга таклиф қилишади. Бу албатта унинг учун қутилмаган ва шарафли йўлга бошлайдиган аҳамиятли таклиф эди. Таклифни жон деб қабул қилиб ўзбек мумтоз муסיқасининг ижрочи дарғаларининг даврасида фаолият юрита бошлайди.

Ушбу жамоани шу даврда мақом билимдони, бетакрор овоз соҳиби, устоз санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимахсумов бошқарар эдилар. Республикада жуда ҳам катта мавқега эга бўлган ансамбль ўзининг ижроси билан мумтоз муסיқа ижрочилигида намунали мақом жамоаси эди. Шу боис бўлса керак жамоа таркибида Орифхон Ҳотамов, Фахриддин Содиков, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Турғун Алиматов, Ғанижон Тошматов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Исҳоқ Катаев, Изро Малаков каби замонасининг забардаст санъат намояндалари, мумтоз муסיқа меросининг ҳақиқий билимдонлари фаолият олиб борардилар. Матлубахон айнан муסיқа меросининг жонли маконига келганини ва устозларнинг билимидан баҳраманд бўлишидан дарҳақиқат бахтиёр эди. Ва улар билан биргаликда фаолият олиб бориш бахтига муяссар бўлиб,

мумтоз мусиқа намуналаридан, уларни ижро этиш сирларини ўргана бошлайди. Ва айнан шу даврдан бошлаб унда ҳар бир мақом асарини пухта ўрганиш ва унга ижодий муносабатда бўлиш хислатлари шакллана бошлайди. Ҳар бир ўрганган асарга ижодий муносабатда бўлиш, одатда хонанданинг шахсий муносабатларини шакллантиради. Кўп йиллик тажриба негизида эса мустақил ижод қилиш ва асарларни ўзига хос ўзининг услубида ижро этиш кўникмаларини шакллантиради.

Матлубахоннинг хонандалик фаолиятининг илк дамларидан бошлаб, у ашуланинг матнига эътиборни қаратиш масъулиятига қатъий амал қилади. Ижодий фаолияти давомида Маҳтумқули, Навоий, Бобур, Чустий, Муқимий, Машраб каби мумтоз адабиётимизнинг бетакрор вакиллари ижодий меросига мунтазам равишда мурожаат қилиб келди.

Ансамблга вақти-вақти билан бир қатор мақом ижрочилари келиб қўшилдилар. Устози Орифхон Ҳотамовнинг сеvimли шогирдига айланади. Мақомчилар ансамблининг бетакрор хонандалари Эсон Лутфуллаев, Ҳасан Ражабий, Маҳмуджон Йўлдошев, Маҳмуджон Тожибоев, Бекназар Дўстмуродов, Комила Аминова, Маҳбуба Ҳасанова, Ҳуррият Исроилова, Насиба Сатторова, Машрабжон Эрматовлар билан бирга мақом санъатининг мавжуд намуналарини биргаликда ўзлаштирадилар ва ижро этиб радионинг олтин фонддини бойитадилар. Ю.Ражабий номидаги мақом ансамбли, дарҳақиқат Матлубахон учун ҳақиқий ижод масканига айланади. Жамоадошлари санъат усталари билан биргаликда бир неча йиллар давомида самарали ижод қилади. Мақомдаги ўттиз йиллик фаолияти эса ижодининг энг самарали даври сифатида муҳрланди.

Матлуба Дадабоева бу жамоада серқирра фаолият олиб борди. Фақат мақом намуналари эмас, балки замон композиторлари, бастакорлари томонидан айнан унинг овозига мўлжаллаб яратган бир қатор асарларни ижро этиб мусиқий мерос-

ни янги асарлар билан бойитди. Ижроларида замонасининг илгор ва устоз санъаткорларининг услубларини намуна деб билди. Шунинг учун ҳам, унинг ижодидан жой олган намуналар хоҳ у мумтоз жанрдаги асар бўлсин, хоҳ лирик кўшиқ бўлсин устозларнинг ижрочилик анъаналари билан суғорилганлиги яққол сезилиб туради.

Матлуба Дадабоева ушбу жамоада фаолият олиб борар экан доимо унга бу ансамблда Орифхон Ҳотамов, Орифхожи Алимахсумов, Берта Давидова, Абдуҳошим Исмоилов, кейинчалик эса Ўлмас Расуловлар билан ижодий мулоқотда бўлиш насиб этди. Айниқса Ўзбекистон халқ ҳофизи Орифхон Ҳотамовнинг устозликда берган сабоқларининг чеки йўқ. Устозига садоқат билдирган Матлубахон якка ва ҳамнафаслари Маҳбуба Ҳасанова ва Бекназар Дўстмуродовлар билан қатор асарларни ижро этишга эришдилар. Ижро репертуари замонавий бастакорлар асарлари билан бойиди. Жумладан: “Интизор ўлтурғуси” (Бобур ғазали), “Тоқатим” (Машраб ғазали), “Найлайн” (Навоий ғазали), “Қалам” (Ҳафиза Шарофхўжаева шеъри), “Субҳидам таронаси” (Маъфура Муҳаммедова шеъри), “Шаънингга ор эмасму” (Пўлат Мўмин шеъри), “Сенсиз” (Ҳайдар Яҳё шеъри), “Фидо” (Пўлат Мўмин шеъри), “Бўлди ҳамдам яхшилар” (Пўлат Мўмин шеъри), “Тиллоларга баробар” (Абдулла Орипов шеъри) каби асарлар ўзига хос талқинини топди.

Таниқли бастакор Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоиловнинг қаламига мансуб “Омон кўнгил” (Расул Ризо шеъри), “Қилма ёримдан жудо” (Раъно Ярашева шеъри), “Ўзингни асрагил аёл” (Маъфура Муҳаммедова шеъри), “Қўлда созим”, (Эътибор Охунова шеъри) каби кўшиқлари, Композитор Мустафо Бафоевнинг “Қурбон ҳайити (Яҳё Тоға шеъри), “Лайлак қор” (Шукур Курбонов шеъри), “Кужо расти” (Ҳофиз шеъри), “Қизил олма” (Яҳё Тоға шеъри), “Интизор

хастам” номли асарларини Матлуба Дадабоева ўзгача бир талқинларда ижро этиб халқимизга тақдим этди.

Матлуба Дадабоеванинг миллий мусиқа меросимиз бўлган мумтоз ва мақом йўлидаги намуналарни ижросига бўлган муносабати доимо унинг ижодини белгиловчи даражада муҳим ўрин эгаллаб келади. Ижро репертуари ҳам жуда бой. “Насруллои”, “Талқини рост”, “Феруз I,II” (Огаҳий ғазали), “Қашқарчай савти ушшоқ” (Нодира ғазали), “Самарқанд ушшоғи” (Зебунисо ғазали), “Ҳануз” (Садоий ғазали), “Сароҳбори оромижон”, “Савти ушшоқ талқинчаси” “Талқини рост”, “Баёт I”, “Баёт IV”, “Насри баёт”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Чоргоҳ”, каби мақом намуналари шулар жумласидандир.

1992-йилда “Ўзбектелефильм” киностудияси билан ҳамкорликда киношунос олим Ҳамидулла Акбаров “Матлубанинг бахти” номли мусикали хужжатли фильмни суратга оладилар. Фильм – концертнинг муваффақияти ўзи билан эди, чунки унда хонанданинг энг сара ашулалари, кўшиқлари ўрин олган эди. Хусусан фильмда Матлуба Дадабоева ижросидаги “Гулузорим”, “Самарқанд Ушшоғи”, “Сунбула”, “Айлагач”, “Алла”, “Фарғона тонг отгунча” каби 10 га яқин кўшиқлар халқимизнинг аллақачон қон-қонига сингиб кетган кўшиқлар эди. Улар орасида “Афғонча” ва “Эронча” кўшиқлар ҳам ўз мазмун-моҳиятида гўзал ижро этилганлигини эътироф этиш жоиздир.

2006 йиллардан бошлаб Матлуба Дадабоева ўз ижрочилик фаолиятини Ўзбекистон Санъат ва маданият институтида педагогик соҳада давом эттириб, ёш авлодни мақом анъаналари ва замонавий ижрочилик услубларида тарбиялаб келмоқдалар.

Матлуба опа умр йўлдошлари Ҳусанжон ака билан бирга 4 фарзандларини, яъни Хуршидахон, Шоҳистахон, Хуснобод ва Умидахонларни тарбиялаб, вояга етказдилар ва набиралар

билан бирга камолини кўриб юрганликларини ҳақиқий бахт деб биладилар.

Матлуба Дадабоева дарҳақиқат худодод, доимо ижод ва хониш билан бахтини топган, ҳақиқий меҳнаткаш инсон. Шу бонс бўлса керак унинг самарали ижоди ва сермаҳсул фаолияти давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилиб, 1993 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 2007 йилда эса “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонларига сазовор бўлган бўлсалар. 2018 йили Тожикистон президенти томонидан “Тожикистон халқ артисти” фахрий унвонига лойиқ деб топилган.

Матлуба Дадабоева 2018 йилдан бошлаб Ўзбек миллий мақом санъати марказининг “Устоз-шогирд мактаби” бўлими устози сифатида самарали фаолиятларини давом эттириб келмоқдалар.

МЕҲРИХОН БЕКЖОНОВА



Театр – бу муқаддас даргоҳ. Халқнинг маънавиятининг шаклланишида, халқимиз онгининг ривожиди, ўтмиш маънавий дунёни тасаввур этишда театрнинг беҳисоб аҳамияти бор. Шу боис бўлса керак инсоният театрга интилади, янги асарни тамошосига шошилади, кўриб эса олам-олам завқ олади. Театрга бориб томошаларда илтирок эгадиган инсонларнинг

дунёқараши ҳақиқатан ҳам маърифатли бўлиши бегумондир.

Театрнинг инсон ҳаётига кириб боришида эса, муҳим жиҳатларидан бири бу – театр намойишини жонлантиришда қатнашадиган актёрлар ҳисобланади. Улар замон, давр, шахс, қаҳрамон ва воқеликларни образлар орқали ифодали жонлантиришда асосий персонаж ҳисобланадилар. Шу боис ҳам уларнинг ўзига хос истеъдоди, қобилияти, маҳорати ва албатта имкониятлари бўлиши шарт. Ана шундай худодод санъат эгалари театр санъатининг мавжудлигини намойиш этиб, ривожига ҳисса қўшиб келаётганликлари боис уларнинг исмлари тарих зарварақларида муҳрланиши бегумондир. Бизнинг замонамизда ана шундай истеъдод эгалари, устоз санъаткорлар бармоқ билан саноклидирлар. Улар орасида бутун умр Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали драма театрида самарали фаолит юритиб келаётган бетакрор санъат намояндаси, “Ўзбекистон халқ артисти” Меҳрихон Бекжоновадир.

Меҳрихон Бекжонова Ғуломовна 1962 йилнинг 1 январиди Наманган вилояти, Пош туманида истиқомат қилувчи Ғуломжон ака Ҳожиматов ва оналари Азиза Отажоновалар

оиласида таваллуд топади. Ёшлигида оилага ёрдамчи қиз сифатида униб-ўсади. Мактабдаги ўқишда эса аълочи, интизомли, ўқувчилар орасида фаоллардан бири бўлиб тарбия олади. Мактабда ташкил этилган “Ниҳол” санъат тўғарагига қатнашиб санъатга бўлган иштиёқини оширади. Энг муҳими унинг истеъдоди ўтказилган тадбирлар ва танловларда намоён бўлиб боради. Ҳатто республика даражасида ўтказилган танловларда нуфузли ўринларга сазовор бўлади.

Халқ орасида росмана истеъдод эгаларини катта санъатга кириб келишларида албатта халқимиз ардоғида бўлган кекса санъаткорларнинг ҳиссалари каттадир. Масалан Саодат Қобулованинг ўзларини устоз санъаткор Жўраҳон Султонов марказдаги театр жамоасига олиб борган бўлсалар, Саодат опанинг ўзлари ҳозирда машҳур санъат намояндалари бўлишга эришган Юлдуз Усмонова, Муножот Йўлчиева каби бир қатор устоз хонандаларнинг катта санъатга қадам қўйишларида бир сабабчи бўлишганлигини эътироф этиш мумкин. Меҳрихоннинг ҳам ҳаётида Ўзбекистон халқ артисти Фароғат Раҳматованинг ана шундай муносабати сабабчи бўлганлигини доимо фахр билан тилга олади. Зукко ва устоз санъаткор Фароғатхоним Раҳматова Меҳрихоннинг ижросида Султонпошша Ўдаева репертуаридан “Олтин қўллар” ва “Санъат-саодатим” кўшиқларини тинглаб кўриб, унинг чиройли овоз, худодод истеъдоди борлигини айтиб Санъат Олий даргоҳида ўқишини уқтиради. Устознинг тавсияси билан 1979 йили ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институтининг “Мусиқали театр актёри” факультетига ўқишга киради.

“Бу санъат гўшасида – деб ёзади журналист Садоқат Аллаберганова ўзининг мақоласида - у “Саҳна нутқи” фанидан Зухра Олимжонова. “Вокал” фанидан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”лар Ойниса Кучликова, Асад Азимов. “Анъанавий ижрочилик” фанидан профессор Сулаймон Таҳалов,

Исҳоқ Катаев, Коммуна Исмоилова, “Саҳна маҳорати” фанидан “Ўзбекистон халқ артист”лари Бахтиёр Ихтиёров ва марҳум Ҳусан Шарипов, “Саҳна ҳаракати” фанидан Арсен Исмоилов, Маҳмуд Рашидов каби бир қатор устозларидан санъат сирларини ўзлаштиради”¹⁶.

Меҳрихон Бекжонова дарҳақиқат яхши ният қилган ва нияти ижобат бўлган санъаткорлардан экан. Сабабки, олий даргоҳнинг ўзида, барча йўналишлар бўйича, ўз даврининг етук санъат арбоблари қўлида таълим олиш насиб этади. Санъат усталари Бахтиёр Ихтиёров, Ҳусан Шарипов, Асад Азимов, Сулаймон Тахалов, Исҳоқ Катаев, Коммуна Исмоилова, Арсен Исмоилов, Маҳмуд Рашидовлар таълимини олиш билан бирга кейинчалик театр саҳналарида биргаликда кўп йиллар давомида фаолият олиб борди. Ушбу устозларнинг ҳар биридан ўрганган сабоқлари Меҳрихонни етук санъаткор бўлишига асос бўлади.

Айниқса Меҳрихоннинг мумтоз ашула ижрочилигидаги ўрнини алоҳида қайд этиш жоиздир. Аввало айтиш керакки устозлар Сулаймон Тахалов, Исҳоқ Катаев, Коммуна Исмоиловлар ўзбек мумтоз мусика санъатининг бетакрор билимдон устозларидирлар. Меҳрихон ушбу устозлардан Фаргона-Тошкент мақом йўлларида, Шашмақом ва ҳаттоки Хоразм мақомлари намуналарини кунт билан ўрганади. “Дугоҳ Ҳусайни”, “Чоргоҳ”, “Баёт” намуналари, “Фигон”, “Самарқанд Ушшоғи”, “Ушшоқ” (“Қаро кўзим”), “Қашқарчаи Савти Ушшоқ”, “Соқийномаи Савти Калон”, “Муножот”, “Айлагач”, “Танаввор”, “Галдир” каби мақом йўлларидаги ҳамда мумтоз ашулаларни маромига етказиб ижро этишга эришади. Бундай асарларни маромига етказиш учун аввало хонандада шунга мос овоз бўлиши керак. Маҳоратни эса устозлар кўмагида эгаллаб олади, агарда истеъдоди бўлса. Меҳрихонда мақом ижрочилигига бўлган имконият катта ва ижрода эса ўзининг чехрасига,

¹⁶Садоқат Аллаберганова. Даракчи газетасида нашр этилган мақола.

жуссасига, қоматига ва файзига мос келадиган ижро талқини шаклланади. Бу гўзал талқин уни секин аста хонанда сифатида шаклланишига ҳам катта йўл очиб беради. Энг муҳими ўзида мумтоз хонандаликга бўлган ишонч ҳосил бўлади.

Олийгоҳнинг тўртинчи курсида ўқиб юрган кезларида, 1983 йили илк маротаба Ўзбекистонда Ёш мақом ижрочиларининг биринчи Республика танлови ўтказилиши эълон қилинади. Бу танловда шу даврнинг энг илғор, билимдон ва моҳир мақом ижрочилари иштирок этишлари кўзда тутилган эди. Чунки 3 турдан иборат бўлган танловда 9 та мақом асари ижро этилиши танлов шартларида белгиланади. Меҳрихон устозларининг ёрдамида танлов шартларини моҳирона ижро этишни ўрганади ва Санъат институти номидан танловда иштирок этади.

Мақом санъати бу – буюк санъат. Уни маромига етказиб ижро этган ҳар қандай созанда ёки хонанда, албатта элимизнинг назарига тушиши муқаррардир. Танловда кейинчалик мақом устозлари даражасида эътирофга сазовор бўлган ҳофизлар Маҳмуджон Тожибоев, Раҳматжон Қурбонов, Хуррият Исроиловалар иштирок этадилар. Ёш иқтидорли хонанда Санъат институтининг 4 курс талабаси мақом ижрочилари билан беллашиб фахрли 3 ўринни эгаллашга муваффақ бўлади. Бу албатта тарихий воқеа эди. Лекин, Меҳрихон мусикали драма актёри ихтисослиги бўйича таълим олар эди.

Дарҳақиқат Меҳрихоннинг асосий касби мусикали драма театри актёридир. Бир умр ана шу касбни ардоқлаб меҳнат қилади. Меҳрини бериб ижод қилади. Оила қуриб гўзал фарзандларни тарбиялаб вояга етказди. Ўз касбини устаси сифатида элимиз меҳрини қозонади.

Ана шундай катта орзулар билан у 1982 йили талабалик пайтидан Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театрга ишга келади. Ушбу даргоҳдаги илк қадамларидан бошлаб устозлари билан бирга ижод қилади. Уларнинг раҳнамолигида бу касбнинг саҳнадаги сирларини ўрганади. У театрдаги илк

фаолиятини “Лайли ва Мажнун” спектаклидаги Лайли образини яратишдан бошлаган. Лайли образи мураккаб персонажлардан ҳисобланади. Маҳрихон учун уни яратиш ўзига хос қийин кечган бўлсада, мақом хонишини мукаммал ўрганган актёр учун бу ҳар томонлама қулай вазият бўлган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки мусиқани моҳирона ижро этиш актёрнинг мавжуд истеъдодини намоён этиш учун имкониятлар яратиб бериши муқаррардир. Бу албатта Меҳрихоннинг Лайли образини яратишини ўзида намоён бўлади. Ва айтиш жоизки, илк бора катта ролни ижро этган актриса секин аста ўзбек мусиқали театр саҳнасида кетма-кет халқимизга таниш бўлган ва машҳур асарлардаги етакчи қаҳрамонлар образини яратишга муваффақ бўлади. “У театрда Ўзбекистон халқ артистлари Фароғат Раҳматова, Наима Пўлатова, Ҳамза Умаров, Суръат Пўлатов, Машраб Юнусов, Файзулла Аҳмедов, Марям Ихтиёрова, Одина Ғозиева каби бир қатор халқ суйган артистлар билан елкама-елка туриб ижод қилади”¹⁷. Уларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлиб, ўзининг ижроларини янги-янги роллар билан бойитади.

Йиллар давоми у театрдаги ҳамкасблари билан бир қатор ўзбек классик асарларини сахналаштириб бетакрор образлар яратади. Жумладан: “Фарҳод ва Ширин” спектаклида - Ширин, “Тоҳир ва Зухра”да Зухра, “Гул ва Наврўз”да Гул, “Нодира-бегим”да Нодира, “Гулсара”да Гулсара, “Паранжи сирлари”да Холисхон, “Ватан ишқи”да Зулфи, “Тошкентликлар”да Гулноза, “Диёнатга хиёнат”да Ўғилой каби бетакрор образларни яратишга муваффақ бўлади. Ҳозирда ҳам фахр билан, ёшига яраша янги-янги образларни яратиб, театр саҳнасида ўз фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Меҳрихон Бекжонова ўз ижодида фақат театр билан чегараланиб қолмай, телевидения ва кино санъатида ҳам ўзига яраша образларни яратишга муваффақ бўлган. Телевидениеда

¹⁷Шу мақола.

“Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” ва бир қатор теле новеллаларда ва кўрсатувларида роллар ижро этади. Шу билан бирга режиссёр Машраб Юнусовнинг олти қисмли “Жалолоддин Мангуберди” телефилмида ўйнаган Меҳрижаҳон, “Жаҳон отин Увайсий” телефилмида салбий роль Нозикшоҳ роллариини алоҳида қайд этиш лозимдир.

Кино санъатида кам роллар ижро этган бўлсаларда, яъни режиссёр Машраб Кимсановнинг “Тоғли куёв” фильми, ва Режиссёр Аҳад Фармоновнинг “Муҳаббатимсан” фильмларидаги она роллари орқали бизнинг халқимиз Меҳрихоннинг кинода ҳам моҳирликларини эътироф этадилар.

Меҳрихон Бекжонова санъатда жуда самарали фаолият олиб борди. Элнинг ардоғи, халқимизнинг эъзозига муяссар бўлди. Унинг меҳнатлари давлатимиз томонидан юқори баҳоланганлиги барчага аёндыр. Меҳрихон Бекжонова 1998 йилда “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 2009 йили эса “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонларига сазовор бўлди. Айни пайтда ҳам Меҳрихон турмуш ўртоғи “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” Александр Бекжонов ҳамда кадрдон жамоаси билан бирга Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусикали театрида самарали фаолият олиб бормоқдалар.

Оилавий умрларини, фаолиятларини санъатга бахшида этган Меҳрихон Бекжонова оиласи қизи Дилдора Бекжонова ва ўғли Диёрбек Бекжоновлар миллатимиз маънавий меросини ривожига ҳисса қўшиб, ўзбек маданияти ва санъатининг турли жабҳаларида фидокорона хизмат қилиб келмоқдалар.

МИРЗА АЗИЗОВ

(1963-2021)



Ўзбекистон халқ артисти, таниқли актёр Мирза Азизов 1963 йилнинг 22 майида Чуст шаҳрининг Паңсада маҳалласида, санъаткор оиласида таваллуд топади. Ўз тенгдошлари билан маҳалладаги “Намуна” ўрта мактабида таҳсил олади. Ёшлик давридан мусиқа оғушида униб-улғаяди. Бобосининг таълими-ни олиб ўзбек мумтоз мусиқасининг илк сабоқларини олади. 1980 йили мактабни битиради.

1981 йили Маннон Уйгур номидаги Тошкент давлат театр ва рассомчилик санъати институтида таълим олиш ниятида Тошкентга келади. Ва шу йили институтнинг “Мусиқали драма актёри” факультетига ўқишга қабул қилинади. Олийгоҳда у бир қатор замонасининг устоз санъаткорларидан сабоқ олади. Актёрлик маҳорати билан биргаликда мусиқали драма театрининг асосий йўналишларидан бўлган кўшиқ айтиш, яъни хонандалик сирларини ўрганиб ўзининг хонандалик соҳасидаги малакаларини бойитади. Олийгоҳда у мумтоз мусиқа санъатининг билимдони Исоҳ Каттаев, театр санъатининг устозлари “Ўзбекистон халқ артисти” Бахтиёр Ихтиёр, театршунос олим Сотимхон Иномхўжаев, Абдугофур Абдурахимов каби устозлардан санъат сирларини ўрганди.

“Аслида Мирза Азизовни санъатга қизиқтирган омил оила муҳити эди. Унинг падари бузруквори Муҳаммад ҳофиз Азизхон ҳофиз ўғли 1922 йили Чимкентнинг Сайрам туманида ўтказилган Ўрта Осиё ҳофизлари беллашувида “Камарбаста ҳофиз” нишони, яни камарни кўлга киритган. Бу камарни

Ўзбекистон халқ ҳофизи Мулла Тўйчи Тошмуҳаммаедов боғлаб қўйган. 1927-1931 йилларда Муҳаммад ҳофиз академик Юнус Ражабий ва Рисқи Ражабийлар билан Ўзбекистон радиосида хонанда бўлиб ишлаган. У кишининг фаолиятлари 1952 йилгача давом этган”¹⁸.

Санъат олийгоҳида бу касбнинг сиррини кунт билан ўзлаштирган Мирза Азизов, Театр ва рассомчилик санъати олийгоҳини муваффақият билан тугатиб, Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлиги тасарруфидаги “Ички ишлар ансамбли”да хизмат фаолиятини бошлайди. 1988 йилдан бошлаб Муқимий номидаги мусиқали драма театрида ўзининг севимли касбида иш фаолиятини давом эттиради. Унинг устозларидан олган ўғитлари тез орада томошабинлар эътиборига ҳавола этилади. Бу даргоҳда у аввало устозларнинг маҳоратини эгаллашга, уларнинг кўмагида муқаддас касбни эгаси бўлишга ҳаракат қилади. Бунда у турли қаҳрамонлар образларини хусусияти ва характери доирасида мукамал талқин қилиш билан бирга устозлар эътирофига сазовор бўлиш ҳақида кўпроқ ўйлайди. Чунки, ўзи устозода эканлиги учун бу касбга муносиб бўлиш лозимлигини доимо эслаб турарди. Натижада у кўп спектаклларда турли характердаги асосий қаҳрамонлар образларини яратишга муяссар бўлади. Театрда тарихий образлар билан бирга замонавий қаҳрамонларни меърига етказиб ижро этишга эришади.

Секин аста устозлар назоратида етарли маҳорат билан ижро этадиган санъаткор бўлишга эришади. Унинг юксак даражадаги мусиқали театр актёри эканлигини ўйнаган роллари, хусусан, “Юсуф ва Зулайҳо” да Фиръавн, “Фарход ва Ширин” да Баҳром, “Нодирабегим” мусиқали драмасида Мадалихон, “Алпомишнинг қайтиши” спектаклида Алпомиш, “На малакман, на фаришта” да Машраб, “Топталган туйғу” да Бойсоат,

¹⁸Жўраҳон Муҳаммад Ҳофиз ўғли, Шукуржон Сулаймон. “Санъат саодатимдир”. Чуст 2012 й. 40 б.

“Медея” да Креонт каби ролларни юксак маҳорат билан ижро этиб, томошабинларнинг меҳри ва эътиборини қозонганлигида ҳам кўриш мумкин.

1996 йили ЮНЕСКО ташаббуси билан Парижда ўтказилган Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган “Темур салтанатида шоир ва шоиралар” спектаклида Мавлоно Лутфий, 1997 йили Парижда намоиш этилган “Ипак йўли” спектаклида Карвонбоши ролларининг моҳир ижрочиси сифатида ўз маҳоратини намоиш этади ва халқаро мутахассислар томонидан эътироф этилади.

Мирза Азизов театрда бир қатор юксак санъатга эга бўлган режиссёрлар билан ишлади. Уларнинг иш мактабида сўнмас роллар ижро этиб қахрамонона образлар яратди. Энг муҳими устозларнинг касбини кунг билан ўзлаштирди. Вақти келганда бу касбга ҳам эътиқод кўйиб турли спектаклларни сахналаштира бошлади. Лекин, у Санъат олийгоҳининг аспирантура бўлимида режиссёрлик ихтисослиги бўйича таҳсил олади ва режиссёр сифатида ҳам ижод қила бошлайди. Аввалига театрда бир қатор спектаклларни сахналаштиради. Бу спектакллар унинг бу соҳадаги малакасини намоён эта бошлайди.

У дарҳақиқат режиссура соҳасида ҳам анчагина муваффақиятлар қозонишга эришади. Режиссёр сифатида сахналаштирган “Тўда” спектакли 2005 йилда Қоҳира шаҳрида ўтказилган XVII Халқаро экспериментал театрлар фестивалида қатнашади. Ушбу фестивалда дунёнинг 94 мамлакатидан ижодий жамоалар иштирок этадилар, Ана шу 94 жамоа халқаро мутахассислар томонидан ғолиб, яъни “Лауреат” сифатида эътироф этилади. Ижоддан тинмас ёш режиссёр “Синфдош”, “Осмонга сигмаган қуш”, “Хасис бой ва хизматкор”, “Тошкентнинг нозанин маликаси”, “Занжирбанд Қорқиз”, “Лайли ва Мажнун”, “Уйғониш” каби бир қанча спектаклларни

сахналаштириб, ўзбек муסיқий театр санъати ривожига муносиб ҳиссасини кўшишга муваффақ бўлади.

Мирза Азизов ўз ижодий фаолиятини театр билан чегаралаб қолмай кино санъатида ҳам ижод этиб катта муваффақиётларга эришади. Хусусан у киноактёр сифатида кўплаб бадиий фильм ва ўнлаб телесериалларда етакчи ролларни ўйнаган. “Чархпалак” сериалида, “Муҳаббат синовлари”, “Туташ тақдирлар”, “Алданган аёл”, “Сен мени севасанми”, “Гулим”, “Бахт учун миллион” каби кўплаб фильмларда турли қаҳрамонларнинг образларини яратишга муваффақ бўлади. Жумладан, “Кўнгил кўчалари” сериалида Санжар, “Остона”да майор Мўминов, “Имом Бухорий”да Хабаш, “Гулхан атрофидагилар”да Хазрат Қораевич каби роллари орқали миллий сериалларимизда ҳамда “Муҳаббат синовлари” фильмида Азиз Мирзаевич, “Тубанлик”да Турғун хожи, “Марғиёна”да темирчи, “Мурувват”да Қодир, “Муҳаббатимсан”да Шухратхўжа, “Гумроҳлар”да Мирза Маҳмудов, “Новда”да бош врач сингари 50 дан зиёд киноларда асосий ролларни ижро этиб, халқимиз дилидан жой олади.

Унинг бир орзуси бор эди. У ҳам бўлса хусусий киностудиясини яратиш. Вақти келиб бунга йўл очилади ва ўзининг “Отчопар эшон” хусусий киностудиясини очади. Катта иштиёқ билан “Муҳаббатимсан” кино фильмини тасвирга олади. Бу фильмда ўзи бош ролни ижро этади. 2010-2011 йилларда эса Чуст тумани, Ғова қишлоғида содир бўлган воқеалар асосида “Оқибат” сериалини тасвирга олишга муяссар бўлади.

Мирза Азизов ўз ижодида буюклар ижодига ҳам қўл уради. У буюк ёзувчи Чингиз Айтматов ижодини фаол тарғибот қилиб келаётган санъаткор ва сахналаштирувчи режиссёр сифатида Қирғизистон Республикаси раҳбарияти ва кўшни давлат санъат мухлислари томонидан алоҳида эътироф этилганлиги сабабли ҳам Чингиз Айтматов Халқаро мукофоти

қўмитаси томонидан, унга Халқаро Чингиз Айматов мукофоти ва лауреатлик кўкрак нишони билан тақдирланади.

2014 йили кинематография соҳасидаги самарали фаолияти учун “Эътироф” миллий мукофотининг “Йилнинг энг яхши кино актёри” номинациясига сазовор бўлади. У республика-мизнинг маънавий ҳаёти ривожига фаол иштироки учун шу йили “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” номинацияси билан тақдирланди.

Давримизнинг муаммоли мавзусига бағишланган Қ.Норқобил асари, С.Юсупов мусикаси “Дилдаги доғ ёхуд қопқон” мусикали драмаси халқаро мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Мазкур спектакль 2017 йил сентябрь ойида Қирғистон Республикаси пойтахти Бишкекда ўтказилган VI-ART ОРДО халқаро театр фестивалида Халқаро жюри қарори билан 1-ўринга лойиқ деб топилди.

Мирза Азизов устозода санъаткор, мазмунли ижодий фаолият олиб бориб халқимиз ардоғига эришди десак муболаға бўлмас. Аввало у классик кўшиқ ва ашулаларни ҳам маромига етказиб ижро этади, бу албатта ота касбига бўлган эҳтироми эди. Унинг санъатдаги эҳтироми ҳам давлатимиз томонидан юксак баҳоланди. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 2015 йили “Ўзбекистон халқ артисти” фахрий унвонларига сазовор бўлди. Умр йўлдоши “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” Тожибар Азизова билан 2 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган. Афсус, 2021 йил хасталик Мирза Азизовни орамиздан эрта олиб кетди. Охирати обод бўлсин.

КАРИМ ЙЎЛДОШЕВ

(1940-)



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, устоз санъаткор, истеъдодли режиссёр Карим Йўлдошев 1940-йили, 15 январда Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Болалик даврида унинг оиласи Наманганга кўчиб келишади. Ёш Каримжон Наманган шаҳридаги 3-ўрта мактабда ўқиб вояга етади. Болалигидан рассомлик санъатига меҳр қўйган ва турли услубдаги расмлар чизишни машқ қилади. Мактабда энг фаол ўқувчилардан бўлиб, рассомчилик, физика каби фанларга жуда кизиқиб таълим олган.

Ёш истеъдодли Карим Йўлдошев мактабни тамомлаб ҳозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига режиссёрлик йўналиши бўйича ўқишга киради. Карим Йўлдошев режиссура соҳасида 2 йил ўқиб, Наманганга қайтиб келади. 3 йил давомида Наманган театрида оддий сахна ишчиси сифатида фаолият олиб боради. Театрнинг бош режиссёри бўлган Алберт Хачатуров қўлида режиссёрлик сабоғини олади. Кейинроқ А.Хачатуров қўлида, устозлигида режиссёрлик қобилиятини синаб кўради. Наманган театридаги устоз режиссёрлардан яна бири Григорий Петрович Ким билан яқиндан ҳамкорлик қилади ва “Ёзилмаган қонунлар” асарини сахналаштиришади. Устозларининг ундови билан у яна ўқишини давом эттириш учун Тошкентга қайтади. Энди уни катта келажак кутмоқда эди. Режиссёрликда анча тажриба орттириб қайтган Каримжон рус тилини астойдил ўрганишга киришади ва бунга эришади ҳам. Ҳаттоки, Чеховнинг баъзи

асарларини ўқиб, инсценировкалар тайёрлайди. 1969 - 1970 йилларда Москвада малака оширади. Москвадаги Ёшлар театрида Арбузовнинг “Ишонч, умид ва севги” асарини сахналаштиради.

Карим Йўлдошев ўзининг режиссёрлик фаолиятини 1963 йилдан Ҳамза номидаги ўзбек миллик академик театри, ҳозирги Миллий академик драма театрида ёрдамчи режиссёр сифатида иш бошлайди. Тажрибали режиссёрлар Гинзбург, Тошхўжа Хўжаевларга ёрдамчи режиссёр бўлиб тажриба орттиради. Улардан режиссёрлик сирларини ўрганади.

Ёш Каримжон 1965-йили ўзининг олийгоҳни тамомлаш арафасида диплом ишини якунлайди. Ўқишни тамомлаб, жонажон Наманган театрида режиссёр лавозимида ўзининг ижодий фаолиятини бошлайди.

Наманган шаҳар мусикали драма театри Алберт Хачатуровдан кейин анча сустлашиб қолган бир пайтда 1965- йили, унинг шогирди режиссёрлик касбини олиб театрга ўзининг янги қарашлари билан кириб келди. Наманган театрида режиссёрлик ишини Чингиз Айтматов асари асосидаги “Сарвқомат дилбарим” инсценировкасини сахналаштиришдан бошлади. Унинг илк иши муваффақиятли чиқиб, томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди. Қисқа вақт ичида Карим Йўлдошев театрнинг репертуарини турли жанрдаги янги асарлар билан бойитди. Деярли ўн йиллик фаолияти давомида “Тоҳир ва Зухра”, “Лайли ва Мажнун”, “Гулисиёх”, “Навой Астрободда”, “Ҳалима”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, “Вақт 24 соат”, “Ота ўғли” “Қароқчилар” каби ўттизга яқин асарларни сахналаштириб томошабинлар эътиборига ҳавола этишга эришади.

Энг муҳими шундаки ёш лекин тажрибали режиссёр Тошкентнинг отахон театрида ва Москвада олган тажрибалари асосида ўзининг янгича талқини ва услуби билан театрнинг репертуарини бойитишга ҳаракат қилади. Буни албатта, турли хил мавзудаги тарихий, классик асарлар эвазига амалга ошира-

ди. У сахналаштирган спектаклларда ўзбек халқининг миллий урф – одатлари ва анъаналари, ҳар бир даврнинг долзарб ижтимоий муаммоси, замонавий қаҳрамон образлари, қолаверса тарихий сиймолар акс эттирилган мавзуларга катта эътибор қаратади. У сахналаштираётган ҳар бир спектаклда топилмасига мос ва ўзига хос хусусиятлар яққол кўзга ташланиб туради.

Карим Йўлдошев 26 ёшидаёқ театрнинг бош режиссёри бўлиб, фаолият юритади. Фаолиятида бир қатор мавзулардаги спектакллари сахналаштиради, айниқса тарихий мавзудаги “Лайли ва Мажнун” (Хуршид); “Тоҳир ва Зухра”, “Алпомиш” (Собир Абдулла); “Навоий Астрободда” (И.Максимов), “Ота ўғли” (Ҳ.Шарипов), “Ўн саккизга кирмаган ким бор” (М.Каримов), “Гавҳари шамчироқ” (С.Улуғзода), “Алданган киз” (Р.Орифжонов), “Ёрил тош” (Ш.Саъдулла), “Миллионернинг ўғли” (Д.Тешабоев, Х.Исломов) каби спектаклларида ўзининг талқинига хос жиҳатлар яққол намоён бўлиб туради. Бу албатта унинг доимо изланишда эканлиги, ва янгилик яратишга чанқоқлигидан дарак бериб туради.

Изланиш бобида у фақат ўзбек миллий театр анъаналари билан чегараланмай, яқин хориж Уфа, Ош театрларида ҳам бир неча йил ишлаб тажриба орттиради. Республикамиз миқёсида ўтказиладиган турли хил фестиваль, конкурсларда сахналаштирган спектакллари олий ўринларни эгаллаган. Унинг ҳар бир яратган ижодида маълум бир такрорланмас хусусият бор. “Қирол Лир”, “Макбет” (В.Шекспир); “Мустабилнинг ўлими” (Мухтор Шаханов); “Устаси фаранг” (Абдулла Аъзам), “Виждон амри” (Ўлмас Умарбеков) каби яна бошқа бир қанча спектаклларида режиссёрлик мароми ва топилмасининг такрорланмас жиҳати кўринади.

Режиссёрнинг асосий иши сахна имкониятларини тўлақонли, томошабинга катта маънавий озуқа берадиган даражада иложи борица режасига мослаштиради. Спектаклнинг композициясида таъсирчанликни ошириш мақсадида мусиқадан ўз

ўрнида фойдаланади. Акт асарни шакллантиришдан иборатдир. Асар воқеълигини мутаносиб ҳолда маҳорат билан талкин эта олиши режиссёр маҳоратидир.

Режиссёр Карим Йўлдошев, ижодий фаолиятининг деярли 10 йилини Қашқадарё мусиқали драма театрида олиб борди. 1975-1986 йиллар бу театрда самарали ижод қилиб, 20 га яқин спектакллар сахналаштиради. Ф.Мусаҷоновнинг “Шаҳарлик олифта” (1976), Радзинскийнинг “Эзоп” (1976), Жуманиёз Жабборовнинг “Тўйдан олдин томоша” (1980), Делмарнинг “Ғариблар” (1980), Ўлмас Умарбековнинг “Ўз аризасига кўра” (1981), Рихси Орифҷоновнинг “Алданган қиз” (1982), Т.Минулиннинг “Она алласи” (1986) ва бошқа турли жанр ва мавзулардаги ранг-баранг спектакллар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йиллари Карим Йўлдошев учун янги, сермаҳсул ижодий давр бошланди. Ж.Маҳмуднинг “Адолат куни” (1991), А.Аъзамовнинг “Усмон Носир қаерда?” (1996), Ўткир Ҳошимовнинг “Қатағон” (1997), А.Жабборнинг “Наманган алласи” (1998), И.Турсуновнинг “Четлаб ўтган умр” (2003), Н.Қобулнинг “Ношукурлар” (2010), Ўлмас Умарбеков асари асосида “Виждон амри” (2012) каби спектакллар шу даврда сахнага чиқди.

Бу спектаклларнинг ҳар бири миллий-маънавий қадриятларимизни юксак бадиий даражада акс эттириши билан эътиборга лойиқдир. Тиниб-тинчимас, изланувчан санъаткор Карим Йўлдошев узоқ йиллик режиссёрлик фаолияти давомида республикамизнинг кўпгина театрларида ижод қилиб, бир қанча турли мавзу ва жанрлардаги асарларни сахнага олиб чиқди. Жумладан, Қашқадарё, Кўкон, Андижон, Республика ёш томошабинлар, хатто кўғирчоқ театрлари репертуарида ҳам унинг спектакллари мавжуд. Шу билан бирга У Қирғизистон республикаси Бобур номидаги Ош театрида, Россия Федерациясининг Уфа шаҳри театрларида бир қатор спектакллар

сахналаштириб, халқаро майдонда ҳам ўз истеъдодини синаб кўрди. Театр соҳасида ижод қилиш завқини ва меҳнатининг самарасини намоён этади.

Карим Йўлдошевнинг хизматлари доимо муносиб рағбатлантириб келинган. Давлатимиз томонидан эътироф этилиб 1980 - йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби” фахрий унвони билан тақдирланган. Бетакрор устознинг Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театрида сахналаштирган 100 дан ортиқ спектакллари театрнинг ривожига ўзининг беадад ҳиссасини қўшди.

“Ўзбекистон санъат арбоби” Карим Йўлдошев “ижодий портрети” Мамадалиева Ойнигор Улуғбек қизининг Битирув малакавий ишида ёрқин аксини топган.

РУСТАМ ҲАМРОҚУЛОВ (1953-1989)



“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, ўзбек театр санъатининг ривожига муносиб ҳисса қўшган истеъдодли актёр, Ҳамроқулов Рустам Икромалиевич 1953 йил 10 августида Наманган вилояти, Поп туманининг Санг қишлоғида оддий деҳқон Икромали Ҳамроқулов оиласида таваллуд топган. Ёшлигидан ўзининг зукколиги билан тенгдошлари орасида ажралиб турган Рустамжон қишлоқдаги 10 – сонли ўрта мактабда бошланғич таълимни олган.

1970 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Ўзбекистон санъат ва маданият институти) га ўқишга киради. Олий даргоҳнинг “драма театри ва кино актёрлиги” мутахассислиги бўйича 5 йил давомида таҳсил олади. Табиатан ҳазил-мутойибага мойиллиги бўлган ушбу инсоннинг актёрлик касбини эгаллаши айти муддао бўлади. Ўқиш давомида олийгоҳ устозларининг сабоғини олади ва 1975 йили ўқишни тамомлагандан сўнг ҳарбий хизматга боради. Қозоғистон Республикасининг Семипалатинск шаҳрида ҳарбий хизматда бўлиб қайтади. 1976 йилда ҳарбий хизматдан қайтиб Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театрида ўз ихтисослиги бўйича фаолиятини бошлайди.

Рустам Ҳамроқулов театрга келган пайтида замонасининг энг донгдор актёрлари, созанда-ю хонандалари фаолият олиб борган пайт эди. Ёш истеъдодли актёрлар ҳам уларнинг

қаторида турли образларни яратиб театр жамоаси билан биргалликда санъат ривожини учун хизмат қилардилар. Янгиликка чанқок, тиниб-тинчимас Рустам Ҳамроқулов ижодий фаолиятини театрида бошлайди. Шу даврда халқ орасида аския санъатининг энгил йўналиши, ҳазил-мутойиба кўринишидаги намуналар энди шакллана бошлаган давр эди. Рустам Ҳамроқулов асосий ишидан ажрамаган ҳолда вилоят маданият саройи қошида “Ворислар” ёшлар театр студиясини ташкил этади. Ва ҳажв ва кулгу шинавандаларига спектакл, кулгу кечаларини намойиш этиб халқимизга хизмат қилади. Бу ўзига хос йўналишда Рустам Ҳамроқулов ўзининг янги талқин йўлини топишга уринади. Бу йўлда халқ ҳаётидан келиб чиққан ҳолда, аския анъаналарини сақлаб бир қатор ҳажвиялар ёзиб талқин эта бошлайди.

Рустам Ҳамроқулов театрда ҳам ўзининг зукколиги билан барча актёрлару-режиссёрлар билан яхши муносабатда фаолиятини давом эттиришига асос бўлади. Ҳар қандай янги берилган ролни ижро этиб, ўзига хос образлар яратишга ҳаракат қилади. Унинг тиришқоқлиги ва тезда берилган образларни илғаб ижро этиш қобилияти, тез орада ўзини намоеън этади. Фаолияти давомида жуда кўп спектаклларда турли образларни яратиб, чиройли талқин этишга муваффақ бўлади. “Беш сўмлик келин” спектаклида Нодир, “Ҳаяжонли кўшик”да Корчагин, Ион Друценинг “Каса Маре”да Павэлаке, Азиз Турсуннинг “Машраб” асарида Мамат охун, Шароф Бошбековнинг “Темир хотин”да Кўчқор, “Тохир ва Зухра”да Қоработир, “Номсиз тепалик”да Нодир, “Революция номи билан”да Яшка, “Лазейка”да Дюла, “Тартибдан ташқари”да Қосимов, “Юсуф ва Зулайхо”да Ясовулбоши, “Булбул”да Сарой оғаси, “Тарсаки”да Скуратов, “Қаҳри қаттиқ фаришта”да Бўёкчи, “Ибн Сино”да Юсуфий, “Ўн учинчи раис”да прокурор Улин, “Нурхон”да Қодиров, “Алишер Навоий”да Маждиддин, “Хиёнат”да Баҳром, “Фарход ва

Ширин”да Вазир, “Скапеннинг найранглари”да Скапен, “Тўйдаги тутун”да Илҳом, “Ўз аризасига кўра...”да Шухрат Ботиров, “Адолат”да Майор Зоҳидов, “Инсон кадри” да Репортёр, “Унутилмас кунлар”да Иккинчи босмачи, “Кетар жафоси”да Султонали, “Аллома қисмати”да Лофчи, “Насриддин афанди ва Азроил”да Насриддин афанди каби ранг-баранг роллар шулар жумласидандир.

Ҳаётда у қувноқ инсон бўлганлиги сабабми, актёрлик касбига мойиллиги бўлган ишларни қойилмақом талқин эта оларди. Шу боис у актёрлик билан биргаликда бошловчилик (сухандонлик), қизиқчилик (сўз устаси) килиш билан бирга бу фаолиятни бойитиш мақсадида шоирлик борасида ҳам қалам тебратиб турарди. Яъни, вазият тақозоси билан жойларда ўтадиган концертлар, адабий-бадий, учрашув кечаларида бошловчилик ва моҳир сўз устаси сифатида ичак узди хангомалар билан иштирок этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган кенг қиррали санъаткор эди. Ҳажвий шеърлари эса аввало янгича талқиндалиги билан ажралиб турса, оммавий ахборот воситаларида, хусусан “Муштум” журналида бир неча бор чоп этилганлиги муштарийларга маълумдир.

Унинг А.Обиджон қаламига мансуб “Эшмат хангомаси”, П.Валиевнинг “Автобусда”, ўзи ёзган “Тўй хангомалари”, “Матмуса”, “Валакисаланг”, Саид Аҳмаднинг “Лоторея” каби қизиқарли хангомалари томошабинлар қалбидан чуқур жой олган. Унинг ҳажвиялари ҳозиргача мухлислари орасида севиб тингланади. Энг муҳими ўзбек қизиқчилик санъатида янги яратган ҳажвиялари билан янги даврни бошлаб берди. Бу асарлар халқимиз қалбига кириб борди. Айниқса шу касбни бошлаган ёшлар учун ибрат даражасидаги асарлар сафидан ўрин олди.

Ўзбек театри ва қизиқчилик санъати ривожига қўшган муносиб ҳиссасини инобатга олиб, ҳукуматимиз томонидан,

1988 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан тақдирланган.

Р.Ҳамроқулов 1989 йилнинг 1-октябрида 36 ёшида бахтсиз таъсодиф туфайли ҳалок бўлади. Унинг ҳажвиялари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Чунки Рустам Ҳамроқулов исми янграши биланоқ ҳар бир Ўзбекистонликнинг кўз олдида беихтиёр ажойиб ҳажвиялари билан унинг сиймоси гавдаланади. Унинг аскиялари, ҳажвий шеър ва кўшиқлари ҳозирги кунда шогирдлари ва фарзандлари томонидан ижро этиб келинмоқда.

ТУРДИАЛИ САЪДУЛЛАЕВ (1941-2001)



Ўзбекистонимизнинг барча воҳаларининг ўз мактабларида шаклланиб, элга хизмат қилиб танилган ва ўз фаолиятлари билан воҳалар маданияти ривожига ҳисса қўшган санъат намояндалари талайгина. Ана шулардан бири “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, талантили актёр, созанда ва хонанда Турдиали Саъдуллаевдир. Турдиали Саъдуллаев 1941-йили Наманган шаҳрида таваллуд топган. Табиатан чиройли ва тембри кучли овозга эга бўлган Турдиали ака ёшлигидан мусиқага меҳр қўяди. Барча қатори халқимиз орасида оммалашган кўшиқларни ўрганиб, турли ҳашамларда ижро этиб юради.

Бевосита мусиқа санъатини касб этиб иш фаолиятини эса 1968-йили Наманган шаҳридаги, Гоголь номи маданият уйи қошидаги ансамблда бошлайди. Мусиқа чолғу ижрочилигини яхши ўрганган ёш хонанда аввало созандалик ва шу билан бирга ҳамнафасликда хонандалик фаолиятини юрита бошлайди. Фаолиятини бошланишини ўзи унинг дарҳақиқат мусиқий истеъдоди борлигидан далолат беради. Чунки у замонасининг истеъдодли хонандаси Камолиддин Раҳимов билан ижод қила бошлайди. Биргаликда хонандалик, жўрнавозликда замонага мос кўшиқларни ижро этиб халқимиз орасида таниладилар. У дуторда Камолиддин Раҳимовга жўр бўлиб, ҳамнафасликда кўшиқлар ижро этганлар.

Турдиали Саъдуллаев ва Камолиддин Раҳимовларнинг жўровозлик фаолиятларида юзга яқин кўшиқлар ижро этилиб

халқимиз эътиборига ҳавола этилган. Жўровозликда ижро этилган "Фироқ айлаб", "Қошига ўсма кўйиб", "Хуморман", "Ҳабар йўқ" каби ўнлаган кўшиқлар, халқимиз орасида ўша даврнинг энг оммалашган намуналарига айланди. Уларнинг ташаббуслари билан Ўзбекистон радиосининг олтин фондига ёзилди. Ҳозиргача 50 га яқин кўшиқлар радио орқали ижро этиб келинади.

Халқ ижрочилик санъатининг амалиётида тобланган икки хонандалар 1971- йилдан бошлаб алоҳида-алоҳида ижод қила бошлашади. Тақдир тақозоси билан Турдиали Саъдуллаевни шу йили Наманган вилояти Навоий номидаги муסיқали драма театрига ишга таклиф қилишади. Ушбу жамоада у ўзининг муסיқий санъатини янада кенгроқ намоёиш этишга эришади. Унинг театр сахналаридаги фаолиятида 50 дан ортиқ образларни яратганлиги халқимизга аён. Чунки, Турдиали Саъдуллаев театрда элликка яқин муסיқали драмаларда бош ролларни ижро этади. Тарихий қаҳрамонлардан , Фарход, Лайли, Алпомиш образлари қаторида замонавий қаҳрамонларнинг ҳам сахнадаги сиймосини яратишга муяссар бўлади. Айниқса, Азиз Турсуннинг "Машраб" асаридаги бош қаҳрамон образи Наманган халқининг тилларида дoston бўлганлигини эътироф этиш мумкин. Ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, Турдиали Саъдуллаевнинг овоз тембри айнан муסיқали театр жанрига мос, жарангдорлик хусусиятига эга бўлганлигидадир. Айтилган кўшиқларнинг чиройли тарзда тингловчига етиб бориши, бу театрнинг ютуқларидандир. Турдиали Саъдуллаевнинг муסיқали драмадаги кўшиқларни маромига етказиб ижро этгани ва яратган образлари уни доимо номини тарихларга битилишига асос бўла олади.

Турдиали Саъдуллаев ўзининг кўшиқ ижрочилик йўналишини ҳам тарқ этмади. Аксинча Камолиддин Раҳимов билан бир неча йиллар давомида йиғган тажрибасини ёш истеъдодли хонанда Носиржон Зокиров билан устоз шогирд

сифатида давом эттиради. Шогирди Носиржон Зокировга дугор чолгусини ижрочилик сирларини ўргатиб, биргаликда ижод қиладилар. Бу ҳам ижрочилик амалиётида бошланган илк жўровозлик гуруҳи эди. Секин аста уларнинг ҳам ижроларидаги кўшиқлар ўз шинавандаларини топади. Кўп ўтмай жўровозлар янги кўшиқлар ижро этиб, радио олтин фондига муҳрлашга ҳам эришадилар. Улар ижроларида, Чустий сўзларига битилган "Зеболигингданму", "Оввора қилма", "Соғинч лаҳзаси" каби кўшиқлар элга манзур бўлади. Айниқса, "Дарёга беҳи отсам" деган халқ йўлидаги кўшиқ тингловчилар орасида тез оммалашади ва ёшларни ўзига жалб этади.

Турдиали Саъдуллаев дарҳақиқат ҳаётда камтарин инсон бўлган. Ўзбек мусиқа санъатининг ривожига муносиб фаолият олиб борганликлари учун 1982-йили давлатимиз томонидан "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" деган фахрий унвон билан тақдирланган. Ҳар бир гулнинг ўз атри бор деганларидек, ҳар бир хонанданинг ўз файзи, шинавандаси ва ўз фаолиятига яраша халқимиз орасида ўрни бор. Турдиали Саъдуллаев ана шундай инсонлардан эдилар. Ўз ижролари билан халқимизнинг дилидан жой олишга улгурди. Турмуш ўртоғи билан биргаликда 7 фарзандларни тарбиялаб, вояга етказди. Афсус, касаллик сабабли 2001 йили бу дунёни тарк этди. Яхшиларни ёд этиш ҳаммамизнинг вазифамиздир.

ЎРИНБОЙ НУРАЛИЕВ (1942-2011)



Фаргона водийси хонандалик санъатида ўзига хос овоз ва услубга эга бўлган санъаткорларнинг орасида “Ўзбекистон халқ артисти” Ўринбой Нуралиевнинг алоҳида ўрни мавжудлигини халқимиз яхши биладилар. Ушбу серқирра ижодкор санъатда созанда ва хонанда, актёр, бастакор, устоз – мураббий ва режиссёр каби касбларда ижод этиб халқимиз назарига тушган. Ўринбой Нуралиев 1942 йилнинг 10 июнида, Наманган туманидаги Бешкапа қишлоғида таваллуд топган. Отаси Нурали Сиддиқов, оналари Моҳирахон Сиддиқовалар оиласида яхши тарбия олган Ўринбой ака, ёшлигидан мусиқага меҳр қўяди. Лекин, адабиётга қизиққанлиги сабабли Андижон Педагогика институтининг филология факультетига ўқишга кириб таҳсил олади. Сўнгра санъат йўлидан бориб, Тошкент театр ва рассомчилик институтини “Драма ва кино актёри” мутахассислиги бўйича таҳсил олади. Шундан сўнг мусиқали драма театри даргоҳларида кўп йиллар давомида фаолият олиб боради.

Аввалига 1958 йилдан 1961 йилгача Алишер Навоий номли Наманган вилояти мусиқали драма театрида иш бошлайдилар. Бу даргоҳда бир қатор санъат усталари билан ишлаб, хонандалик, актёрлик соҳаси бўйича анча тажриба орттирадилар. 1961-1978 йиллар давомида Охунбобоев номли Андижон вилояти театри жамоаси билан иш фаолиятларини давом эттирадилар. 1971 йили Ўринбой Нуралиевнинг санъатда олиб бораётган камтарона хизматлари ҳукуматимиз томонидан

муносиб тақдирланди. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” деган фахрий унвонга сазовор бўлди.

1978 йилда эса, яна Наманган вилояти мусиқали драма театрига қайтиб, вокал артисти, театр директори лавозимларида ишлай бошлайди. Бу даврда театрда элимиз севиб ардоқлаган Ўзбекистон халқ артистлари Маҳмуджон Исомиддинов, Маматхон Убайдуллаев, Камолиддин Раҳимов, “Ўзбекистон халқ артисти” таниқли ўзбек санъатининг моҳир актрисаси Ҳабиба Охунова, ҳамда республикада хизмат кўрсатган артистлар Турсунбой Мамедова, Турдиали Саъдуллаев, Меҳри Абдуллаевалар фаолият олиб борардилар. Театрда маҳорати ошган Ўринбой ака ушбу устоз санъаткорлар билан биргаликда ижод қилади.

Ўринбой Нуралиев театр сахналарида ўзига хос маҳоратли образларни яратишга ва элга манзур этишда ўзининг истеъдодини намоён этади. Унинг маромига етказиб ижро этган роллари, яъни образлари - халқимизнинг ардоқли сиймолари “Навоий” (Уйғун ва И.Султон) спектаклида Алишер Навоий; “Ибн Сино” спектаклида Ибн Сино (А.Шаломоев); “Умар Хайём” спектаклида Умар Хайём; “Фарҳод ва Ширин” спектаклида Фарҳод (Хуршид); “Лайли ва Мажнун” спектаклида Мажнун; “Тоҳир ва Зухро” спектаклида Тоҳир; “Нурхон” спектаклида Ҳайдар (К.Яшин); “Машраб” каби миллий драматургия асарларида яратган образлари ўзбек театр тарихи саҳифаларидан муносиб ўрин олди. Бундан ташқари “Машрабни куйлаб” фильм концертида Машраб, Тоҳир Маликнинг “Сўнгги ўк” видеофильмида Мадамин кўрбоши маслаҳатчиси, “Бобур” видеофильмида Мулозим каби бир қанча фильмларда ҳам роллар ижро этишга муяссар бўлади.

Ўринбой Нуралиев яна бир ижодий фаолиятини ўқитувчилик билан давом эттиради. Биз биламизки, миллий ва мумтоз мусиқамизни ривожлантириш, кенг тарғиб қилиш, ёшлар онгига сингдириш мақсадида анъанавий ижрочилик йўна-

лиши таълим тизимига киритилди. Хусусан анъанавий хонандалик синфлари очилди. Ўринбой Нуралиев ҳам Наманган маданият коллежи ва Наманган педагогика коллежида шу йўналиш бўйича ёшларга тарбия бера бошлайди. Анъанавий хонандалик синфида ёшларга мумтоз мусиқа намуналаридан дарс беради. Сўнгги йилларида Наманган давлат университети “Мусиқий таълим” кафедрасида талабаларга анъанавий хонандаликдан сабоқ беради.

Албатта маҳоратли ижрочи, мумтоз мусиқа ижрочилиги билимдони бўлган Ўринбой Нуралиев Наманган давлат университетида ўзининг педагогик маҳоратини намоён этади. Фаолияти давомида бир қатор истеъдодли ёшларга мусиқа ижрочилиги сирларини ўргатиб яхши натижаларни кўрсатади. Ҳаттоки “Ниҳол” давлат мукофоти совриндорларини тарбиялашда ҳиссасини қўшади.

Ўз ижоди давомида якка хонанда сифатида ўзининг ижро йўлини шакллантиради. Бунга унинг ўзига хос овози ва ижро талқини асос бўлади. Тез орада ўзининг ижроси билан эл орасида танилади.

Халқимиз наздида хушовоз хонанда сифатида танилган Ўринбой Нуралиев ўзининг ёқимли овози орқали бир қатор кўшиқларни ижро этиб кенг оммалашишига сабабчи бўлди. Жумладан “Онагинам”, “Сўрамайсиз”, “Лола сайли”, “Раъно”, “Кўча боғи I,II”, “Баёт II”, “Табассум”, “Ваганимсан”, “Алдама”, “Керак бўлсанг”, “Кўз тегмасин”, “Не учун”, “Кулишларинга борман”, “Эй,қомати барнолар”, “Кўнгил”, “Жамолингдан”, “Соғинсам отажоним” каби кўшиқлари халқимиз орасида кенг оммалашиб кетди. Ўз репертуридан кенг ўрин олган бир қатор намуналар Ўзбекистон телерадиосининг олтин фондига ҳам ёзиб олинган. Муҳими, Ўринбой Нуралиевнинг яратган ва ижро этган бир қатор кўшиқлари ҳозирги давримизда ҳам ёш санъат намояндalари томонидан ижро этиб келинмоқда.

Умрининг сўнгги йилларида у, 1992 йилдан Наманган вилоят маданият бошқармасига қарашли “Халқ ижодиёти маркази” директори лавозимида фаолият юритади. Бир қатор шогирдлар унинг ижро йўлига меҳр қўйиб, унинг ижро услуби-ни эгаллаб, халқимиз хизматини қилишмоқда. Жумладан, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” Мирзаабдулла Раҳмонов, Умиджон Қорабоевларни кўрсатиш мумкин.

Бетакрор актёр ва хонанда Ўринбой Нуралиевнинг ўзбек санъатини ривожига қўшган хизматларини инобатга олган ҳол-да ҳукуратимиз томонидан муносиб бахоланди. У 1971 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”, 1991 йилда эса “Ўзбекистон халқ артисти” фахрли унвонлари билан тақдирланди.

ЗОКИРЖОН ЭРГАШЕВ



Ўзбекистон Республикаси ўрга-махсус “Таълим аълочиси”, “Мустақилликнинг 25 – йиллиги” медали соҳиби, моҳир созанда, шогирдлари билан бир қанча кўрик ташловларда фахрли ўринларни қўлга киритган, ўз касбига садоқатли, бетакрор, бугунги кун талаби даражасидаги фидойи, изланувчан ва талабчан устоз ва мураббий Эргашев Зокиржон Абдурахмановичдир. Ижодкор сифатида нафақат мактаб жамоасида, балки Наманган шаҳри ва вилоятда алоҳида хурмат эътиборга эга бўлган Эргашев Зокиржон 1952 йилнинг 30-июнида Наманган вилояти Уйчи туманида ишчи-хизматчилар оиласида таваллуд топган.

Отаси: Эргашев Абдурахмон иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, моҳир уста. Онаси: Раҳимова Қандолатхон ая кўп йиллар давомида Уйчи савдо уюшмасини бошқарганлар.

Зокиржон устознинг ёшлик даври ўзи учун қизиқ ва мусиқа дунёсига кириб келиб муайян чолғу ижрочилигини эгаллаш билан ўтган. Уйчи туманидаги “Байналминал” номли

6-сонли ўрта мактабда ўқиш билан бирга Уйчи туманидаги Пионерлар саройида “Дамли чолгулар оркестри” тўғарагида дамли чолгулардан биринчи устози Прокопенко Тимофей Макаровичдан Труба созини ижро этиш таълимини олади. Мусикани дилдан севган ва энг муҳими мусиқий қобилиятга эга бўлган Зокиржонни тўғарак раҳбари Тимофей Макарович Прокопенко ўз тарбиясига олади ҳамда унга қобилиятига яраша труба чалиш маҳоратини ўргатади. Унинг шу йўналишда мукамал таълим олиши, эгаллаши ва замон талабига мос ривожланишида ўзининг устозлик меҳрини беради.

1967-йили ўрта мактабнинг 8-синфини тамомлаб, Наманган Давлат санъат билим юртида ўқишини давом эттиради. Бу даргоҳ унинг учун севган мутахассислиги бўйича ихтисослашган ўқув маскапи эди. У 1967-1971 йиллар давомида ўзининг мусика саводи, труба ижро этиш маҳоратларини мустаҳкамлайди. Наманган давлат санъат билим юртида устози Хусаинов Гали Султанович ёрдамида труба чолгусининг профессио-нал имкониятларини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. 4 йил давомида барча фанлардан яхши ва аъло баҳоларга ўқиб муваффақият билан тамомлаб, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг “Оркестр” факултети, дамли чолгулар кафедрасининг труба чолгуси синфига ўқишга киради. Консерваторияда у таникли педагог профессор Эргаш Пўлатов синфида олий даражадаги таълим сабоқларини олади. Консерваториядаги ўқишнинг қизиқарли томонларидан бири шундаки, истеъдодли талаба албатта консерваториянинг моҳир ижрочиларининг анъаналарини ўрганиши мумкин. Билимга чанқоқ Зокиржон ҳам худди шундай ҳолатларда труба ижрочилиги бўйича ўзининг ижодий имкониятларини оширишга муваффақ бўлади.

Бўлажак моҳир созанда талабалик давриданок мустақил ижрочилик фаолиятини бошлаб юборади. Аввалига у

“Муқимий” номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма ва комедия театри қошидаги Симфоник оркестрида якканавоз - трубачи бўлиб ишлай бошлайди. 1974 йилдан эса Ўзбекистон давлат филармониясининг Катта симфоник оркестрида якканавоз - трубачи лавозимида ижрочилик фаолиятини давом эттиради.

1979 йилдан бошлаб Алишер Навоий номи Ўзбекистон Давлат катта Академик Опера ва балет театри Симфоник Оркестри жамоасида устоз санъаткорлар қаторида ишлайди. Театр жамоаси билан халқаро миқёсда турли концерт гостролларида иштирок этишга муваффақ бўлади. Жумладан: 1980 йили Москва Катта Опера ва балет театри, 1982 йили Германия давлатининг: Берлин, Лейпциг ва Дрезден шаҳарлари, 1984 йили Озарбайжон республикасида Ўзбекистон республикаси маданият ва санъат декадасида иштирок этишга муваффақ бўлади. Бу концерт сафарлари унинг ҳаётида улкан ўзгаришлар, якканавоз созандалик санъатини мукаммал эгаллаш ва устозларча шаклланишида катта аҳамият касб этади.

Ижрочилик соҳасида ўзига хос тажриба орттирган Зокиржон Эргашев 1986 йилдан бошлаб педагогик фаолиятини бошлайди. Қайд этишим керакки ушбу устоз нафақат билим-гоҳнинг нуфузи, ёки Наманган вилояти, балки республикамизнинг ушбу йўналишининг замонга мос ривожига ҳамда дамли чолғулар бўйича мутахассислар етиштириш ва энг муҳими моҳир созандаларни тайёрлашда жуда унумли фаолият олиб боришга эришиб келмоқда. Бу албатта унинг иқтидори, тажрибаси ва унинг хоҳиши билан боғлиқ беминнат меҳнати ўз самарасини кўрсатганлигини эътироф этишимиз лозимдир. Сидқу дилдан ватанга садоқатли меҳнат қилишнинг натижаси десам айти тўғриси айтган бўламан.

Айнан у 35 йил давомида (2086-2021) пуфлама ва зарбли чолғулар кафедрасида “Труба” синфи бўйича ўқувчиларга сабоқ бериб келмоқда. Шу йиллар давомида жуда кўплаб малакали мутахассислар тайёрлашга эришди. Унинг ўқувчилари

Республика миқёсида бўлиб ўтган ёш ижрочилар кўрик танловларида мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Йигирмага яқин ўқувчилари Ўзбекистон давлат Консерваториясини тугатиб, мусиқа ва санъат соҳаларида ҳамда Республикамиздаги нуфузли ҳарбий оркестрларида хизмат қилмоқдалар.

Шу йиллар давомида Республика миқёсида бўлиб ўтган ёш ижрочилар кўрик танловларида Зокиржон Эргашевнинг талабалари совринли ўринларга эга бўлдилар. Лауреатлар қаторида Абдурахманов Иззет (1986 й. Андижон 2-ўрин); Ҳожиёв Шокир (1993,1995 й. Қарши, Тошкент 1-ўрин); 1999 йил, Тошкент - Турғунов Икром, Халилов Арсенлар фахрли 2-3-ўринлар; 2001 йил Тошкент - Турғунов Икром, Наримонов Олимжон; 2003 йили Ҳабибуллаев Садриддин; 2006 йил Тошкент - Даврон Қўчқоров, Р. Нариманов; 2009 йил Тошкент - З. Эргашев раҳбарлигидаги Наманган санъат коллежи Пуфлама ва зарбли чолгулар оркестри 1-ўрин; 2009 йил Қарши - Дилшод Мамадалиев 1-ўрин; 2012 йили - Фатхулло Боқиев 2-ўрин; 2014 йили Тошкент - Коллеж оркестри 1-ўрин ва катта кубок совриндори; 2017 йили - Абдумажидов Жавохир 2-ўрин; 2018 йили Тошкент - Халқаро ёш ижрочилар танловида Зокиров Ислон 2-ўрин; 2019 йили Беларусия республикаси Минск Халқаро “Европа кубоги” Абдувоҳидов Муҳаммадали 1-ўрин. Буларнинг барчасини фахр билан тилга олиш керак. Жамоамиз бир фидоий педагогининг самарали фаолиятидаги ютуқлари, дарҳақиқат фидокорона меҳнат десак арзийди.

Зокиржон Эргашев ноёб дамли чолғу бўйича Республикамизнинг таниқли устоз созандаларидан биридир. Айнан труба мутахассислигида бу домламизга тенг келадигани кам ва ўзининг ижрочилик маҳорати билан устозона ижросига эришган виртуоз созандадир. Унинг ижро репертуари ҳам жаҳоннинг энг нуфузли композиторларининг асарлари,

таниқли трубачилар ижро этган дастурлардан ташкил топган. Колаверса унинг ижро дастуридан Француз композитори Ж.Арбаннинг “Венеция базми”, Италия композитори А.Альбинининг “Адажио”, А.Варламовнинг “Бағишлов”, С.Каримхўжанинг труба ва Оркестр учун ёзган 2 чи Концерти, Н. Римский-Корсаковнинг “Ари учиши”, Америка композитори Жорж Гершвиннинг “Рапсодия в стиле блюз” каби ўнлаган асарлар муносиб ўрин эгаллаган.

Шу йиллар мобайнида Зокиржон Эргашев мусиқа даргоҳимизнинг пуфлама ва зарбли чолғулар Оркестрини бошқариш билан бирга вилоят, шаҳар, Республикада бўлиб ўтаётган тадбирлар, жумладан “Мустақиллик”, “Навруз”, “Конституциямиз қабул қилинган кун”, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Хотира ва қадрлаш кун” лари ва бошқа жуда кўплаб байрам тадбирларида мунтазам иштирок этиш билан бирга, Қариялар ва ногиронларга ҳам ўз концерт дастурларини намойиш этиб келмоқдалар. Зокиржон Эргашев раҳбарлигидаги “Пуфлама ва зарбли чолғулар” Оркестри мана 25 йилдирки Чақирувдаги ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросимларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Зокиржон Эргашев жуда ҳам масъулиятли педагог, ҳақиқий фидойи устоз, ёшларга, унинг синфига келган ўқувчиларнинг аксарияти мусиқа мактабини тамомламай бир икки йил ўқиб келган шогирдини игна билан қудук қазигандай эринмай соатлаб ўқувчиларга билим беради ва қисқа муддатда ушбу ўқувчилар труба чолғусида баралла ижро эта оладиган даражага етади. Зокиржон Эргашев катта мусиқий қалб эгаси. У тўлақонли забардаст ижрочи-созанда. Унинг шогирдлари бутун Республикамизда ҳатто қўшни давлатларда ҳам фаолият олиб боришмоқда.

У Республикамизда энг кўзга кўринган давлат миқёсидаги дамли созлар оркестрларида ишлаб келишмоқда. Зокиржон Эргашев шундай инсон-ки иш жараёнларида, таълим

муассасасида, шаҳримиз ва вилоятимизда тўсатдан бўлиб ўтадиган тадбирларга оркестрни олиб чиқиш учун ҳеч қачон бош тортмаган. У инсон ўзининг касбини жуда севади ва ҳамиша унга садоқат билан ёндошади. Оркестр унинг жонуди, у билан яшайди. Ҳар йили ранг-баранг репертуарлар танлайди. Биз дамли созлар оркестрининг концертини ҳар доим интиқлик билан кутамиз.

Баҳор ойларида бўлиб ўтадиган тадбирларга, боғларга, сайлларга чиқганда халқимиз жону-дили билан эшитиб, оркестр жамоасини ўраб олишади.

Фидойи инсон Зокиржон Эргашевнинг кўп йиллик самарали меҳнати, санъат ва маданиятга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг “Санъат ва маданият фидойиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

СОИБЖОН БЕГМАТОВ



Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори, санъатшунослик фанлари номзоди, профессор Соибжон Бегматов кўп қиррали илмий-назарий, педагоглик, раҳбарлик ва жамоатчилик фаолияти билан ўзбек мусиқа санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган намояндаларимиздан бири. Мусиқашунос олим 10 дан ортиқ дарслик, ўқув қўлланма ва монографиялар ҳамда 100га яқин илмий ва

оммабоп мақолалар муаллифидир.

Бегматов Соибжон Махмудович Наманган вилояти Чуст шаҳрида, 1957 йил 20 сентябрда оддий ишчи Махмуджон ота оиласида таваллуд топган. Оилада 8 та фарзанд бўлиб, мусиқа билан фақат Соибжон шуғулланган. Бунинг сабаби волидаи мухтарамаларининг мусиқага бўлган меҳрлари бўлиб, фарзандини 2-синфдан мусиқа мактабига ўқишга олиб бориб, устози Абдуллажон Ҳомидов кўлига топширган. Устознинг раҳнамолигида ўзбек халқ чолғуларидан қашқар рубоби синфида ижрочилик сирларини кунт билан ўрганган. У умумтаълим мактабида ва болалар мусиқа мактабида 1964-1972 йилларда таълим олади.

1972 йили Наманган мусиқа билим юртига ўқишга боради. Шу йили мусиқа билим юртининг директори Толмас Бобоевич Гаффоров ўзбек мусиқашунослик мактабини яратиш ниятида, мусиқа мактабида фаол ўқиган 7 та абитуриентни мусиқашунослик бўйича экспериментал курсга қабул қилади.

Шу сабаб ёш муסיқачилар муסיқашунослик касбини эгаллаш учун тахсил ола бошлайдилар. Улар муסיқа билим юртининг энг тажрибали педагоглари қўлида тахсил оладилар ва 1976 йили билим юртини битиргандан сўнг, уларнинг орасидан икки нафари Соибжон Бегматов ва Муҳиддин Носировлар М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси (Ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси)нинг муסיқашунослик факультетига ўқишга кирадилар. Бизнинг ҳам дўстлик, ҳамкорлик фаолиятларимиз ана шу даврдан, яъни консерваториядаги сабоқ давридан бошланган.

Соибжон муסיқашунослик соҳаси бўйича Шарқ муסיқаси кафедрасида тахсил олди ва устоз, муסיқашунос олим Отаназар Матёкубов илмий раҳбарлигида шарқ, оврупо, жаҳон муסיқа назарияси ва маданияти бўйича таълим олади. Консерваториянинг етакчи муסיқашунос олимлари ва турли йўналиш педагоглари қўлида сабоқ олиш билан бирга муסיқа амалиётининг аҳли созанда-ю хонандалари билан бир қаторда ижрочилик фаолияти билан ҳам шуғулланиб боради. Ихтисослик бўйича Отаназар Матёкубов илмий раҳбарлигида «Эрон дастгоҳлари» мавзuida диплом ишини ёклаб, 1984 йили консерваторияни муваффақиятли битиради. Ижодий йўлланма билан Ўзбекистон композиторлар уюшмаси қошидаги муסיқа фондида “Муסיқа муҳаррири” вазифасида иш бошлайди.

1987 йилдан, шу даврда М.Ашрафий номи билан аталган Тошкент давлат консерваториясининг Халқ ижодиёти кабинети мудири ва ўқитувчи лавозимларида фаолият юрита бошлайди. Ушбу даргоҳда у айнан ўзбек мумтоз муסיқа санъатини илмий томонлама ўзлаштиришга катта эътибор қаратади. Шу боис у Консерваторияда олган билимларини педагогик ҳамда илмий-тадқиқот йўналишларида давом эттиради. Бу консерваториядаги фаолияти давомида у оддий ўқитувчидан, то ки “Ўзбек мақоми назарияси ва тарихи” кафедрасининг мудири, профессор ҳамда илмий – ижодий ишлар ва халқаро алоқалар

бўйича проректори лавозимларида фаолият олиб боришга муваффақ бўлади.

Соибжон Бегматовнинг ижодий фаолиятининг жиҳатлари кўп. Серқирра ижодкор сифатида танилган мусиқашунос олим мусиқа санъатининг педагогик, илмий тадқиқотчилик, устозлик, тарғиботчилик ва раҳбарлик йўналишларида самарали фаолият олиб бормоқда. Буларни барчаси бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисини тўлдирувчи, энг муҳими ўзбек мумтоз мусиқа меросининг турли йўналишлари эканлигини қайд этиш лозимдир. Чунки мусиқа санъатининг ўзи гўзал йўналишларни ўзида мужассам этган. Уларнинг назарий ҳамда амалиётини уйғун ҳолда олиб бориш, албатта ижодкорга катта имкониятларни амалга ошириш учун замин яратиб беради. Унутмаслик керакки, бунинг барчасига, катта меҳнат эвазига эришилади. Соибжон Бегматов ана шундай меҳнатсеварлиги ва янгиликларга интилишлиги билан фаолиятининг барча йўналишларини уйғун олиб боришга эришди ва ҳар томонлама самарали ижод этиш йўлидан борди.

Мусиқашунос олимнинг илмий йўналишининг ўзини бир неча тармоқларга бўлиш мумкин. Аввало илмий тадқиқотларни Соибжон Бегматов номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишдан бошлайди. У «Фарғона водийси ҳофизлик анъаналари» (Содирхон Ҳофиз, Жўраҳон Султонов ва Расулқори Мамадалиевлар ижоди мисолида) мавзуида номзодлик диссертациясини ёзиб, 1995 йили муваффақиятли ёқлайди ва «Санъатшунослик фанлари номзоди» илмий даражасига эга бўлади. Айнан мана шу илмий ишининг ўзида у Фарғона водийсининг учта забардаст ва алоҳида ижрочилик услубларини, мактабларини яратган Содирхон Ҳофиз, Жўраҳон Султонов ва Расулқори Мамадалиев каби устоз санъаткорларнинг ижодини ўрганади ва уларни ижро услубларининг амалий негизларини назарий жиҳатлама баён этишга муваффақ бўлади. Бу илмий ижодининг бошланиши бўлса, кейинчалик

Ўзбек мумтоз мусиқа санъатининг дарғаларининг ижодини ўрганишни давом эттиради.

Хусусан Соибжон Бегматов илмий-ижодий фаолиятида ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган ўқув қўлланмаларни яратишга эътибор қаратади. Айниқса ўзбек бастакорлик анъаналари ва ижрочилик санъатини теран ўрганишга аҳамият беради. Натижада 2000 йили “Орифхон Ҳотамов”, 2002 йил “Қамолиддин Раҳимов”, 2006 йили “Мухторжон Муртазов” (ҳаммуаллиф А.Зокиров), 2017 йили “Ориф Алимахсумов”лар ижодий фаолиятларига бағишланган монографияларни нашр этади.

Ўрта махсус ва Олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари учун “Мақом сурнай йўллари” (2004), “Анъанавий ансамбль синфи” (2008), “Ўзбек анъанавий чолгулари” (2008) ва Олий таълим муассасалари магистратура босқичи талабалари учун “Ҳофизлик санъати” (2007) ўқув-услугий қўлланмалар, ўзбек бастакорлик санъати тарихи фанидан «Бастакорлар ижоди» номли ўқув қўлланма (2017). 6-синф “Мусиқа дарслиги” (2017), 2018 йилда эса мусиқашунослар билан ҳамкорликда консерваториянинг Санъатшунослик мутахассисликлари учун ҳаммуаллифликда “Санъатшунослик асослари” (2018), “Санъатшуносликка кириш” (2018), ва “Ўзбек мусиқа тарихи” (2-жилд) ОТМ учун дарсликлари (2018) нашр эттиришга муваффақ бўлади. Ва шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки у ўзбек халқ ва мумтоз мусиқа санъатининг турли муаммоларига бағишланган 100 дан ортиқ илмий-назарий ва оммабоп мақолалар муаллифидир.

Илмий ижодий фаолиятининг иккинчи йўналиши дарҳақиқат диққатга лойиқ деб ўйлайман. Чунки бу назарий, амалиёт ва нотиклик санъатлари билан боғлиқдир. У ҳам бўлса радио ва телевидение орқали мунтазам мавзули кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаб олиб боришдир. Бу аввало масъулиятли иш деб ўйлайман. Чунки, ахборот воситаларида доимо аниқ

маълумотлар кераклилиги ва тингловчиларга қизиқарлилиги бўлиши керак. Бу албатта муסיқа тарғиботига хизмат қилиши муқаррар. Бу эса муסיқашунос олим учун энг зарур ва доимо тингловчиларни диққатида бўладиган соҳа ҳисобланади. Соибжон Бегматовнинг муסיқа соҳасидаги илми ва билимларини унинг ана шу ОАВ лари орқали олиб борган кўп йиллик фаолиятида ўзини намоён этиб келаётганлиги муסיқа ихлосмандларига маълумдир. Хусусан, унинг муסיқа санъатини тарғиботи масаласида 1982 йилдан бошлаб ҳозирги давргача ўзбек мумтоз муסיқа санъатини халқимиз орасида кенг оммалашинишида ўз хиссасини қўшиб келаётганлигини алоҳида эътироф этиш лозимдир. 40 йилдан кўпроқ давр мобайнида у Телевидение ва радио орқали бериб борилган “Барҳаёт наволар”, “Муסיқамиз меросидан”, “Анъаналар этади давом”, “Муסיқий меросимиз хазинасидан”, “Шашмақом”, “Навоий ва муסיқа” каби кўплаб мавзули ва туркумли кўрсатувлар муаллифи ва олиб борувчиси сифатида самарали фаолият олиб борган.

Соибжон Бегматовнинг меҳнат фаолияти 1983 йили Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси қошидаги Муסיқа жамғармасининг муסיқий тарғибот бўлимида муҳаррирликдан бошланди. Шунингдек, 1984-1986 ўқув йиллари Гулистон давлат муסיқа билим юртида ва 1986-1987 йилларда Низомий номидаги педагогика институти муסיқий педагогика факультетида муסיқа тарихидан дарс берди. 1987 йилдан бошлаб деярли 40 йил давомида Тошкент давлат консерваторияси Шарқ муסיқаси кафедраси таркибидаги Халқ муסיқа хонаси мудирини, малака ошириш факультети декани, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент ва профессор вазифаларида иш фаолиятини олиб боради.

Мана 4 йилдирки Ўзбек миллий мақом санъати марказида раҳбар бўлиб фаолият олиб бормоқда.

Соибжон Бегматов барча Наманганликларнинг фахри ҳисобланади. Бошқа соҳаларда ҳар хил номзодлар, олимлар, фан докторлари кўплаб чиқаётган бўлиши мумкин. Аммо Наманган вилоятининг гўзал, сўлим гўшаларидан бири Чуст шаҳридан чиққан мусиқа, санъат соҳасидаги олим ягона деб биламан. Бу инсоннинг жуда кўп қирралилиги, билимлилиги, салоҳиятлилиги, ва айнан тарихий билимларга эга эканлиги унинг жуда кўп ўқиганлигидан деб биламан. Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда Республикамизнинг энг нуфузли даргоҳи Ўзбек миллий мақом санъати марказининг раҳбари этиб тайинланганлиги ва фаолият олиб бораётганлигидадир.

Соибжон Бегматов Наманган санъат коллежи (Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби)га кўп ташриф буюрган. Учрашувларга, маҳорат дарсларига ва давлат имтиҳонларига келиши биз учун катта байрам бўлар эди. Ҳар доим ташриф буюрганида ўқитувчи ва ўқувчиларимиз учун кўплаб мусиқа санъати соҳасига тааллуқли тарихий воқеалар ва биз билиб билмаган санъат ва мусиқа тарихига оид кўплаб маърузалари билан иштирок этиб келади.

Соибжон Бегматов ўта маданиятли, камтарин, самимий дўстпарвар, оилапарвар инсон. Бутун Республикамиздаги санъат аҳли бу инсонни жуда ҳурмат қилади. Ўзбек миллий мусиқа санъатининг бой илмий меросини ривожлантириш ва уларни келажак авлодга етказишда ўзининг беминнат ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу йўлда Соибжон Бегматовга соғлик, узоқ умр ва омад тилаб қоламиз.

ОНАХОН ТОЖИБОЕВА (1920-2004)

Ўзбек маданияти ва санъати ривожига йўлида кўп санъаткорлар фидокорона хизмат қилган. Айниқса ўзбек аёлларнинг XX аср бошларида олиб борган илк фаолиятлари таҳсинларга лойиқдир. Сабаби шаклланиш давларини ўзига хос шароитлари, тушунчалари ва заҳматли меҳнатларини халқимиз яхши биладилар. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, «Эл-юрт хурмати» ордени ва «Шуҳрат» медали соҳибаси Онахон Тожибоевани ана шундай



ҳаётини санъатимиз ривожига бағишлаган инсонлар қаторида эъзоз топганлигини алоҳида қайт этишимиз мумкин. Энг муҳими Онахон Тожибоева ўзбек театр санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган, ўзбек санъати саҳифаларида из қолдирган санъаткордир.

Онахон Тожибоева 1920 йил 3 мартда Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани Заркент қишлоғида туғилган. 1923 йили эса оилалари билан Намангандаги «Зирабулок», ҳозирги «Мукаррама Азизова» номли кўчасига кўчиб келиб шу ерда истиқомат қилганлар. Илк билимларини ўрта мактабда, сўнгра тиббиёт мактабида ўқиб таҳсил олади. Тиббиёт билим юртидаги ўқиш даври, опанинг ҳаётида бир умрга асосий касбини танлаш учун сабабчи бўлиб қолади. У ҳам бўлса мактабнинг ҳаваскорлик тўғарақларидир. Бу тўғарақларда иштирок этиб, театр, муסיқа соҳасига кириб келади. Қўшиқ

айтиш, рақсга тушиш ва сахналарда драматик роллардан парчалар ижро этиш кўникмаларига эга бўлади.

Одатда, истеъдод эгалари даврининг устозлари назарига тушгандан кейин катта санъатга кириб келадилар. Онахон опанинг ҳаётида шунга ўхшаш воқеа рўй беради ва санъат даргоҳига кириб келади. Бу айнан шу даргоҳда рўй беради. Кунларнинг бирида тўгарак қатнашчилари тайёрлаган дастури-ни томоша қилгани Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали драма ва комедия театридан бир гуруҳ улуғ санъаткорлар келадилар. Улар орасида шу пайтдаги театр раҳбари Ҳотам Қирғизов, кейинчалик ўзбек театр санъатининг отахонига айланган Раззоқ Ҳамроев, Мукаррама Азизовалар бор эдилар.

Улар мактаб тўгаракларининг ижодий ишлари билан танишиш жараёнида ҳар бир истеъдод эгасига катта эътибор қаратишарди. Истеъдодли болалар кўп, лекин нимаси биландир ўзига жалб этган Онахон Тожибоевага эътибор қиладилар. Балким ёш қизчанинг ўйнаган ролларидаги образлар эътиборни жалб этганмикан. Ёки, овозида ёқимли тусни сезганми, нимаси биландир унинг овози санъаткорларнинг эътиборини ўзига жалб этади. Бу эса ёш Онахоннинг ҳаётини асосий мақсадига етаклайди. Устозлар Онахонни театрга таклиф этадилар. Етим Бобожонов раҳбарлигида бир кичкина ижодий гуруҳ белгилашиб ўзига хос имтиҳон қиладилар. Дарҳақиқат мусиқий қобилият, актёрлик санъатига бўлган мойиллиги бўлган Онахон ўзини намоён этади ва устозлар кўригидан ўтиб, театрга ишга қабул қилинади.

Аввало, устозларга тасаннолар айтиш керак. Истеъдод эгасига шунчалар эътибор ва уни навнихол сифатида асрашлари, булар ҳаммаси санъатимизнинг ривожини учун жон куйдириш десак адашмаган бўламиз. Чунки, Онахонни театрга устозлар олиб келган бўлсалар, уни театрдаги фаолиятида ҳам ҳаммалари бирдек устозлик қиладилар. Уларнинг орасида албатта

режиссёрлар ҳам иштирок этганлар. Айниқса, Раззоқ Ҳамроев, Мукаррама Азизова, Турсунхон Жаъфарова, Собир Раҳмоний, Мирзажон Дадабоев каби актёрлар ёш истеъдод эгасининг театр санъати билан боғлиқ барча нюансларни эгаллашида раҳнамолик киладилар. Чиройли овоз эгаси кўшиқ айтиш сирларини эса, ўша даврдаги Наманганнинг забардаст санъат усталари Уста Рўзиматхон Исабоев, Бурхонжон Юсупов ва Каримжон Мансуровлардан ўрганеди. 1941 йилдан умрининг охирига қадар у Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида ишлаб, ўзбек миллий театр санъатини юксалтиришга салмоқли улۇш қўшиб келди.

Ўзбек театр санъатининг ёрқин намояндаси Онахон Тожибоева Наманган вилоят театрида қарийб 65 йил фаолият юритган. У ўз ижодий фаолияти давомида сахнада юздан ортик ранг-баранг роллар ижро этиб, ўзининг истеъдодини намоеън этди.

Унинг Наманган театри сахнасида яратган “Лайли ва Мажнун”да Лайли, “Фарҳод ва Ширин”да Ширин, “Тоҳир ва Зухра” да Зухра, “Нурхон” да Кимё ва Қумри, “Тулсара” да Гулсара, “Доғлар” да Карима, “Холисхон” да Мастура сатанг, “Отелло” да Дездемона, “Тошболта ошиқ” да Рисолат пари каби халқимизга яқиндан таниш бўлган спектаклларда эса қоларли ва ажойиб образлари ўзбек миллий театр санъати тарихи саҳифаларига муҳрлайди. Дарҳақиқат унинг ижро этган роллари бетакрорлиги билан халқимиз қалбида ўчмас из қолдирди.

Актрисанинг сахнада ва кинода яратган ўзбек оналари образи ҳам бетакрорлиги, миллий туйғуларга йўғрилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, Нигоройим “Анвар ила Раъно”, Ҳуринисо “Олтин девор”, Ҳадича “Синдирилган кўза”, шунингдек, “Ёр-ёр”, “Синчалак”, “Фарҳоднинг жасорати” каби фильмлардаги оналар сиймолари Онахон опанинг актриса сифатида яратган образлар полотносидан мустаҳкам ўрин

олган. Шунингдек, актриса умрининг сўнги йилларида театрда яратган А.Абдуғофуровнинг “Топқир Толмас”, А.Зайниддиновнинг “Сўнги пушаймон”, А.Жабборовнинг “Алпомишнинг ўқ-ёйи” сингари спектаклларида яратган оналар образи ҳам ўзига хослиги билан ўзбек театри тарихи зарварақларига битилган.

Онахон опа мазмунли ҳаёт кечириб ўтдилар. Ўзининг сермахсул ижодий фаолияти давомида шахсий ҳаётини ҳам унутмади. Онахон Тожибоева “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист”, замонасининг таниқли санъат устаси, моҳир созанда, бетакрор ажойиб бастакор Каримжон Мансуров билан умр йўлини боғлаб, чиройли оила қурдилар. Шириндан шакар фарзандларининг сеvimли онаси бўлдилар ва сўнмас асарлар яратиб мусиқамиз меросини бойитдилар..

Онахон Тожибоеванинг сермахсул меҳнати, ўзбек театр санъатини ривожлантиришга қўлган ҳиссаси давлатимиз томонидан муносиб эътироф этилди. Опа 1964 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони, 1994 йили “Шухрат” медали, 2000 йилда эса “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган. Онахон Тожибоева 2004 йили бу ёруғ оламини тарк этиди Опанинг ижросидаги бетакрор ва жозибали роллари ҳалқимиз орасида ҳали кўп йиллар калбларда яшайди.

АЛИЖОН МУҲАМЕДОВ



Истеъдодли санъаткор, кино ва театр санъати ихлосманди ва актёри, машҳур найчи Набижон Муҳамедовнинг ўгли Алижон Муҳамедов ўз ижодий фаолияти давомида бир қанча кино ва сериаллардаги роллари билан телетомошабинлар қалбидан жой олиб улгурди. Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи 70 ёшли Алижон Муҳамедов тақдир тақозоси билан ота-боланинг умри Ўзбекистон санъати арбоби уста Рўзиматхон Исабоев, Ўзбекистон телевидениесининг муסיқа муҳаррири Санъат Рўзиматов, муסיқа муаллими Одилжон Рўзиматовлар билан бир муҳитда кечди.

Алижон Наманган шаҳридаги 15-мактабда ўқиб юрганидаёқ санъатни нозик илғарди. Кўзи ожиз онаизорининг дилига таскин бериш учун отасидан етим қолган ўспирин йигитча кино ва драмалардан парчаларни, арияларни ижро этиб берарди.

- *Йўқ, мен унда фақат онам учунгина ижро этардим. Кўп матнларни онамнинг руҳиятидан келиб чиқиб, ўзгартириб, янгича вариантда тўқир эдим. Овозим ҳам созу хушхон эмасди. Лекин ижро этишга майлим хўб эди, -* дейди Алижон Муҳамедов ўсмирлик даврини эслаб.

- *Отам санъаткор, отамни ўз тасарруфига олган уста Рўзиматхон Исабоевлар даргоҳидаги муҳит санъатга ошуфта бўлгани учун ўз-ўзимдан образга кириши, матнларни тез ёдлаш техникасини ўзлаштиргандим.*

“Горкомхоз”да қоровул бўлиб меҳнат фаолиятимни бошлаганман. Шаҳар, вилоят, республика миқёсидаги радио-шиттиришларда, турли телекўрсатув, бадиий ва ҳужжасатли

фильмларда мунтазам қатнашардим. Шу йўл билан ички эҳтиёжларимни қондирар эдим, назаримда.

Раззоқ Ҳамроев, Тамарахоним, Комилжон Жабборов, Фахриддин Содиқов, Мукаррама Азизова, Муҳриддин Мансуров, Каримжон Мансуров, Онахон Тожибоева, Камолиддин Раҳимов, Турдиали Саъдуллаев, Мирзажон Дадабоев, Бурхонжон Юсупов сингари донгдор санъаткорлар билан жуда яқин қадрдонлик ришталаримиз бор.

Тамарахоним 1959 йилда келганларида дадамдан шошилинч дуо сўрадилар. Амма-холаларимиз, қўни-қўшнилар бир зумда тўпланиб “-қозон-ўчоққа уриняпмиз”, - дейишса, Тамарахоним, қўлларини кўксига қўйиб, “-Қорадарёга ўз маблағимдан кўприк қурдирдим. Шунини очилишига келяпман, устоздан дуо олайин, деб рови кирувдим”, - дея миннатдорлик билдирди.

Бу ҳолни кўзим билан кўриб ,гувоҳ бўлганимдан кейин санъат кишиларига ихлосим яна ўн чандон ортиб кетди.- дейди Алижон Муҳамедов.

Хуллас, ўзи жойларда оддий қоровул бўлиб ишласа ҳам Алижон Муҳамедов ҳозиргача 20 га яқин фильмларда иштирок этди. У кўп қисмли сериал бўладими, қисқа метражли фильмми, ҳужжатли бўладими, кино санъаткорлар ва режиссёрлар Наманганга ёки водий худудига келиб қолишса, Алижон акани дарров йўқлашади.

Ҳилол Насимовнинг “Муқаддас ватан”, Маъруф Отажоновнинг “Инсон манзаралари” сериали ва “Ватанфурушлар” бадийий фильмида, Бахтиёр Носиров томонидан тасвирга олинган “Менинг дадам ёлғончи”, “Сўнган умид” фильмларидаги иштироки муваффақиятли чиққанки, бунинг эътирофи таниқли режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан шу кунларда тасвирга олинаётган “Ибрат” бадийий фильмида савдогар образини унга ишонилганида ҳам яққол кўринади.

-Мен устоз актёр ва режиссёрларнинг, ҳатто айрим киносценарийчиларнинг эътиборига тушганман. Шунинг учун янги қиёфа ва янги истеъдодларни жалб этишда улар менга мурожат қилиб туришади. Бухоро сафарига ҳам уйчилик ёш истеъдод Жавоҳир Усмононовни бирга олиб келдим. Жавоҳир “Ибрат” бадиий фильмида ўзига берилган ролни қойилмақом ижро қилиб, янги кинофильмга ҳам таклиф этилди.

Устозим, яқин ҳамкорим Маъруф Отажонов, актёр Шухрат Эгамбердиевлар билан кинотасвир жараёнларида яйраб кетаман. Худонинг қудратини қарангки, сценарийни қўлимга олиб, бир марта ўқисам, аввало мазмуни, кейин сўзлари ҳам ёд бўлиб кетади. улар тасвир жараёнларидаги завқимни кўриб, “-Сиз чиндан ҳам тугма талант соҳибисиз”, -дейишади.

Инсон ҳалолликка интилиши керак. Илм, истеъдод ва қобилият қайсидир ўқув юртидан олинган диплом билан ҳам белгиланмайди. Атрофга эътиборли бўлиш, отақадрдонларни, онақадрдонларни эъзозлаш, ҳаёт мактабидан тегишли сабоқ чиқариб, яхшиларга интилиш кишини орзу-мақсадларига эриштиради.

Бу 70 ёшли Алижон Муҳамедовнинг хулосалари. У санъаткорлар муҳитида вояга етганидан, найчи отаси ва санъатга ошуфта онажониси Фотимахон Усмонованинг руҳларини шод этишга ўзида куч ва имконият топаётганидан миннатдор. Ҳозирда олти фарзанд, йигирмадан ортиқ набира ва эвараларнинг севимли бобоси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Носиржон Дехқонов – “Наманган ҳақиқати” газетаси. 2019 йил 3 август “Томир сурган истеъдод” мақоласи.

АСКАРОВ АКБАРАЛИ ЖАКБАРОВИЧ

1962 йил Наманган вилоя-ти Уйчи тумани Жийдакапа кишлоғида туғилган. 1981 йил Наманган Давлат санъат билим юртини, 1986 йил Тошкент Давлат консерваторияси (hozирги Ўзбекистон Давлат консерваторияси)ни тамомлаган.

2000 йил “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан тақдирланган.

Меҳнат стажи 35 йил.

Мазкур лавозимда 2020 йилдан ишламоқда.

А. Аскароев 2005-2012 йилларда юртимизнинг Мустақиллик, Назрўз ва бир қатор байрам тадбирларида концерт дастурлари бош мусиқа раҳбари ассистенти вазифасини мунтазам бажариб келди ва мамлакат бўйлаб ўтказиб келинаётган муҳим саналарга бағишланган кўплаб маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этди.

2012 йилдан 2016 йилга қадар Наманган вилоят мусиқа-ли драма театри директори сифатида театр репертуарини бир қатор янги спектакллар билан бойитишга ва ушбу спектаклларни Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Маданият ва маърифат” канали орқали тасвирга тушириб, намойиш этилишига эришди. “*Виждон амри*”, “*Ўлдинг, азиз бўлдинг*”, “*Бу чоллар ёмон чоллар...*”, “*Аёл кечирмайди*”, “*Қуриётган дарахт*”, “*Йиглама қиз*”, “*Тақдир эиниги*” каби асарлар шулар жумласидандир.

У халқимиз севиб тинглайдиган кўплаб куй-кўшиқлар ижодкори ва бастакоридир ҳамда узоқ йиллик ижодий фаолия-



ти давомида 100 дан ортиқ куй ва кўшиқлар яратган. Шунингдек, муаллифнинг Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси олтин фондидан жой олган “Тегирмоннинг чархпалаги”, “Моҳирабону”, “Алдама жоним”, “Аста-аста”, “Бахтиёр кунлар”, “Гул ишқида”, “Қизлар хаёл сурсалар”, “Кулишингиз бошқача”, “Сиз келасиз”, “Огажон”, “Шоҳи-нозим”, “Наманганлик оқ рўмол қизлар” каби кўшиқлари, созандалар ансамбллари учун яратилган “Қувонч”, “Нозлигим”, “Рухсора”, “Йўлларим”, “Эркин қуш” сингари дилрабо куйлари томошабинлар олқиши ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлган.

2016-2020 йилларда Ўзбекистон Давлат филармонияси “Ўзбек миллий мумтоз” ансамбли бадий раҳбари сифатида бир қатор куй-кўшиқларни Миллий телерадиокомпанияси олтин фондига ёзишга эришди. Жумладан, “Беги Султон”, “Гардуни рост сайқали”, “Гулузорим”, “Этмасмидим”, “Чапандози қаландар”, “Суратинг”, “Яли яли” ва бир қатор концерт дастурлари кабилар бунга мисол бўлади.

А.Асқаров ўз ижодий фаолиятининг кейинги даврларида, мамлакатимизда санъат ва маданият соҳасида амалга оширилаётган ислохатлардан руҳланган ҳолда миллий мумтоз ҳамда анъанавий-халқ ижрочилиги йўналишида баракали меҳнат қилиб, ўзи раҳбарлик қилаётган ўзбек миллий “Мумтоз” ансамбли жамоасини сифат жиҳатдан янги ижодий босқичга кўтарди. Ансамбл томонидан “Халқлар Дўстлиги” ва “Туркистон” саройларида ўтказилган бир қатор концерт дастурлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

У халқимизнинг номоддий маданий мероси ҳисобланган анъанавий ижро йўлидаги куй-кўшиқларни юртимизда тарғибот қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, “Олтин куз”, “Баҳор нафаси” халқаро мусиқа фестиваллари доирасида вилоятларда ўтказилаётган маданий-маърифий, Шахрисабзда ўтказилган “Мақом фестивали” ҳамда Қўқон шаҳрида ўтказилган “Хунармандлар” фестивалларида

фидокорона меҳнат қилиб миллий кадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришда намунали иштирок этиб келмоқда.

А.Асқаров билимли, юксак маҳоратли, кағъиятли ижодкор-созанда ҳамда меҳрибон устоз мақомига эришган санъаткор сифатида ижодий бирлашма жамоасининг эътирофига эришган етук мутахассисларнинг мустақиллик давридаги типик вакилидир.

1980 йили Наманган давлат санъат билим юртига (ўша пайтда шундай номланар эди.) ишга келганимда менга дирижёрлик фанидан 5 нафар битирувчи берилди. Шуларнинг орасида Акбарали Асқаров ҳам бор эди.

Акбарали ёшлигида ҳам иктидорли, тиришқок ва меҳнат-севар бола бўлган. Бир йил дирижёрлик фанидан давлат имтихонига тайёргарлик кўрганмиз. Оркестрда бирга ишлаганмиз. Жуда ҳам чиройли дирижёрлик қилган. Таланти, қобилияти борлигини ўша пайтдаги имтихон комиссияси раиси А.Султонов ҳам эътироф этган. Дж.Вердининг “Аида” операсидан “Марш” ва Алжир халқ куйларидан “Монти госпар” куйига дирижёрлик қилган. Комиссия раиси ва аъзолари Акбаралига бир овоздан 5+ баҳо қўйишган. Мен учун албатта жуда қувонарли бўлган. Кейин Акбарали Консерваторияга ўқишга кетиб Тошкентда ўзининг ижодий фаолиятини бошлади.

Наманган вилоятининг нуфузли ташкилотларида ишлади. Қаерда ишласа ҳам у санъатимизнинг ўсишига ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Акбарали Асқаров моҳир созанда ҳамда чин маънодаги бастакор ижодкор. Шунинг учун ҳам Республикаимизнинг жуда кўплаб нуфузли байрамларида мусиқа раҳбари сифатида ўз ҳиссасини қўшиб келади.

Ҳозирда ҳам Наманган вилояти ҳокимлигининг маданият масалалари бўйича маслаҳатчи бўлиб ишламоқда. Ва вилоятимиздаги барча мусиқа санъат соҳасидаги бўлиб ўтаётган тадбирларга бош-қош бўлиб турибди.

Бундан албатта ҳаммамиз миннатдормиз.

Акбарали Асқаровни бутун Республика мусиқа санъати аҳли бастакор созанда сифатида яхши танийди ва хурмат қилади.

АБДУҚАХҲОР ЖАЛИЛОВ



Санъатнинг даргоҳи жуда кенг. Унда шуҳрат қозониш ёки акси бўлган жараёнлар халқимизнинг кўзи олдида амалга ошиб келаверади. Аксарият санъат намояндалари ўзларининг бетакрор фаолияти, олийжаноблик фазилатлари, оташнафас овозлари-ю худодод истеъдодлари билан халқимизнинг эъзозига айланадилар. Уларнинг ижодий мерослари халқ маънавий дунёсининг ибратли намуналари

сифатида авлодлардан авлодларга ўтиб келаверади. Уларнинг ҳаёти, фаолиятида, ижоди, ижроси ҳар қандай янги авлод учун ўрнак бўлиб қолиши муқаррардир.

Назаримда Абдуқаҳҳор Жалиловнинг ҳам олиб бораётган санъатдаги фаолияти, устозларни эъзозлаши, уларни ўғитидан баҳраманд бўлиб ижодий муносабатларга унналишлари, педагогик, ижодий ва ижрочилик фаолиятлари барча-барчасида устозларнинг устозона ҳаракатлари ва муносабатлари бордек. Кўз ўнгимизда униб - ўсиб, касбига фидоий бўлиши, самарали ижоди бизни бундай дейишимиз учун асос бўла олади.

Абдуқаҳҳор Жалилов 1971 йил 26 январда Наманганда, Ровустон мавзесида, оддий деҳқон оиласида дунёга келган. Ёшлик чоғларидан мусика санъатига ҳавасию, кизиқишлари билан тенгдошлари орасида ажралиб турган. Бошланғич таълим жараёнида унинг мусика тинглаш, эслаб қолиш қобилиятлари, мусикага бўлган муносабатлари ҳар томонлама ўзини

намоён эта бошлаган. Унинг бундай ҳаракатлари мусиқа даргоҳига етаклайди. У 1992 йилда мусиқа санъатининг макони бўлган Наманган Давлат мусиқа билим юртига ўқишга киради. Бу даргоҳда у бевосита ашула санъати билан боғлиқ бўлган анъанавий хонандалик синфида таҳсил олади. Таълим маскани дарҳақиқат моҳир устозларга бой ва мусиқа санъатининг барча йўналишларида ёшлар профессионал сабоқ олишлари мумкин. Абдуқаҳҳор ўз йўналиши бўйича тажрибали ва моҳир педагоглар Ҳасан Султонов, Ботирали Ўришев, Маҳмуджон Маматкулов каби устозлар сабоғини олади. У илк бора мумтоз мусиқа ижрочилиги сирларини ўзлаштира бошлайди. Устозларнинг соз чалишлари ва хонишлари орқали ёш истеъдод эгаси, ўзбек мумтоз мусиқасининг бир қатор ижро услубларини ўзлаштириб боради. Мусиқа билим юртидаги сабоқ жараёнида Абдуқаҳҳор турли хил танлов ҳамда тадбирлардаги фаол иштирок этиб ўзини кўрсата олади ва бу билан у жамоада ҳурмат эътибор қозонади.

Хонандалик, албатта мусиқа санъатининг халқимиз кўп ардоқлайдиган тармоғидир. Абдуқаҳҳор ҳам бу борадаги сабоғини олий тизимда давом эттириб мукаммал хонандалик сирлари ўзлаштириш мақсадига 1996 йили Ўзбекистон Давлат Консерваториясига ўқишга киради. Консерваториянинг “Анъанавий хонандалик кафедраси”да таҳсил ола бошлайди. Мумтоз мусиқа санъатининг шайдоси бўлган Абдуқаҳҳор бу таълим даргоҳида замонасининг етук санъаткорлари, отахон ҳофизлар Ўзбекистон халқ ҳофизлари Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Қувондиқ Искандаров, Машрабжон Эрматов, Маҳмуджон Тожибоев, Эркинжон Рўзиматов, “Ўзбекистон халқ артисти” Саодат Қобулова, Турғун Алиматовлар сабоғини олади. Устозларнинг раҳнамолигида мумтоз мусиқа мероси намуналарини катта эътиқод билан ўрганади.

Абдуқаҳҳор устозлардан Фарғона-Тошкент мақом йўллари, Шашмақом намуналаридан ўзининг овоз имкониятлари доирасида ва ижро имкониятларига мос келадиган асарларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Яқка ижрога-ю ва ижро тарғиботига ҳам катта эътибор қаратади. Оқибатда хонанда ва созанданинг маҳоратини оширадиган амалиёт мезонига бор кучини сарф этади. 1999 йили мақом ижрочиларининг навбатдаги нуфузли мусобақаси бўлган - Юнус Ражабий номидаги Ёш мақом ижрочиларининг V Республика танловида иштирок этади. Моҳир санъат истеъдодлари билан беллашиб, фахрли III-ўрин совриндори сифатида эътироф этилади.

Абдуқаҳҳор айнан шу даргоҳ Консерваториядаги сабоқ жараёнидаёқ мумтоз мусика ижрочилигида эришган ютуқлари, устозлардан кунт билан ўрганган асарларини магнит тасмаларига ёза бошлайди. У Ўзбекистон Радиоси “Олтин фонд”ига бир неча мумтоз ва мақом йўлларида ашулалар ёзишга муваффақ бўлади.

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида у аввало бакалавр босқичини сўнгра мутахасисликни эгаллаш мақсадида, магистратура босқичини илк магистрлар қаторида битириб дипломини олишга муяссар бўлади. Бу албатта унинг келгуси фаолиятида илм билан шуғулланиш имкониятини очиб беради. 2002 йилда Абдуқаҳҳор бу даргоҳдаги таълимни яқунлаб мустақил ижод, педагогик фаолиятини бошлайди. 2002 йилда Тошкент маданият коллежи (ҳозирги Республика мусиқа ва санъат коллежи)нинг Халқ ижодиёти бўлими, анъанавий ижрочилик кафедрасида ўқитувчи лавозимида иш фаолиятини бошлайди. Абдуқаҳҳор ҳозиргача шу даргоҳда ишлаб келмоқда. Ҳозир у бир неча йиллардан кафедра мудирининг сифатида ишлаб ёшларни тарбиялаш билан бирга ижодий педагогик жамоани фаолиятига раҳбарлик қилиб келмоқда. Унинг устозлик фаолияти самарали. У ташаббускор раҳбар ва талабчан устозлар сафидаги фидойий муаллим. Шу билан бирга у 2005 йилдан

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси Шарқ музыкаси факултети, анъанавий хонандалик кафедрасида, 2019 йилдан Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий музыка санъати институтида ўриндошлик асосида педагогик фаолиятини олий масканларда юритиб келмоқда.

Қайд этиш жоизки санъатни қанчалик чуқур англашга ҳаракат қилинса, албатта ижод чашмаларидан баҳраманд бўлганлигини намоён этиши муқаррар. Абдуқаҳҳор ҳам ўзининг бевосита ижодий фаолиятида бир қатор йўналишларда ижод қилиб келаётганлигини эътироф этишимиз лозим. Унинг энг аввало хонандалик санъатида олиб бораётган ижрочилик фаолияти ўзига хос устозларнинг изидан бораётганлиги кўриниб туради. Ва албатта ўз самарасини кўрсатаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Устозларнинг мумтоз ашулалар ва мақомлар меросидан бир қатор ашулаларни, мақом намуналарини ўзлаштириб ижро этиш билан бирга бир қатор замонавий қолипдаги CD дисклардаги ўзининг туркум ашулаларини тингловчиларга ҳавола этишга эришди. Бу тўпламларда Шашмақом намуналаридан, ўзбек бастакорларининг асарлари ва халқ йўлидаги ашула ва қўшиқлар ўрин олган.

Бундан ташқари Абдуқаҳҳор Жалиловнинг бастакорлик йўлида ҳам ижод қилиб келаётганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Бу ашула тўпламларида унинг бастакорлик амалига мансуб бўлган бир қатор ашулалари ўрин олган. Жумладан: “Онамга деб” номланган 1-CD мумтоз ашулалар санъатсевар муштарийларга тақдим этилди. Ушбу дискида ўзининг бастакорлик асарларидан қуйидаги ашулалар ўрин олган: “Онамга деб” Бобур Бобомурод, “Ҳамд” Ҳувайдо ғазали, “Саҳар сайрар булбуллар” Хўжа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан, “Дилбар диёрим” ва “Сақланинг” Ҳайдар Муҳаммад шеърлари билан айтиладиган ашулалар;

Иккинчи CD диск “Навоий наволари” деб номланган. Унда Навоий ғазаллари билан айтилган ўндан ортик

ашулалари ўрин олган. Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Ю.Ражабий, О.Ҳотамов, К.Жабборов, Д.Зокиров каби бастакорларнинг Навоий ғазалларига битган ашулалар қаторида ўзининг “Наманган Ушшоғи”, “Оламда йўк” ва Рубоийлар каби бастакорлик ижодидан намуналар ҳам ўрин олган. 2020 йилда “Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар” Республика кўрик-танловида Абдуқаҳҳор Жалилов Навоий ғазалига басталаган ўзининг “Наманган ушшоғи”асари билан иштирок этиб, III-даражали диплом билан тақдирланди.

Бундан ташқари Абдуқаҳҳор Жалиловнинг кейинги давр ижодига назар солсак бир қатор мумтоз йўлда яратган ашулаларига гувоҳ бўламиз. Жумладан, “Келибман” Бобораҳим Машраб ғазали, “Тараҳҳум қилмас” Алишер Навоий ғазали, Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари асосида “Очдим мано”.

Абдуқаҳҳор Жалилов педагогик фаолиятининг ижодий жабҳаларида илмий услубий йўналишда ҳам ўзига хос ижодий ишларни олиб бормоқда Бу борада 2009 йили, мумтоз мусиқа ижрочиларимиздан устоз санъаткор Ўзбекистон халқ артисти Коммуна Исмоилова ижодий фаолиятига бағишланган монографик ўқув қўлланмасини яратиб ўқувчи талабаларга тақдим этади.

Абдуқаҳҳор Жалилов замонамизнинг маданият ва санъати ривожига ўзининг муносиб хиссасини кўшиб келаётган фидоийларидан биридир. Биз бу инсондан келажакда улкан ишлар кутиб қоламиз.

ДИЛДОРАХОН ХОДЖАЕВА



“Соғлом турмуш” медали соҳибаси, “Йилнинг энг яхши бош балетмейстери” номинацияси ғолиби, ажойиб раққоса, ўз ижодий фаолияти давомида шогирдлари билан кўплаб ютуқларга эришган устоз ва мураббий, бир қатор кўрик – танловлар ғолиби, бир қанча мукофотлар совриндори Ходжаева Дилдорахон Нурматхоновна Наманган вилояти Тўрақўрғон туманида 1967 йил 2 октябрида

зиёлилар оиласида туғилган.

1974 йилда ўрта мактабнинг 1 синфига қадам қўйди. Ўқиши давомида ҳар-хил кўрик - танловларда жумладан: “Санъат гунчалари”, “Марҳабо талантлар”да қатнашиб, ўз санъатини намоён этади.

1980 йилда Тошкент давлат Хореография билим юртига ўқишга қабул қилинди. Таълим олиш билан бир вақтда “Баҳор” Давлат академик ансамблида ишлай бошлади. Ансамблда ишлаб юрган вақтида 15 та қўшни Республикаларда турли фести-вал ва кўрик-танловларда қатнашиб, ўз маҳоратини оширган. Жумладан Россия, Беларуссия, Украина, Молдавия, Армения, Грузия, Озарбайжон, Эстония, Латвия, Литва Республикаларида ва бошқа мамлакатларда ўзининг рақслари билан иштирок этган.

1984-85 йилларда Украинада ўтган “Киевская весна”, Москва шаҳрида “XII Ёшлар халқаро фестивал”ларида фаол иштирок этган.

Шу йили ўқишни тамомлаб Наманган вилоят маданият саройидаги “Наманган гуллари” ансамблига бош балетмейстер вазифасига ишга қабул қилинади. Ёш бўлишига қарамай

изланувчан маҳоратли касб эгаси бўлганлиги сабабли шаҳар ва вилоят тадбирларида фаол иштирок этиб, ўз санъати билан халққа манзур бўлди. Шу билан бирга Наманган Давлат Санъат билим юрти (ҳозирги Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби) Хоерография санъати бўлимида педагог-хореограф бўлиб ишлай бошлайди.

1986 йили “Наманган гуллари” ансамбли билан Франция ва Швейцария мамлакатларида ўтказилган халқаро фольклор фестивалларида балетмейстер ва раққоса сифатида иштирок этиб, Париж, Конфалан, Амили-Ли-Бен, Лион шаҳарларида ўзбек миллий рақс санъатини тарғибот қилиб, намоиш этади. Швейцария мамлакатининг Берн, Женева, Фрибург ва бошқа шаҳарларида турли хил жозибали рақслари билан томошабинлар олқишларига сазовор бўлган.

1987 йили Москвада ўтказилган халқаро рақс фестивалида ўқувчилар билан иштирок этиб фахрли ўринларни қўлга киритади. 1989 йилда эса Грузия пойтахти Тбилиси шаҳрида ўтказилган “Голос Грузии” номли фестивалда иштирок этган. 1990 йили Тошкент шаҳрида Навоий номли катта Академик опера ва балет театрида “Наманган кунлари” муносабати билан ўтказилган тадбирда ўзи сахналаштирган рақслари билан қатнашади.

Дилдора Ходжаева ўқув даргоҳида ишлаш жараёнида жуда кўплаб ёшларга рақс санъати сирларини чуқур маҳорат билан ўргатиб, у ҳозирда рақс санъати бўйича ҳақиқий фидойи устозга айланди ва рақс санъати бўйича Наманганда ўзининг рақс мактабини ярата олди.

2005-2008 йиллар давомида Наманган Давлат университети мусиқа ва санъат йўналишини сиртдан тамомлади.

Ходжаева Дилдорахон 1985 йилдан буён Наманган санъат коллежи (ҳозирги Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби)да “Халқ рақси” кафедрасида етакчи ўқитувчи. 2002 йилдан буён “Халқ рақси” кафедрани мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

У Наманган вилоятда бош балетмейстерлик фаолиятини ҳам олиб боради. Ўтган йиллар давомида “Хореография санъати” йўналиши, “Халқ рақси” кафедрасида ўқувчиларга чуқур билим ва сабоқларини бериб, етук мутахассисларни тайёрлаб келмоқда. Шу йиллар мобайнида Республика миқёсида бўлиб ўтган “Ёш ижрочилар” кўрик-танлови ҳамда бошқа турли кўрик-танловлар ва фестивалларда ўз шогирдлари билан иштирок этиб, фахрли ўринларни соҳибасига айланишди.

Жумладан: 2011 йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ёш ижрочилар” кўрик танловида шогирди Усмонова Гуласал 2-даражали лауриати, Республикада ўтказилган Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган кўрик-танловда эса Усмонова Гуласал “Энг жозибали раққоса” номинациясини қўлга киритади. 2012 йил Ходжаева Д.Н. Республика Байналминал маданият марказининг энг яхши балетмейстер номинацияси бўйича “Ўзбекистон умумий уйимиз” тўртинчи Республика дўстлик ва маданият фестивали лауриати бўлади. 2013 йилда шогирди Мирхоликова Камила “Ниҳол” мукофоти вилоят босқичида фахрли ўринни олди. Шу йили Тошкентда ўтказилган Республика “Ёш ижрочилар” кўрик танловида Мирхоликова Камила, 2-даражали лауриатликни қўлга киритади. Мукаррама Турғунбоева хотирасига бағишланган кўрик-танловда эса Мирхоликова Камила иштирок этиб, фахрий ёрлик билан тақдирланди. Ўзбекистон Республикасини мустақиллигига 22 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдонида ўтказилган тадбирда у ўз шогирдлари яъни Наманган Санъат коллежи (ҳозирги Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби)нинг “Халқ рақс” кафедраси ўқувчилари билан иштирок этиб келишади. 2013 йили Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан маданият ва санъат йўналишида рақс санъатини ривожлантиришдаги самарали хизматлари, ҳамда 2013 йилда ўтказилган вилоятнинг асосий байрамлари ва маданий тадбирлари учун сахналаштирган энг гўзал рақсларини

эътироф этган ҳолда "Йилнинг энг яхши бош балетмейстери" номинацияси ғолиблигини қўлга киритади.

1991 йилдан буён вилоятимизда мунтазам ўтказиб келинаётган "Мустақиллик" ва "Наврўз" байрамларининг бош балетмейстери бўлиб фаолият юритиб келмоқда.

Шогирдлари Омонова Шодиёра Республикада ўтказилган «Эътироф-2014»да ўзининг рақслари билан «Йилнинг энг яхши раққосаси» номинацияси, Зарипова Зарина эса Вилоятда ўтказилган «Эътироф-2014» да ўзининг гўзал рақслари билан «Йилнинг энг яхши раққосаси» номинациясини қўлга киритдилар.

2015 йили апрел ойида ўтказилган «Ёшлик завки» номли балет ва замонавий рақс ижрочилар фестивалида ўқувчиларидан Зарипова Зарина ва Иброҳимова Сарвиноз иштирок этиб, Зарипова Зарина фахрли I-ўринни қўлга киритиб Республика босқичига йўлланма олади.

У шогирдлари билан Наманган Вилоятининг Ёшлар марказида бўлиб ўтган «Баркамол авлод шаклланишида миллий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» илмий-амалий семинарда иштирок этишади. Жорий йилнинг июн ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Республика «Ёш ижрочилар» кўрик танловида Наманган Санъат коллежи (ҳозирги Наманган ихтисослаштирилган санъат мактаби) ўқувчиси Иброҳимова Сарвиноз иштирок этиб фахрли II-даражали дипломни қўлга киритади. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган «Бетакрримсан яғонасан, она Ватаним, Ўзбекистоним!» шиори остида Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика ва Наманган Вилояти тадбирида ўқувчилар билан фаол иштирок этади.

2017 йили Тошкентда бўлиб ўтган "Ёш ижрочилар" Республика кўрик танловида шогирди Тожибаева Лайло фахрли III-даражали Диплом ва лауриятлик унвони билан тақдирланган.

2018 йил феврал ойида Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабининг “Халқ ракси” кафедраси II-босқич ўқувчиси Нуриллаева Гуласал Россия федерация Санкт-Петербург шаҳрида VIII – халқаро фестивал “Окно в европу” кўрик танловида қатнашиб I-ўринни олади. Шу йили ноябр ойида Ёшлар иттифоқи томонидан Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Бағрикенг Ўзбекистон“ ёшлар фестивали Республика босқичи турли миллатлар вакилларининг миллий рақслар танловида 19-30 ёш тоифасидаги “Рақс жамоалари” йўналишида шогирдлари билан иштирок этиб иккинчи даражали диплом билан тақдирланади. Шу фестивалда яққохон ижро йўналиши бўйича ўқувчиси Ойбекова Одина I–даражали диплом билан тақдирланди.

2019 йил Д.Н.Ходжаевани кўп йиллик маданият ва санъат йўналишидаги иш фаолияти учун Президентимиз томонидан энг кам иш ҳақини 50-баробари миқдоридagi пул мукофоти ва сертификат билан тақдирланди.

2019 йил Тошкентда ўтказилган Республика “Ёш ижрочилар” кўрик танловида “Хореография” йўналиши бўйича ўқувчиси Ойбекова Одина 3-ўринни эгаллади.

2019 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” Халқаро фольклор фестивалида таниқли ансамбллар билан биргаликда унинг ўқувчи қизлари ҳам иштирок этиб, ўз маҳоратларини ошириб қайтишди.

2020 йил Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги арафасида Президентимизнинг “Соғлом турмуш” медали билан тақдирланди.

Ҳозирги кунда Дилдорахон Ходжаеванинг ўқувчилари Республикаимизнинг нуфузли олийгоҳларида таҳсил олишмоқда, кўзга кўринган рақс жамоаларида фаолият юритишмоқда.

Дилдора Ходжаева Наманган ихтисослаштирилган санъат мактабининг жамоасида, Наманган шаҳри ва бутун вилоятимизда кўзга кўринган балейтмейстер-устоз сифатида ҳурмат ва эътиборга эга.

ЁҚУТХОН РАҲМАТУЛЛАЕВА



“Дўстлик” ордени ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишони соҳибаси, Наманган шаҳар маданият бўлими тасарруфидаги “Ёр-ёр” фольклор халқ жамоаси бадий раҳбари Раҳматуллаева Ёқутхон Турсунбаевна 1958 йили Наманган вилояти Уйчи тумани Саноат кўчаси 3-уйда дунёга келади. Муסיка санъатига бўлган муҳаббати уни шу соҳани эгаллашга ундади. У 1975 йил Уйчи туманидаги 30-ўрта мактабда таълим олди. У ерда устозларидан сабоқ оларкан муסיқага бўлган муҳаббати сўнмади.

Ёқутхон Раҳматуллаева кўп йиллик тажрибага эга меҳнатсевар фидойи маданият ходими сифатида ёш авлодга маданият ва санъат соҳаси сирларини етказиш борасида самарали меҳнат қилиб, Маданият ва санъат соҳаси ходимларини, ёшларни истиқлолга садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур ва ифғихор туйғуларини юксалтириш ишларига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Республикамизда, Наманган вилоятининг миллий урф-одатларини, миллий фольклор санъатини кенг тарғиб қилишда ўз меҳнати билан самарали хизмат қилмоқда. Фольклор санъатини ёш авлод қалбига сингдиришда ўз билим ва кўникмаларини аямаган ҳолда ёшларни шу соҳани етук мутахассиси бўлишларида ўз ҳиссасини қўшмоқда.

1974 йилда Наманган шаҳар маданият бўлими қошида “Ёр-ёр” фольклор халқ жамоаси ташкил этилди. Ёқутхон

Раҳматуллаева ушбу фольклор жамоасига қабул қилинди. У ҳозирги кунда ушбу жамоага бадиий раҳбар лавозимида ўз фаолиятини олиб бормоқда.

Ёқутхон Раҳматуллаева 1987 йили Бутун иттифок фестивалида иштирок этиб анжуманнинг лауреати бўлишга эришади. 1990 йилда эса олий ўринни эгаллаб, Халқаро фестивалга йўлланма олади.

1991 йилда у Германия, Швейцария, Испания каби давлатларда миллий либосларимизни, урф-одатларимизни, лапар ва яллачилик, ҳудудга хос бўлган қадимий кўшиқларни ижро қилиб томошабинлар эътирофига сазовор бўлади.

2008 йилнинг 1-6 май кунлари Қашқадарё вилояти Китоб туманида ўтказилган “Асрлар садоси” Республика анъанавий маданият фестивалида ўзининг алоҳида халқ кўшиқлари билан иштирок этиб фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2008 йилдаги қарорига биноан, ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклашдаги фаол хизматлари ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун “Ёр-ёр” фольклор этнографик ансамблига “Халқ ҳаваскорлик жамоаси” унвони берилди.

2016 йил Навоий вилояти Нурота туманида “Нурли наволар” Республика фестивали бўлиб ўтади. Ушбу фестивалда 12 та вилоятнинг фольклор жамоалари орасида “Энг жозибали фольклор жамоаси” номинацияси билан тақдирланди.

2017 йил “Ёр-ёр” фольклор халқ жамоаси Республика “Наврўз” байрами тадбирида ҳамда Тошкент шаҳридаги “Ўзкўргазмасавдо” марказида “Дам олиш дунёси” Ўзбек халқаро туристик кўргазмаси ҳамда “Миллий таомлари” фестивалида фаол иштирок этди.

2018 йил “Бойсун баҳори” халқаро очиқ фольклор фестивалида иштирок этди. Фестивалда “Ёр-ёр” фольклор халқ жамоаси “Энг яхши фольклор ижрочилиги” номинацияси билан тақдирланди.

У “Ёр-ёр” фольклор халқ жамоаси билан бирга, 2018 йили Шаҳрисабз шаҳрида бўлиб ўтган “БиринчиХалқаро Мақом санъати анжумани”да иштирок этишга муяссар бўлди.

Ҳозирда Наманган шаҳрининг чекка ҳудудларида, маданият ва истироҳат боғларида ва ҳар бир маҳаллада, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган ижодий учрашувлар, маданий-маърифий ва дам олиш тадбирларида ҳамда жамоа томонидан шаҳар, вилоят ва Республика миқёсида ўтказилган байрам тадбирларида, кўрик-танловлар ва фестивалларда ўз концерт дастурлари билан фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Унинг ижодидан ўрин эгаллаган “Наманган қизлари”, “Ширмон”, “Қорамайиз”, “Елпигич”, “Карима куйлак”, “Наманганнинг олмаси”, “Ҳо ялли”, “Баққол”, “Зебижон”, “Бурама гажак” каби ялла фольклор кўшиқлари тингловчилар эътиборини қозонган.

Ёкутхон Раҳматуллаева 2021 йил мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан “Дўстлик” ордени ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланди.

У Наманган шаҳар маданият бўлимидаги фаолияти даврдан “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллиги куни” байрами, “Наврўз” умумхалқ байрами, “Президент арчаси” янги йил байрами каби мамлакатимизда кенг нишонланадиган умумхалқ байрамларида, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Халқаро хотин-қизлар куни”, “Хотира ва қадрлаш куни”, “Халқаро болалар куни”, “Ёшлар куни”, “Гул байрами”, “Устоз ва мураббийлар куни”, “Конституция куни” каби атоқли саналарнинг нишонланишида ўзининг серқирра ижоди ва санъати билан ватанимизга хизмат қилиб келмоқда.

Ёкутхон Раҳматуллаева Турсинбоевна ақл-заковат, қатъият, идрок, ирода ва билимдонлик талаб этиладиган ҳар қандай ишда ўзини кўрсата олган. Шу билан бир қаторда

соҳани бошқаришда талабчан инсон, билими, малакаси ва касб маҳоратини тинмай ошириб боради, у жамоат ишларида фаол иштирок этиб, бир қанча хайрия ишларини ҳам амалга оширган. Касбдошлари, атрофдаги шахслар билан муносабатларда юқори муомала маданияти соҳибаси сифатида меҳр қозониб, ҳар ишда ташаббускор, журъатли ва обрў эътиборга эга раҳбардир ҳам.

Кенг жамоатчиликни ва ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, қолдирилган барча номоддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтириш, халқ оғзаки ижодини ёш авлодга тарғиб этиш ишларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда. Фидоийлиги, меҳнатсеварлиги билан ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозонган меҳридарё аёлдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Шавкат Мирзиёев. “Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси”, 2018 й.
2. Аҳмаджон Жабборов, “Муסיқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида”, Т., 2000 йил, 93 бет.
3. Аҳмаджон Жабборов, “Ўзбекистон бастакорлари ва муסיқашунослари”, Т., 2004 й
4. Аҳмад Жабборов. “Ўзбекистон Бастакорлари ва муסיқашунослари” Т., “Янги аср авлоди”, 2018 й.
5. Алижон Азизов - “Сўнмас юлдузлар” Наманган, 2020 йил.
6. Алишер Навоий номидаги вилоят муסיқали драма ва комедия театри: - маъмурияти.
7. Анвар Икромов – “Сора Эшонтўраева”.
8. Жўрахон Муҳаммад Ҳофиз ўғли, Шукуржон Сулаймон. “Санъат саодатимдир”. Чуст, 2012 й.
9. Зулфия Обидова – “Хониши гўзал эди...” “Наманган ҳақиқати” газетаси 2011 й.
10. К.Олимбоева,Т.Йўлдошбоева,М.Аҳмедов,Т.Мирзаев. “Ўзбекистон халқ созандалири” 2 - китоб.Тошкент, 1974 й.
11. Лобархон Рустамова. “Бир кўлида курол, бирида най билан” “Янгиқўргон ҳаёти” газетаси. 2021 йил, 29 июн, №18 (10131).
12. “Манас Левиёв”, Монография, Т., “Ғ.Ғулом”, 1986 й.
13. Мамадалиева Ойнигор. “Ўзбекистон санъат арбоби Карим Йўлдошев ижодий портрети” номли битирув малакавий иши.
14. Наталья Янов-Яновская, “Музыкальная культура Узбекистана в годы Великой Отечественной войны”, //История узбекской советской музыки, Т., 1972 й. 269 бет.

15. Насиба Турғунова. “Қўшиқдан яралган бўстон”, 08.12.09.йил.

16. Нигора Мўминова. “Вилоят музейининг доруғаси”, “Тамаддун” журнали 2021 йил 29 июнь.

17. Носиржон Деҳқонов. “Томир сурган истеъдод”, “Наманган ҳақиқати” газетаси. 2019 йил 3 август.

18. Р.Абдурахмонов, О.Абдурахмонов- “Сўрамайсиз” (Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралиев хотирасига бағишланади) “Наврўз” нашриёти.Тошкент 2018 й.

19. Рустамжон Абдуллаев “Жамолхон Ҳасанов”, Наманган, 2014. й.

20. Рукия Ғозиева. “Сеҳрли соз соҳиби”. “Наманган ҳақиқати” газетаси..

21. Садоқат Аллаберганова. “Меҳрихон Бекжонова”, Даракчи газетаси.

22. Содик Сайхун. “Созанда, хонанда, мураббий”, “Наманган” нашриёти, 2015 й.

23. Соибжон Бегматов, “Қамолиддин Раҳимов” монография, Т., 2004 й.

24. Ҳакимжон Содиков, “Эл ичра назар топдим” “Наврўз”, Т., 2018 й.

25. Ҳалима Юсупова- “Йўллариингнинг ҳилоли бўлай”, Т., 2001.

МУНДАРИЖА

1	Муаллифдан	3
2	Уста Рўзимат Исабоев.....	8
3	Манас Левиёв	13
4	Бурҳонжон Юсупов	21
5	Карим Мансуров	23
6	Жамолхон Ҳасанов	25
7	Ҳасан Султонов	32
8	Эргаш Йўлдошев	39
9	Саиджон Калонов	42
10	Саидхўжа Холдорхўжаев	44
11	Машрабхон Боқиев	51
12	Аҳмаджон Жабборов.....	57
13	Мукаррама Азизова	65
14	Ҳалимжон Жўраев	70
18	Ҳабиба Охунова	72
19	Камолиддин Раҳимов	80
20	Тожиали Олимов	86
21	Жўрахон Раҳимов	91
22	Набижон Муҳаммедов	95
23	Толмас Ғаффоров	99
24	Нуриддин Аминжонов	105
25	Ҳошим Арслонов	108
26	Маъруфхон Орипов	112
27	Матлуба Дадабоева	119
28	Меҳрихон Бекжонгва	127
29	Мирза Азизов	133
30	Карим Йўлдошев	138
31	Рустам Ҳамрокулов	143
32	Турдиали Саъдуллаев	147
33	Ўринбой Нуралиев	150
34	Зокиржон Эргашев.....	154

35	Соибжон Бегматов	160
36	Онахон Тожибоева	166
37	Алижон Муҳамедов	170
38	Акбарали Асқаров	173
39	Абдуқаҳҳор Жалилов	177
40	Дилдорахон Ходжаева	182
41	Ёқутхон Раҳматуллаева	187
	Фойдаланган адабиётлар рўйхати	191

НАФОСАТ ГУЛШАНИ

Тазкиравий рисола

Матнлар муҳаррири: **Н. Аминжонов**

Муҳаррир: **Д. Умарова**

Бадий муҳаррир: **Ф. Зоиров**

Саҳифаловчи: **Ў. Эгамов**

Нашр литцензияси: АIN№ 3988-775f-4f01378-4552-3210

Теришга берилди: 21.11.2022

Босишга рухсат этилди: 30.11.2022

Бичими 70x100 1/16 офсет усулда

Times New Roman гарнитурасида. Шартли босма тобоғи 8

Адади 300 дона

“MIRON-ART-DESIGN” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Катта Қозиробод кўчаси, 65



“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси”, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси, меҳрибон ва маҳоратли педагог Нортожохон Юсупова.

Авваллари санъат билим юрти, кейинчалик санъат коллежи, ҳозирда ихтисослаштирилган санъат мактаби номларида фаолият юритаётган Наманган мусиқа ва санъат даргоҳининг оз эмас – 40 йили Тожиҳон опа тақдири билан уйғун. Салкам 30 йилида, директорлик лавозимида фидокорона бошқариб келаётган тажрибали раҳбар.

Опанинг ҳаётдаги шиори уни доимо илҳомлантириб келган. Яъни – “Биз ёшларимизга санъатнинг ўта нозиклигини, Худо берган истеъдодини ривожлантириш учун бетиним ўқиш, билим олиш кераклигини, сахна муқаддас эканлигини, санъаткор маънавияти юсак бўлиши лозимлигини, касбига садоқатли устазода санъаткорлар йўлидан

боришлигини, халққа чин дилдан хизмат қилсагина эҳтиромга сазовор бўлишини уқтирамиз”.

Унинг ташаббуси билан вилоятлардаги турдош ўқув юртлари орасида биринчилардан бўлиб «Актёрлик санъати», «Дизайн», «Эстрада хонандалиги», «Анъанавий ижрочилик» бўлимлари очилган, «Миллий хореография санъати» кенг ривожланди.

Ҳар ўқув йилида ўқув даргоҳидан Республика, халқаро танлов ва фестиваллардаги совринли ўринлар сони 40 нафардан ошади; ўнлаб ўқувчилар олий таълим муассасаларига имтиёзли ўқишга қабул қилинадилар.

Ҳозирги кунда мактабда “Ўзбек халқ чолғулари оркестри”, “Пуфлама ва зарбли чолғулар оркестри”, “Рус халқ чолғулар оркестри”, “Скрипкачилар камер оркестри”, “Хор жамоаси”, “Аланга саксафончилар гуруҳи”, “Мақомчилар ансамбли”, “Хореография гуруҳи” ва “Миллий эстрада гуруҳ”лари миллий мумтоз мусикамиз ва жаҳон классик мусиқа санъати дурдоналарини халқимизга етказишда сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар.

ISBN 978-9943-8997-0-4



9 789943 899704